

Салима РУСТАМИЙ

«ДЕВОНУ ЛУҒОТИ-Т-ТУРК»ДАГИ  
ЛИНГВИСТИК АТАМАЛАР  
(2-нашр)



**Салима РУСТАМИЙ**

**«ДЕВОНУ ЛУҒОТИ-Т-ТУРК»ДАГИ  
ЛИНГВИСТИК АТАМАЛАР**

(2-нашр)



## **ASES KONGRE ORGANİZASYON VE YAYINCILIK**

Kanununun hükümlerine göre kitabı yayınlanan yayınevinin izni olmaksızın elektronik, mekanik, fotokopi veya herhangi bir kayıt sistemi ile çoğaltılamaz, kısmen veya tamamen

Yayımlanamaz, depolanamaz.

Basım Tarihi: 24.03.2026

ISBN: 978-625-92363-1-5

**Салима РУСТАМИЙ**

**«ДЕВОНУ ЛУҒОТИ-Т-ТУРК»ДАГИ**

**ЛИНГВИСТИК АТАМАЛАР**

(2-нашр)

Baskı, Yayım ve Dağıtım ASES KONGRE ORGANİZASYON YAYINCILIK

Sertifika No: 63715

# МУҚАДДИМА

## 1. Мавзунинг ўрганилиш тарихи

Республикамиз истиқлолга эришгандан сўнг миллий қадриятларни, жумладан, илмий меросимизни тадқиқ қилишга катта йўл очиб берилди (1,137; 2,47; 3,282).\*

Шу куннинг тил, тарих, маданият билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишда ёзма ёдгорликларга мурожаат қилиш муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Бундай асарларни ўрганиш, жумладан, тил тарихини ўрганиш миллатнинг шаклланиш тарихи, мероси, маданияти ҳақида зарур маълумотлар беради.

Маълумки, ҳар қандай тил ҳодисасини тарихий жиҳатдан ўрганишнинг ягона илмий йўли бирламчи манбаларга асосланиб, ёзма ёдгорликлар тили билан ҳозирги тилни қиёслаш, шу асосда икки орадаги яқинликни, фарқ ва янгиликларни аниқлашдир.

Марказий Осиё халқлари кўп асрлар давомида яратган ноёб маданий ёдгорликлар қаторига шу халқ фарзандлари яратган луғатлар ҳам киради. Бундай луғатларнинг нодир қўлёзмалари бизгача етиб келган ва уларнинг баъзилари нашр қилинган, улар асосида илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган (15; 16; 18; 31; 32; 33; 35; 36; 37; 39; 42; 73; 75; 79; 84; 85; 86; 92; 96; 97; 98; 104; 105; 106; 107; 109; 110).

XI асрда яшаган дунё фан тарихида биринчи туркшунос, лаҳжашунос ва қиёсий услуб соҳиби Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асари ҳам ана шундай луғатлар жумласига киради (134; 135; 136).

Бу асар жаҳон тилшунос олимлари эътиборини тортган қадимий асарлардан биридир. «Девану луғати-т-турк» туркий сўзларнинг арабча изоҳли луғати бўлгани учун илмий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга моликдир. Уни ҳар томонлама тадқиқ қилиш туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг тарихини, урф-одатларини, сўз бойлигини, адабий меросини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Бизгача фақат битта қўлёзмаси етиб келган «Девану луғати-т-турк» туркшуносликка оид асарлар ичида энг қадимийлиги билан ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу қадимий қўлёзманинг Аҳмад Рифъат томонидан чоп этилиши ва факсимиль (115; 126) нашрларининг юзага келиши Маҳмуд Кошғарийни ва унинг мазкур асарини шарқшуносларга танитди. Натижада уни таржима ва тадқиқ қилиш ишлари бошлаб юборилди.

---

\* Иснод Адабиётларга қилинади. Биринчи рақам асарнинг адабиёт рўйхатидаги сирасини, вергулдан кейинги рақам саҳифани билдиради. Бир неча асарга иснод қилинганда, улар бир-бирдан нукта-вергул билан ажратилади.

Машхур туркшунос олимлардан Ғ. Абдурахмонов (4; 5; 6; 7; 8; 9; 10), С. Муталлибов (58; 59; 60; 61; 62), Х. Неъматов (65; 66; 67; 68; 69; 70), Ш. Шукуров (10; 101; 102; 103), Ф. Фозилов (88; 90; 91; 93; 94), Э. Умаров (81; 83; 84), Қ. Маҳмудов (48; 55; 56), Х. Дадабоев (25; 26), Ш. Шоабдурахмонов (100), Б. Ҳасанов (96; 111) ўзларининг ўзбек тили тарихига оид асарларида «Девану луғати-т-турк» материалларидан самарали фойдаландилар.

Бу асар асосида докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди (19; 57; 66; 88) ва бир қанча илмий мақолалар нашр этилди (20; 21; 44; 45; 49; 50; 51; 76; 77; 78). Булар орасида А. Тоймас (113; 114), О. Прицак (128; 129), З.В. Тўған (131), М. Хартман (125), М.Ш. Улкуташир, А. Жаъфарўғли, Н. Наби, Б. Нертев, Р. Белге, Н. Ҳусайн, Б. Аталай (41; 45) мақолалари ҳам бор.

1971 йил октябрнинг 7-9 кунлари Улуғбек номли Фарғона давлат институтида туркшуносларнинг Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференция Маҳмуд Кошғарий яратган «Девану луғати-т-турк» асарининг 900 йиллигига бағишланди (87). Конференция ишида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжон, Татаристон, Ўзбекистондан 105 туркшунос қатнашди. Конференциянинг олти йиғилишида 43та маъруза тингланди. Туркшуносларнинг илмий фаолиятини ёритиб боровчи «Советская тюркология» журналининг бир сони ана шу анжуманга бағишланди. Унда конференцияда иштирок этган олимларнинг Маҳмуд Кошғарий яшаган давр, унинг ҳаёти ва асарнинг ёзилиш тарихи, шу асарга асосланган ҳолда туркий тилларнинг тузилиши ва тарихига оид тадқиқотларнинг қизиқарли натижалари, асар устида олиб борилаётган таржима ишлари ва бу асарнинг адабиётшунослик билан боғлиқ масалалари тўғрисидаги А.Н. Кононов (41), С.Г. Кляшторний (40), М.Ш. Ширалиев (99), А.М. Демирчизаде (27), Б.О. Орузбаева (70), Т.М. Гарипов (22), А.К. Қуришжонов (43), В.И. Асланов (11), М.Ш. Рагимов (71), И. Қўчқортоев (46), Ш. Шукуров (102), Б. Осмоналиева (71), Х.Г. Нигматов (67), Э.А. Умаров (83), А. Матгазиев (47), О. Караев (38), С. Ибрагимов, М. Асамуддинов (30), А. Хайитметов (95), А. Рустамов (77), Ю. Мухлисов (63)нинг маърузалари нашр қилинди. Баъзилари ҳақида қисқача маълумот берилди.

Конференция қатнашчиларининг таъкидлашича, Маҳмуд Кошғарий асарини ўрганишга Ўзбекистон олимлари «Девану луғати-т-турк»нинг тўлиқ ўзбекча таржимаси (58; 59; 60), тугаш арафасидаги русча таржимаси (77), XI асрга доир ёзма асарлар тилининг грамматикаси бўйича қилинган тадқиқотнинг нашр қилиниши (4; 61; 62), мавжуд нашрларни қиёслаш ва

танқидий баҳолаш (89) каби илмий ишлари билан ўз хиссаларини қўшдилар; Озарбайжон олимлари «Девану луғати-т-турк»нинг озар тилига таржимасини русча луғат кўрсаткич билан бирга тайёрладилар, шунингдек, асарга бағишланган бир қатор муҳим тадқиқотларни амалга оширдилар ва қисман нашр қилдирдилар; туркман, қозоқ, қирғиз, татар, бошқирт ва бошқа туркийзабон халқлар олимлари ҳам асарни ўрганишга катта хисса қўшдилар (74).

Конференция Маҳмуд Кошғарий асарининг туркий тиллар филологияси, туркийзабон халқлар тарихи ва этнографияси билан боғлиқ йирик муаммоларга бағишланган тадқиқотларни амалга оширишда жуда катта илмий қийматга эга эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни зарур деб топди:

1. а) «Девану луғати-т-турк»нинг русча таржимаси ва асар матнининг тибқибосим нусхасини тез орада нашр қилиш;

б) «Девану луғати-т-турк»нинг озарбайжонча таржимасини тез орада нашр қилиш.

2. Конференция бу йиғилишни Маҳмуд Кошғарий асарини ўрганишдаги муҳим босқич эканини таъкидлаб, «Девану луғати-т-турк» тадқиқотини изчил давом эттиришга кўрсатма берди ва навбатдаги туркшунослар конференциясини ҳам шу асарга бағишлашни зарур деб топди.

3. Конференция Э.В. Севортян томонидан тайёрланган «Турк тиллар этимологияси луғати»нинг туркий тиллар лексикографияси, лексикологияси ва қиёсий-тарихий тадқиқотларнинг ривожланишига кўрсатадиган аҳамиятини ҳисобга олиб тез орада нашр қилиниши лозим деб топди.

Мазкур қарорнинг мавжудлигига ва кейинги йилларда бу асар шарқшунос олимларнинг энг асосий дастурига айланган бўлишига қарамай, унга бағишланган тадқиқот ишлари бир оз сустлашди.

2002 йил 25 декабрда «Девану луғати-т-турк» ёзилганининг 930 йиллиги муносабати билан Истанбул университети адабиёт факультетининг турк тили ва адабиёти бўлими томонидан конференция ташкил этилди. Унда турли мамлакатлардан келган туркшунослар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан академиклар Ғ. Абдурахмонов ва А. Рустамов ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Туркшуносларнинг асосий пойдевори бўлган бу асарни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, жумладан, ундаги тилшунослик атамаларини тадқиқ қилиш тилшунослигимиздаги ҳалигача ечилмаган айрим муаммоларни ҳал қилиш билан бир қаторда туркийшунослик тарихини, унинг XI асрдаги ҳолатини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирга қадар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асари бир неча тилларга таржима қилинган. Бу таржималарнинг, жумладан, ўзбекча таржиманинг амалга оширилиши ўша миллат халқи, хусусан, тилшунослари учун ажойиб туҳфадир. Лекин уларда айрим тилшуносликка оид атамаларнинг мазмуни ва моҳияти турлича талқин қилинган. Кошғарийшуносларнинг эндиги вазифалари турли сабаблар туфайли йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш ва Маҳмуд Кошғарий асарининг асл моҳиятини тўла очиб беришдан иборатдир.

Асарнинг лексикографик хусусиятлари ва ундаги тилшунос-ликка оид атамаларнинг тадқиқ қилиниши ана шундай уринишлар жумласига киради. Бу иш филология фанининг жаҳон миқёсида долзарб бўлган мавзуларидан ҳисобланади.

Асардаги тилшунослик атамаларининг ўрганилиши атамашунослик анъаналарини тўлароқ ёритишга имкон беради. Шу билан бирга Маҳмуд Кошғарий ишлатган атамаларнинг маъноларини аниқлаш, «Девану луғати-т-турк»дан кейинги тилшуносликка оид асарларнинг илмий даражасини аниқлаш учун мезон бўлади. Масалан, Маҳмуд Кошғарийнинг кўпгина атамалари Мирзо Маҳдийхоннинг «Санглоҳ»ида ҳам айни маънода қўлланган (130).

Аmmo баъзи бир атамаларнинг қўлланиши айрим асарларда Маҳмуд Кошғарий қўллаган маънога мувофиқ эмас (34; 80). Мана шулар ҳисобга олинса, Маҳмуд Кошғарий қўллаган атамаларнинг мазмунини аниқлаш қанчалик долзарблиги маълум бўлади. Демак, «Девану луғати-т-турк»ни тилшунослик, жумладан, лексикографик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш бир эмас, бир неча жиҳатдан муҳимдир.

Маҳмуд Кошғарий «Девану луғати-т-турк»да ўзи айтиб ўтганидек, туркий тил қоида ва ҳодисаларига нисбатан арабшуносликда мавжуд бўлган атамаларни ишлатган ва луғатни ўзига хос бир тизимда тузган. Бу ҳол луғатнинг матнини ва баъзи атамаларнинг маъносини турлича тушунишга сабаб бўлган. Шунинг учун асардаги атамаларнинг ҳақиқий маъносини аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Буни амалга ошириш ўз навбатида «Девану луғати-т-турк»нинг мазмуни ва унинг муҳим лексикографик хусусиятларини, тадқиқотчи ва таржимон олимлар томонидан маъноси аниқланмаган ва турлича изоҳ берилган атамаларни, уларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари орасидаги маънавий алоқаларни ҳамда араб тилига нисбатан қўлланган атамаларнинг туркий тилларга нисбатан ишлатилганда маъно жиҳатдан ўзгаришига асос бўлган сабабларни аниқлашни талаб қилади.

Маҳмуд Кошғарий луғатининг тузилиши ва ундаги ўзига хос маънода қўлланган лингвистик атамалар тадқиқи «Девану луға-ти-т-турк»нинг босма, факсимиль нашрлари ва қўлёзма фотонусхаси, асарнинг ўзбекча, туркча, инглизча таржималари, Абу Али ибн Синонинг «Асбабу ҳудуси-л-хуруф» номли умумий фонетикага бағишланган рисоласи, араб тилшунослигига оид асар-лар, туркийга оид арабча ва форсча манбалар асосида амалга оширилди.

Транскрипцион белги сифатида бир неча ўзбек арабшунос ва туркшунос олимлари томонидан қўлланган кирилл алифбоси ҳарфлари танланди. Жумладан, араб тилидаги чўзиқ унлилар - «а:», «и:», «у:».

Туркий сўзлардаги ўзига хос товушлар учун қуйидаги белгилар қўлланди: тилолди «а» – ä; тилорқа «а» – а; тилолди «и» – и; тилорқа «и» – ы; тилолди «у» – ü; тилорқа «у» – у; тилолди «ў» – ö; тилорқа «ў» – о; назал н (нг) – ң.

Тадқиқот матнида қуйидаги қисқартмалардан фойдаланилди:

АДД - Автореферат докторской диссертации.

АКД - Автореферат кандидатской диссертации.

АН - Академия наук.

АР - Аҳмад Рифъат. «Девану луғати-т-турк» босма нашри:

محمد الكاشغرى. كتاب ديوان لغات الترك. دار الخلافة العلية - مطبعة عامره. 1333.

ДЛТ - Девану луғати-т-турк

ИАН - Известия Академии Наук.

ИВЛ - Институт восточной литературы.

Науч. – научный.

НДА - номзодлик диссертацияси автореферати.

ОЛЯ - отдел литературы и языка.

ОНУ - Общественные науки в Узбекистане (журнал).

С - саҳифа, страница.

Сб. - сборник.

СОН - Серия общественных наук.

Т – том.

ТДШИ - Тошкент давлат шарқшунослик институти.

Ф - «Девану луғати-т-турк»нинг фотонусхаси, Туркия Мил-лат кутубхонаси, қўлёзма № 4189.

ФА - Фанлар академияси.

ЎТА - Ўзбек тили ва адабиёти (журнал).

## **I БОБ. Маҳмуд Кошғарий ва унинг илмий мероси**

### **1.1. Маҳмуд Кошғарийнинг шахсияти**

Алломанинг шахсияти, ҳаёти ва ижоди ҳақидаги бирламчи озгина маълумот унинг «Девану луғати-т-турк» асарида бор. Бу ҳақда шарқшунослардан О. Прицак (128; 129), М. Хартман (125), З.В. Тўған (131), Ҳ. Ҳасанов (112) мақолалари мавжуд бўлиб, булардаги фикрлар А.Н. Кононовнинг Маҳмуд Кошғарий ва унинг ижодига бағишланган махсус мақолада (41) ўз ифодасини топган. Маҳмуд Кошғарийнинг шахсияти ҳақида унинг «Девану луғати-т-турк»ида ва мазкур шарқшуносларнинг асарларида берилган маълумотнинг қисқа хулосаси шундай: «Девану луғати-т-турк»нинг муқаддимасида аллома ўзини «Маҳ-муд ибну-л-Ҳусайн ибн Муҳаммад» деб атаган. Демак, Маҳмуд-нинг отаси Ҳусайн, бобоси Муҳаммад исмли шахслар бўлган.

Маҳмуд Кошғарийнинг отаси Барсхонлик бўлиб, кейинчалик Кошғарга кўчган. Маҳмуднинг нисбаси «Кошғарий», яъни «Кошғарлик»дан унинг Кошғарда туғилганини тахмин қилиш мумкин.

Ҳозиргача буюк туркшунос туғилган ва вафот қилган саналар ҳамда луғатнинг қачон ва қаерда ёзилгани аниқланмаган. Булар ҳақида турли тахминий фикрлар бор, холос.

О. Прицакнинг ҳисобига кўра М. Кошғарий мелоднинг 1029 ва 1038 йиллари орасида туғилган. Луғат ёзишни 1072 йилда бошлаб, 1078 йилда тугатган.

Маҳмуд Кошғарийнинг насаби ҳақидаги маълумотларни унинг «Девану луғати-т-турк»идан олиш мумкин. О. Прицак Маҳмуд Кошғарийнинг «Турк шаҳарларини сомонийлардан қўлга олган боболаримиз» (58,136) деганига асосланиб қуйидаги фикрга келади:

Маҳмуд Кошғарий қорахонийлар сулоласига мансуб бўлган. Маҳмуд Кошғарийнинг аجدодларидан бири Буғраҳон номи билан маълум бўлган Хорун ал-Ҳасан ибн Сулаймон бўлиши мумкин. У биринчи бўлиб Мовароуннаҳрни забт этган ва сомонийлар давлатининг пойтахти Бухорони истило қилиб, қорахонийлар сулоласига асос солган.

Маҳмуд Кошғарийнинг отаси қорахонийлар авлодидан бўлса, у Барсхоннинг амири Ҳусайн ибн Муҳаммаддир.

Маҳмуд Кошғарийнинг қорахонийлар авлодидан бўлганлиги унинг ўша даврдаги барча билимларни пухта эгаллаб олим бўлишига яхши шароит яратган. Бизгача етиб келган бирдан-бир асарининг ўзиёқ унинг чуқур билим эгаси бўлганининг да-лилидир.

Олим бошланғич, эҳтимол олий маълумотни ҳам, ўзи туғилган ҳамда қорахонийлар даврида йирик сиёсий ва маданий марказ бўлган Кошғарда олгандир.

«Китабу-л-ансаб» асарида Маҳмуд Кошғарийнинг устози Хусайн ибн Халифа Кошғарий ҳақида маълумотлар бор.

Ислом ҳукмрон бўлган барча жойлардаги каби Кошғарда ҳам мусулмон мактабларида араб тили грамматикаси, Қуръон, ҳадислар, табиий фанлар ва математика ўқитилар эди. Маҳмуд Кошғарий тилшунослик, жуғрофия, тарих ва бошқа фанларга оид билимларини кейинчалик луғатни тузиш даврида ҳам ўрганиб, мукаммаллаштириб борган бўлиши мумкин.

Ўрта асрларда Кошғардан ташқари Бухоро, Нишопур, Самарқанд, Марв, шунингдек, Боғдод мусулмон маданияти марказлари бўлганлиги тарихий ва илмий манбаларда неча бор таъкидланган. Маҳмуд Кошғарий турли соҳалардаги билимларини ана шу жойлардан бирида ё бир нечасида олган бўлиши мумкин. У туркий тиллардан ташқари араб ва форс тилларини ҳам аъло даражада билган.

Маҳмуд Кошғарий ўз асарининг бошида айтиб ўтган маълумотларига кўра Бухоро ва Нишопурда бўлган ва балки яшаган ҳам деган фикрга келиш мумкин.

Маҳмуд Кошғарий кўп йиллар давомида туркий халқлар яшаган ерларни илмий мақсадда кезиб чиқади. Бу ҳақда унинг ўзи «Девану луғати-т-турк»нинг муқаддимасида шундай дейди: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чиғалайлар, йағмо, қирғизларнинг жонли тилини зеҳнимга жойладим. Узоқ ўрганиш ва изланишлардан сўнг мана шу китобни жозибадор қилиб, энг тушунарли тилда ёздим» (58, 44).

Маҳмуд Кошғарий луғатни ёзиш учун бир неча йил тилшунослик, тарих ва этнографияга оид манбалар тўплаган. Эҳтимол, бу машаққатли илмий сафарларнинг сабаби унинг она тилига муҳаббати, бу тилнинг араб тилидан кам эмаслигини исботлаш ҳамда унинг мавқеини кўтариш бўлгандир.

Маҳмуд Кошғарийда турклар ҳақидаги турли маълумотларни, уларнинг тили, оғзаки ижоди, урф-одати, турмуши, тарихи ва келиб чиқишини ўз ичига олган асар яратиш истаги мусулмонлар орасида бу халқнинг сиёсий ҳарбий таъсири кучайиб бораётганини кузатиш натижасида пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин. Маҳмуд Кошғарийнинг қуйидаги сўзлари мазкур фикр би-лан ҳамоҳангдир: «Туркларнинг ўқларидан қутулиб қолишнинг энг маъқул йўли улар танлаган йўлдан юришдир. Агар арзу додингизни улар қалбига етиб боришини хоҳласангиз уларнинг тилида сўзланг» (Ф,162а; 58, 43).

## 1.2. «Девану луғати-т-турк» ва унинг мазмуни

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк»дан бошқа турк синтаксисига бағишланган «Жаваҳиру-н-наҳв фи луғати-т-турк» номли асари бўлган. Аммо у ҳануз топилган эмас.

«Девану луғати-т-турк»да унинг қаерда ёзилгани қайд этилмаган. Олимлар орасида бу асар Боғдодда ёзилган деган тахминий фикрлар бор. Лекин муаллиф ўзининг асарида жуда кўп шаҳар ва қишлоқ номларини келтирган бўлишига қарамай, Боғдод ҳақида ҳеч нарса ёзмайди. Шунга кўра, Маҳмуд Кошғарий, эҳтимол, Боғдодда умуман бўлмагандир, луғат ўша даврнинг муҳим сиёсий ва маданий маркази бўлган Кошғарда ёзилган бўлиши мумкин деган фикр ҳам ўртага ташланган. Бу ерда жуда яхши кутубхоналар бўлган ва билимдон филологлар, тарихчилар яшаган.

Шу билан бирга «Девану луғати-т-турк»нинг Ўрта Осиёнинг маданият гуллаб яшнаган бошқа марказлари - Бухоро, Самарқанд, Нишопурда ёзилган бўлиши мумкинлиги ҳам тахмин қилинади (41,7).

Китоб колофонида уни кўчирган хаттот Муҳаммад ибн Абубақр ибн Абулфатх Савий-Дамашқий 664 йил шавволининг йигирма еттиси душанба куни (01.08.1266) «Девану луғати-т-турк»ни муаллифнинг дастхатидан кўчириб бўлганини қайд қилган. У китоб охирида муаллифнинг, яъни Маҳмуд Кошғарийнинг куйидаги сўзлари битилган дейди:

«Китобнинг таълифи 464 йил жумадулувло ойининг аввалида [25.01.1072] бошланди ва тўрт марта назардан ўтказиб, тузатиб, кўчирилгандан сўнг 466 йил жумадуссоний ойининг ўнида душанба куни [10.02.1074] тугатилди...» (128, 243).

Маҳмуд Кошғарий асарининг матнида ушбу луғат билан боғлиқ яна уч сана келтирилган. Биринчи сана китобнинг бағишлови билан боғлиқ. Китоб аббосийлар халифаси ал-Муқтадийга тақдим этилган. Маълумки, ал-Муқтадий 1075 йил апрелидан 1094 йил февралигача халифалик қилган. Луғат эса юқорида қайд қилинган саналарга кўра, 1074 йил февралда ёзиб тугатилган.

Хартманнинг фикрича, асар ёзиб тугатилган вақт билан ал-Муқтадий халифалик қилган даврнинг мос келмаслигига сабаб шуки, Маҳмуд Кошғарий 1074 йилда луғатни ёзиб тугатган, асар муқаддимасини эса мазкур халифа даврида ёзиб, унга туҳфа қилган.

А.В. Кононов бошқа фикрни айтади, яъни луғат ал-Муқтадийга қайта тузатиш ва тўлдиришлардан кейин олиб борилган. Луғатнинг ал-Муқтадий номи қайд этилган бош саҳифалари асарнинг халифага тақдим этилиши олдидан қилинган охириги таҳрирга тегишли. Чамаси, «Девану луғати-т-

турк»нинг фақат айрим қисмлари таҳрир қилинган ва қайта кўчирилган бўлса керак. Бу тахмин бизгача асарнинг тўла таҳрир қилинмаган нусхаси етиб келган бўлиши мумкин деган фаразни тасдиқлайди.

Асарда келтирилган иккинчи сана ушбу тарзда берилган: «Биз бу китобни ёзганимизда 466 йилнинг муҳаррами эди, илон йили кирди, бу йилдан сўнг 467 йил, от йили кирди» (58, 331).

Бесим Аталайнинг кўрсатишича, «Девану луғати-т-турк»нинг қўлёзма нусхасидаги охириги сана шундай ёзилган: «470 йил кирди». Бу сўзлар ўчирилган ва қизил сиёҳ билан «олтмиш еттинчи йил кирди» деб ёзилган.

466 ҳижрий йилининг муҳаррам ойи мелодий 1073 йил 6 сентябрда бошланиб 5 октябрда тугаган. Илон йили 469 ҳижрий йилнинг иккинчи ярми ва 470 йилнинг биринчи ярмига (1076-1077) тўғри келади. Луғатда кўрсатилган 466 ҳижрий йилига мелодийнинг 1073 йили мос келади. Бунга кўра асардаги 470 ҳижрийнинг 467 ҳижрийга ўзгартирилиши хатодир.

«Девану луғати-т-турк»даги иккинчи сананинг 470 йил бўлиши тўғрироқдир. Лекин биринчи сана ҳам нотўғри кўрсатилган. Ҳижрий 469 йил муҳаррам ойи 1076 йил август-сентябрь ойларига тўғри келади. Бу фикрни луғатда қайд этилган учинчи сана тасдиқлайди.

Луғатда «Биз ушбу китобни ёзаётган тўртюз олтмиш тўққизинчи йил наҳ (наҳанг) йилига тўғри келди» дейилган (128, 116). 469 ҳижрий йил мелодий 1076-1077 йиллардир.

Ҳақиқатан ҳам, 469 ҳижрий йил наҳанг йилининг иккинчи ярми ва илон йилининг биринчи ярмига тўғри келади. Асардаги «466 ҳижрий муҳаррам» санаси эса тўғриланмай қолиб кетган бўлиши мумкин.

Закий Валидий Тўған «Девану луғати-т-турк»даги қайд этилган саналарни кўриб чиқиб, шундай хулосага келади: «Луғат ал-Қоим халифалик қилган даврда 1072 йил 25 январидан 1074 йил 10 февралигача бўлган даврда ёзилган. У 1076-1077 йилларда таҳрир қилиниб халифа ал-Муқтадийга ҳадя қилинган. Демак, 470 ҳижрий (1077) йили луғат ёзиб тугатилган дейиш мумкин».

«Девану луғати-т-турк»нинг тузилган ва таҳрир қилинган вақти ҳақида Л. Базин ўзгача бир фикрни ўртага ташлайди. Унинг айтишича, Маҳмуд Кошғарий ўз асарини 1072 йил 25 январда ёза бошлаган. Кейинчалик тўрт маротаба таҳрир қилиб, 1083 йил 27 октябрда тугатган. Бу сана ал-Муқтадий ҳукмронлик қилган вақтга ва луғатнинг энг сўнгги таҳрирларида кўрсатилган йилларга мос келади.

«Девану луғати-т-турк»нинг яратилиш даври ҳақидаги фикрлар шулардан иборат бўлиб, бу давр 1072-1077 йилларни ўз ичига олган деган фикр ҳақиқатга яқин кўринади. (41,11)

Маҳмуд Кошғарий асари ягона қўлёзма ҳолида бизгача етиб келган. У 664 хижрий йил 27 шаввол, мелоднинг 1266 йил 1 ав-густидида Маҳмуд Кошғарийнинг дастхатидан кўчирилган. Қўлёзмани кўчирган хаттот Муҳаммад ибн Абубакр ибн Абулфатҳ ас-Савий ад-Дамашқийдир. Қўлёзма насх хатида битилган бўлиб, 319 варақдан иборат. Ҳозир бу қўлёзма Истанбулдаги Миллат кутубхонасида, Али Амирий фондида 4189 рақами остида сақланмоқда.

Маҳмуд Кошғарийнинг луғати жуда катта сўз бойлигига эга. Ундаги сўзлар ўзақдаги ҳарфларнинг тартибига кўра жойлаштирилган. Асар ҳикматли сўзлар, мақоллар, шеърлар ва ҳикоялар билан бойитилган. Маҳмуд Кошғарий асарини саккиз бобга бўлади.

Биринчи бобдан алиф билан бошланадиган сўзлар ўрин олган. Иккинчи бобда «са:лим», яъни таркибида алиф, ва:в, йа:’ бўлмаган сўзлар, учинчи бобда «муда:ъаф», яъни икки ундоши бир хил бўлган сўзлар, тўртинчи бобда «миса:л», яъни «й» то-вуши билан бошланган сўзлар жойлашган. «Зава:ту-с-сала:са», яъни қисқа унли сифатида ўқиладиган алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфлари бор сўзлар бешинчи бобга, «Зава:ту-л-’арбаъа», яъни алиф, ва:в ва йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган сўзлар олтинчи бобга, «Ғунна», яъни бурун товушли сўзлар еттинчи бобга ва «ал-Жамъ байна-с-са:кинайн», яъни икки ҳаракатсиз ундошли сўзлар саккизинчи бобга киритилган. Ҳар бир боб исм ва феълдан иборат икки қисмга ажратилган.

«Девану луғати-т-турк» асарида турк қабилаларининг яшаш жойлари, туркий тиллар таснифи, уларнинг фонетикаси ва грамматикасига оид маълумотлар, турк халқларининг тарихи, жуғрофияси, этнографияси, шеърляти ва оғзаки ижодига доир хабарлар, туркларнинг энг қадимги дунё харитаси берилган.

Луғатга мусулмон турклар истиқомат қилган жойлардаги тоғлар, чўллар, дарёлар, кўллар ва бошқаларнинг номлари киритилган. Шунингдек, луғат туркларнинг ҳаёт кечириши учун зарур ашёлар, озиқ-овқат, фахрий унвонлар, лавозимлар, ҳайвонлар, паррандалар ва ёввойи қушлар, ўсимликлар, маъданлар, ой, ҳафта кунлари, касалликлар, тарихий ва афсонавий қаҳрамонлар, болалар ўйинлари, уруғлар ва қабилаларга оид номлар ҳамда астрономик, анатомик, ҳарбий ва маъмурий вазифаларга хос атамалар, халқ тақвими ва бошқа соҳаларга тааллуқли сўзларга бойлиги билан ҳозирги замон кишисига XI асрда яшаган туркларнинг ҳаёт тарзи ҳақида маълумот берувчи ягона манба ҳисобланади.

Маҳмуд Кошғарий бу асарида биринчи бўлиб турк тилларини гуруҳларга ажратган. Бунда у тилнинг бойлигига, талаффузнинг тўғрилигига

ва унинг фонетик, грамматик белгиларига асосланган. Маҳмуд Кошғарий турк тилларини қиёслаш орқали ўрганган биринчи олим ҳисобланади.

Олим лаҳжаларнинг софлигига ҳам аҳамият беради. У бошқа тил вакиллари билан аралашмаган туркларнинг тили соф ва аниқлигини, форс ва ўзга тилларга алоқадор қабилаларнинг тилида ўзгариш ва камчиликлар борлигини айтиб ўтади. Маҳмуд Кошғарий: «...тилларнинг енгили ўғузча», - дейди. Бунда у ўғузчада баъзи товушларнинг тушиб қолиши ва енгил талаффуз қи-линишини назарда тутди. Олим туркий тилларнинг ичида хоқония (хоқонликлар) ўлкасида яшовчиларнинг тили энг равон тил эканлигини таъкидлайди (58,66).

Маҳмуд Кошғарий туркий тил ва лаҳжалар орасидаги фонетик фарқларни жуда яхши баён қилади. Масалан, сўз бошидаги «т-д» мослигига «туя» маъносидаги «тавай» (туркларда) - «да-вай» (ўғузларда) каби мисолларни келтиради. Сўз бошидаги «й»нинг тушиб қолишига «йилиғ» (туркларда) - «илиғ» (ўғузларда) каби мисолларни беради.

Туркшунос олим шарқий гуруҳ тилларида ўзак таркибида ва аффиксларда тор унлилар кўп учрашини, ғарбий гуруҳда эса, аксинча, кенг унлилар устунлик қилишини тегишли мисоллар билан баён қилади.

Маҳмуд Кошғарий туркий тиллар фонетикаси ва грамматикаси тарихи тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтади. У араб ва уйғур алифбоси хусусида тўхталади. Унда турк бўлмаган халқлар учун талаффуз қилиш қийин бўлган, фақат туркларнинг ўзига хос бўлган товушлар (п, ч, ж, ы, ғ, н) ҳақида, шунингдек, араб алифбосидаги туркий сўзларда учрамайдиган товушларни ифодаловчи айрим ҳарфлар борасида фикр юритади.

Маҳмуд Кошғарий феълдан ясалган отлар ва уларнинг ясалишини, турк тилларида феълларнинг ўзаги унинг буйруқ майли формаси эканлигини баён қилади.

У луғатдаги сўзларни араб тили грамматикаси схемасига тақлидан ҳарфларнинг сонига қараб жойлаштиради: аввал икки ҳарфлилар, кейин уч ҳарфлилар ва ҳ.к. Маҳмуд Кошғарий туркий тилларда сўз таркиби етти ҳарфдан ошмаслигини қайд этиб ўтади. Асардан феъл, сифат, масдар каби сўз туркумлари ҳақида ҳам қизикарли маълумот олиш мумкин.

Луғатшунос ва тилшунос, этнограф ва фольклорчи, тарихчи ва географ Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асари қорахонийлар даврида яшаган турклар, туркманлар, ўғузлар, яғмолар, чиғалай ва қирғизлар ҳақидаги тарихий ва жуғрофий маълумотлари билан бирга улар тилларининг фонетикаси, грамматикаси ва лексикасига оид ноёб тадқиқотлари ва хулосалари билан ҳам қимматлидир.

### 1.3. «Девану луғати-т-турк» қўлёзмаси ва унинг имло хусусиятлари

«Девану луғати-т-турк»нинг қўлёзмаси насх хатида қора сиёҳ билан ёзилган. Айрим ёзувлар учун қизил сиёҳ ишлатилган. Бундай ёзувлар тиниш белгилари ўрнида қўлланган шакллар, халифага бағишлов, ажратиб кўрсатилиши лозим бўлган ҳарфлар, тўртинчи саҳифадан ўн иккинчи саҳифагача бўлган туркий сўзлар, قال, مثل каби араб сўзларидир. Булардан ташқари ўн иккинчи бетнинг олтинчи қаторидан бошлаб изоҳланаётган туркий сўзлар ва туркий жумлаларнинг устига ҳам қизил чизиқ тортилган. Олтинчи саҳифадаги араб ҳарфлари ва саккизинчи саҳифадаги уйғур ёзуви, қирқинчи ва қирқ биринчи саҳифалардаги ўғуз тамгалари ҳам қизил сиёҳда ёзилган.

Ҳошияларда бошқа қўл билан ёзилган изоҳлар бор. Асар матни тўлиқ. Қўлёзмани хаттот Муҳаммад ибн Абубакр ибн Абулфатҳ ас-Савий - ад-Дамашкий кўчирган. Унда 664 ҳижрий йил 27 шаввал, яъни эрамизнинг 1266 йили 1 август санаси ёзилган.

Қўлёзма 319 варақдан иборат. Ҳар бир варақда ўн етти сатр бор. Қўлёзманинг биринчи варақ «а» бетидан китоб эгаларидан бири томонидан ёзилган сўзбоши бор. Бунда у китобнинг туркманчага тўғри келмаслигини ва турк юртларидан келган одамларга китобни кўрсатиб, у ҳақида сўраганини ёзади. Шундан маълумки, китоб эгасининг ўзи ҳам, китобни кўрган кишилар ҳам туркчани яхши билмаганлар ва луғатнинг мазмунига тушунмаганлар.

«Девану луғати-т-турк»нинг матни қўлёзманинг иккинчи варақ «а» бетидан басмаладан сўнг қуйидаги сўзлар билан бошланган:

الحمد لله ذي الفضل الجزيل و الصنع الجميل الذي ارسل جبريل على تبيان و تفضيل إلى محمد بتنزيل.

Таржимаси:

Муҳаммадга китоб билан баён ва тафсилини шарҳ қилиш учун Жаброилни индирган беадад фазл, гўзал санъат соҳиби бўлмиш Тангрига ҳамд.

Асар шу сўзлар билан тугайди:

و الحمد لله أبدا والصلاة على رسوله سرمدًا وعلى آله أجمعين.

Таржимаси:

Тангрига абадий ҳамдлар, унинг элчисига ва у(элчи)нинг қавмига эса Тангрининг салавати бўлсин.

Кейин қуйидаги колофон келади:

فرغ من تعليقه العبد الفقير إلى الله تعالى محمد بن أبي بكر بن أبي الفتح الساوي ثم الدمشقي عفا الله تعالى عنه يوم الاحد السابع والعشرين من شوال سنة اربع وستين و ستمائة من نسخة هي بخط مؤلف الكتاب يقول في آخره ما صورته: ابتدئ

بالتأليف في غرة جمادى الاولى من سنة اربع و ستين و ثم بعد تنقيح و تهذيب و تحرير اربع مرات يوم الاثنين العاشر من جمادى الآخرة من سنة ست و ستين و اربع مائة\* و لا حول و لا قوة الا بالله العلي العظيم و هو حسبنا و نعم الوكيل.

Таржимаси:

Улуғ Тангрининг фақир кули Муҳаммад ибн Абубакр ибн Абулфатҳ Савий кейин Дамашқий - Тангри уни авф этсин – китоб муаллифи хати билан ёзилган нусхасидан кўчиришни 664 йил шаввал ойининг йигирма еттисида якшанба куни тугатди. У (китоб) охирида шундай дейди: «Китобни 464 йил жумада-л-у:ла: ойининг бошида ёзишни бошлаб тўрт марта ёзиб, тузатиб ва тахрир қилиб 466 йил жумада-л-а:хирнинг ўнинчисида душанба куни тугатдим». Юксак, буюк Тангридан ўзгада қудрат ва куч йўқдир ва унинг ўзи бизга етарлидир. У энг яхши вакилдир.

«Девану луғати-т-турк»нинг қўлёзма нусхасида Маҳмуд Кошғарий йўл кўйиши мумкин бўлмаган хатоларнинг кўплиги хаттотнинг туркий тилларни билмаслигини ва араб тилини ўртача билишини кўрсатади. «Девану луғати-т-турк»ни биринчи марта нашр қилдирган Аҳмад Рифъат ва таржимон Бесим Ата-лай матндаги хатоларни ва камчиликларни тузатишга ҳамда айрим жойларни қайта тиклашга ҳаракат қилдилар.

Қўлёзма куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Кўп ҳолларда та:’ марбутанинг нуқталари тушиб қолган. Масалан:

الأصلية - الأصلية, العربية - العربية, الصلبة - الصلبة, الصورة - الصورة, المشهورة - المشهورة, سنة - سنة, الركة - الركة (126, 4-6). الخاقانية - الخاقانية

2. Кўп ҳолларда васла тушиб қолган. Аҳмад Рифъат уларни қайта тиклаган. Масалан:

باب آلسداسي - باب السداسي, قطع آجمد- قطع الجمد (136, 39), الخشب آلسندة - الخشب المسندة (136, 42).

3. Ҳамзадан ва йа:’ ҳарфидан олдин келган алиф устига мадд кўйилган. Аҳмад Рифъат уларни тушириб қолдирган. Масалан, زاء - زاء, زاي - زاء (136, 26-28). ابتداء - ابتداء, الأسماء - الأسماء, اثناء - اثناء, زآي

4. Ҳамза учун марказ вазифасида нуқтали йа:’ ишлатилган. Масалан, طائر - طائر (Ф, 84a).

5. Баъзан ҳозирги-келаси замон феълларидаги жинсни фарқловчи «йа:’» ва «та:’» олд қўшимчаларининг нуқталари тушиб қолган. Масалан: يراقش - يراقش (Ф, 64a) сўзида.

\* Ф ва АРда .

6. Чўзиқликни ифодалаш учун «алиф»дан олдин фатҳа, «йа:» ҳарфидан олдин касра белгиси қўйилган. Масалан: الفِرَار, الإنسان, الخيلة (Ф,84а), بيانه, جميع, السين (136, 202) сўзларида. Бундай белги тушиб қолган жойларни Аҳмад Рифъат қайта тиклаган.

7. «Син» ҳарфи тагига баъзан учта нуқта қўйилган. Масалан: وس , س (Ф, 156) сўзларида.

8. Баъзи туркий сўзларда бир ундош бир неча ҳаракат олган. Масалан: ساوك сўзининг учинчи ҳарфи ҳам дамма, ҳам фатҳа билан ҳаракатланган (76, 129). Аҳмад Рифъат фақат битта ҳолатни қолдирган.

9. Танвин дамма қўшалок дамма (") белгиси билан берилган.

10. Қўлёзмадаги айрим сўзлар, кўчирмалар, ҳикоялар ўз ўрнида берилмаган.

«Девану луғати-т-турк» асарининг иккинчи матни унинг босма нашридир (134;135; 136).

Аҳмад Рифъат қўлёзмага бир қатор тўғри тузатишлар киритиш билан бирга арабча матнда хатоликларга ҳам йўл қўйган. Рифъат нашри ва қўлёзма фотонусхаси солиштирилганда баъзи сўзларнинг ўқилишида тафовут борлиги кўринди.

Юқорида баён қилинган кузатишларга асосланиб қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- «Девану луғати-т-турк»ни кўчирганда хаттот Муҳаммад ибн Абубакр ибн Абулфатҳ ас-Савий ад-Дамашқий араб тилини яхши билмаганлиги туфайли жуда кўплаб хатоларга йўл қўйган.

- «Девану луғати-т-турк» ношири Килисли Аҳмад Рифъат матнга кўплаб тузатишлар киритган. Уларнинг катта қисмини ўринли, қолган қисмини эса тўғрилиги шубҳали тузатишлар ташкил этади.

- Бинобарин, «Девану луғати-т-турк»нинг қўлёзма ва босма матнлари чоғиштирилиб, тегишли аниқликлар киритилиши лозим. Бу иш мазкур асар таржималарида йўл қўйилган баъзи камчиликларни бартараф қилиш учун ҳам керак.

#### **1.4. «Девану луғати-т-турк»нинг асл ва таржима нашрлари**

Юқорида айтилгандек, асарнинг ягона қўлёмаси асримизнинг бошида Туркияда топилган. Бу қўлёмани 1915-1917 йилларда Килисли Аҳмад Рифъат Истанбулдаги Омира матбаасида уч жилдда чоп этган (134; 135; 136).

Аҳмад Рифъат турк адабиёти тарихига оид асарлар муаллифи бўлиши билан бирга бир қанча қадимий бадиий асарларнинг араб, форс тилларидан турк тилига таржимони ҳамдир. Унинг илм-фан йўлида қилган улкан хизматларидан бири «Девану луғати-т-турк» асарининг мазкур нашрини амалга ошириши бўлди. Луғатнинг айнан шу нашри унинг немис, турк, ўзбек, уйғур, қозоқ ва форс тилларига қилинган таржималари учун асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Маҳмуд Кошғарий асарининг немис тилига қилинган таржимаси 1928 йил Лейпцигда нашрдан чиқди (117). Уни машҳур шарқшунос олим, қадимги ёзувларга оид жуда кўп асарлар муаллифи ҳамда шарқ халқлари тарихи ва адабиёти бўйича тадқиқот ишлари олиб борган Карл Броккельман (116) амалга оширди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асари таржимаси эса немис олими ижодида муҳим аҳамият касб этади.

К. Броккельман луғатни тўлиқ таржима қилмайди, балки туркий сўзларнинг транскрипциясини ва немисча таржимасини беради. Мазкур нашр «Девану луғати-т-турк»даги сўзларнинг туркча-немисча луғатидан иборат.

1934–1943 йилларда Туркия тилшунослар жамиятининг асосчиларидан бири Бесим Аталай (1892-1965) «Девану луғати-т-турк» асарини турк тилига таржима қилиб, нашр этди (121; 122; 123). Бошқа турк олими Абдуллоҳ Тоймас унда йўл қўйилган хатоларни кўрсатиб тақриз ёзди (113; 114). Б. Аталай шеърӣ тўпламлар, драммалар, ҳикоялар муаллифи бўлиш билан бирга халқ оғзаки ижоди дурдоналарини ўрганган ва нашр қилдирган етук олим ҳамдир. Унинг тил ва адабиётга доир асарлари орасида мазкур таржима энг салмоқли ўрин тутади (41). Ушбу нашр асосида турк тили тарихчиси Дехри Делчин асарнинг индексини араб алифбосида нашр қилди (89). Сўнгра лотин алифбосида индекс тузилиб, икки марта нашр этилди (119; 120).

Маҳмуд Кошғарийнинг луғати ўзбек тилига ўзбек олими Солиҳ Муталлибов томонидан таржима қилинган. Асарнинг биринчи жилди 1960 йилда (58), иккинчи жилди 1961 йилда (59), учинчи жилди 1963 йилда (60) нашр қилинди.

«Девану луғати-т-турк»нинг ўзбекча таржимасига 1967 йилда Ғ. Абдурахмонов муаллифлигида индекс-луғат нашр қилинди (8). Унда сўзларнинг грамматик очерки ҳам берилган.

«Девану луғати-т-турк» асарининг уйғурча (138; 139; 140) ва инглизча таржимаси (127) ҳам нашр қилинган. Инглизча таржиманинг сўзбоши қисмида асар ҳақида қўшимча маълумотлар муфассал баён қилинган, айрим

тилшунослик атамалари илмий нуқтаи назардан изоҳланган ва улар матнда таржимасиз берилган. Айнан шу жиҳати билан у нашр қилинган бошқа таржималардан фарқ қилади.

«Девану луғати-т-турк» форс ва қозоқ тилларига тўлиқ таржима қилинган. Форсча таржима бир жилддан иборат бўлиб, Эрон олими Саййид Муҳаммад Дабир Сийоқий томонидан амалга оширилган (132). Қозоқча таржима эса Асқар Эгубай томонидан нашрга тайёрланган, у уч жилддан иборат (52; 53; 54).

«Девану луғати-т-турк»нинг бир қисми туркманчага ҳам таржима қилиб нашр этилган (12).

Луғат рус ва озарбайжон тилларига тўлиқ таржима қилинган (74,157) бўлсада, ҳануз чоп этилмаган. Асарнинг русча таржимасидан «Советская тюркология» ва «Turcologica» журналларида озгина намуна эълон қилинди, холос (76; 77).

Маҳмуд Кошғарийнинг шахсияти, илмий фаолияти ва унинг «Девану луғати-т-турк»и ҳақида баён қилинган маълумотлардан куйидаги хулоса келиб чиқади:

- Маҳмуд Кошғарий қорахонийлар сулоласига мансуб бўлиб, унинг отаси Барсхон ҳокими Ҳусайн ибн Муҳаммаддир.

- Маҳмуднинг ижтимоий мақоми унинг юксак даражада илмий таълим олишига ва етуқ аллома сифатида намоён бўлишига имкон берган.

- Маҳмуд Кошғарий туркшуносликка оид иккита асар ёзган, бири турк грамматикасига оид бўлиб, «Жаваҳиру-н-наҳв фи луғати-т-турк» деб аталади. Бу асар ҳануз топилмаган. Иккинчиси – машҳур туркча-арабча изоҳли луғат «Девану луғати-т-турк» асари.

«Девану луғати-т-турк» матнининг бир босма, икки факсимиль наشري бор. Бу асар турк, ўзбек, уйғур, инглиз, қозоқ ва форс тилларига тўлиқ, немис ва туркман тилларига қисман таржима қилинган. Русча ва озарбайжонча таржималари нашр этилмаган.

- «Девану луғати-т-турк»да туркий халқларнинг тили ва адабиёти, маданияти ва маънавияти, сиёсати ва иқтисоди ҳақида қимматли илмий маълумотлар берилган.

Маҳмуд Кошғарий дунё фан тарихида қиёсий-тарихий ва чоғиштирма методларни қўллаган биринчи тилшунос бўлиб, туркшунослик асосчисидир.

## II БОБ. «Девану луғати-т-турк»нинг мундарижаси

### 2.1. «Девану луғати-т-турк»нинг муқаддимаси

«Девану луғати-т-турк»ни дастлаб икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси – муқаддима қисми, иккинчиси – луғат қисми.

«Девану луғати-т-турк» муқаддимасида туркий қабилалар ҳақида кўплаб маълумот берилган бўлиб, уларнинг яшаш ерлари кўрсатилган дунё харитаси ҳам илова қилинган. Асарда туркий тиллар ҳақида қиёсий-тарихий маълумотлар билан бирга уларнинг график ва фонетик хусусиятлари баён этилган. Буларнинг айримларини келтирамиз.

**Турклар ҳақидаги маълумот.** Маҳмуд Кошғарий турклар ҳақида асарнинг турк табақалари ва қабилаларига бағишланган бўлимида ҳамда луғат қисмида маълумотлар беради:

«Турклар аслида йигирма қабиладир. Улар ҳаммаси Нуҳ пайғамбар ўғли Ёфас, Ёфас ўғли «Турк»ка бориб тақаладилар... Ҳар бир қабиланинг саноксиз аллақанча уруғлари бор. Мен булардан асосини, она уруғларини ёздим, шаҳобчаларини ташладим. Фақат ўғуз туркманларининг майда уруғларини ҳам, уларнинг молларига қўйиладиган белгиларини ҳам ёздим, чунки одамларда уларни билишга эҳтиёж бор эди. Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг турар жойларини бирин-кетин тартиб билан кўрсатдим. Румдан кун чиқаргача бўлган мусулмон ва бошқаларни зикр қилдим. Румга яқин биринчи қабилла бачанак, сўнг кипчок, ўғуз, ямак, бошқирт, басмил, сўнг қай, сўнг ябаку, сўнг татар, сўнг қирғиз келади. Қирғизлар Чин яқинидадирлар. Бу қабилалар ҳаммаси Рум ёнидан кун чиқаргача чўзилгандир. Сўнг чигил, сўнг тухси, сўнг яғмо, сўнг игроқ, сўнг чарук, сўнг чумул, сўнг уйғур, сўнг тангут, сўнг хитой. Хитой – «Чин»дир. Сўнгра тавғач; бу «Мочин»дир.

Бу қабилалар Жануб ва Шимол ўртасидадир» (58, 64).

Ўғузлар ҳақидаги батафсил маълумот девоннинг луғат қисмида берилган:

«Ўғуз – туркларнинг бир қабиласи. Ўғузлар туркманлардир. Улар йигирма икки уруғдир. Ҳар бирининг махсус белгилари, молларига хос тамғалари бўлган. Уруғларни шу тамғаларга қараб ажратганлар. Бу уруғлар қуйидагилардир: қиниқлар, хоқонлар шу уруғдан бўлганлар; қайиғлар; бойунлар; ивалар ёки йивалар; солғурлар; офшорлар; бектилилар; буктузлар; боётлар; ёзғирлар; эймурлар; қорабўлуклар; олкабўлуклар; игдарлар; уракирлар; тўтиркалар; улаюндлуғлар; тўгарлар; бачанаклар; жуволдорлар; жапнилар; жаруғлуклар» (58, 89-90).

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: «булар асосий қабилалардир. Уларнинг ҳар бирининг аймақлари бор. Қисқартиш учун уларни ёзмадим. Бу номлар у қабилаларнинг энг қадимги боболарининг исмидир. Арабларда Бану Салим, яъни Салим авлодлари, Бану Хафоча, яъни Хафоча авлодлари деб юритилгани каби, булар ҳам қадимги оталарига нисбат бериб юритадилар» (58,91).

**Туркий тиллар ҳақидаги маълумот.** Маҳмуд Кошғарий турк тилиниг хусусиятлари ҳақида тўхталиб шундай дейди: «Энг тўғри ва аниқ тил фақат биргина шу тилни биладиган, форслар билан аралашмайдиган ва шаҳарларга бориш-келиш қиладиган одами бўлмаган кишиларнинг тилидир. Улар суғдақ, кенжек, арғулар каби икки тилда сўзлашувчилардир; хўтанлилар, тубутлар ва тангутларнинг баъзилари каби икки тилда сўзлайдиганлар ва бошқа шаҳарларга бориб юрганлар тилида бузуклик бордир» (58,65).

Маҳмуд Кошғарий мочинликлар ва чинликларнинг алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлар туркчани яхши билишлари, лекин тубутликлар ҳам, хўжанликлар ҳам туркчани яхши билмасликларини таъкидлайди.

Бу асарда уйғурларнинг тиллари туркча эканлиги, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа тиллари борлиги, улар ёзувда йигирма тўрт ҳарфли туркча ёзувни қўллашлари, уйғурларнинг ҳам, чинликларнинг ҳам яна бошқа бир ёзувлари борлиги, улар китобларини ва идора ишларини шу хат билан юритишлари ҳақидаги маълумотлар шаҳар аҳолисига хос бўлса, саҳройилар ҳақида қуйидагиларни ўқиш мумкин:

«Чумулларнинг тиллари алоҳидадир. Улар туркчани ҳам биладилар. Шунингдек, қай, ябақу, татар, басмил қабилаларининг ҳар бирининг тили ўзига хосдир. Шу билан бирга улар туркчани яхши биладилар. Сўнгра кирқиз, қипчоқ, ўғуз, тухси, яғмо, чигил, иғроқ, жаруқ тиллари фақат туркчадир. Ямак, бошғирт тиллари буларга яқиндир. Румгача чўзилган булғар, сувар, беченеклар тили бир хилдаги сўзларнинг охири қисқартирилган бир туркчадир» (58,66).

Маҳмуд Кошғарийнинг аниқлашича, энг енгил тил ўғузча, энг тўғри тил яғмо, тухси ҳамда Или, Иртиш, Ямар, Этил водийларидан уйғур шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчиларнинг тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил – Хоқония ўлкасида яшовчиларнинг тилидир (58,66). Ҳам суғдча, ҳам туркча сўзловчилар баласоғунликлар, Тироз ва Мадинату-л-байда' шаҳарларининг халқлари бўлган. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, Испижобдан то Баласоғунгача бўлган арғу шаҳарлари аҳолисининг тилларида ҳам камчилик бор. Қашқарда канжакча сўзлашадиган кишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида яшовчилар ҳоқоний туркчада сўзлайдилар.

Махмуд Кошғарий мазкур умумий маълумотлардан сўнг туркий лаҳжалар орасидаги фарқларни қиёсий услуб асосида баён қилади. Сўз бошидаги «й» товуши ўғуз ва қипчоқларда тушиб қолиши ёки «ж»га айланишини айтиб, «й»нинг тушиб қолишига қуйидагича мисол келтиради: турклар мусофирни «*йӓлкин*» десалар, ўғузлар «*ӓлкин*» дейдилар.

Турклар «*йилиг сув*» десалар, ўғузлар «*илиг сув*» дейдилар (58, 66- 67).

«Й-ж» мослигига «*йынжу-жынжу*» (марварид), «*йугду-жуг-ду*» (туянинг узун юнги) мисолларини келтиради. Сўз охирида «й-н» мослигига «*қой-қон*» (қўй), «*чығай-чыған*» (камбағал) мисолларини келтиради (58,67).

Яна Махмуд Кошғарий турклар билан ўғуз, қипчоқ ва суворийлар орасидаги фарқларга «м-б» (*ман-бан* - мен, *мун-бун* – шўрва); «т-д» (*тавай-давай* - туя) каби мосликларни кўрсатади (58,67).

Асар муаллифи томонидан яғмо, тухси, қипчоқ, ябақу, татар, қай, чумул ва ўғузларнинг асл туркий тишора «з»ни (ёки «д»ни) «й»га айлантиришлари ҳам қайд этилган: «*қазын-қайын*», «*озоқ-ойоқ*» каби (58,68).

Олим хўтанликлар ва канжаклар «ата»ни «хата» (ота), «ана»ни «хана» (она) дейишларини ва мазкур сўзлардаги орттирилган «х» товуши туркий тилларга хос эмаслигини таъкидлайди.

Махмуд Кошғарий ўтган замон сифатдоши (масалан: *борган-келган*)даги «ғ» ва «г»ларнинг ўғузчада тушиб қолишини ҳам (*боран-гелӓн* тарзида) қайд этади (58,69).

**График ва фонетик маълумот.** Махмуд Кошғарий ўзининг «Девану луғати-т-турк» асарида туркий сўзларнинг ёзилиши ва туркларгагина хос бўлган товушларнинг талаффуз ўрни ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. Бу асарда туркларнинг қадимги ёзуви, яъни уйғур ёзувининг арабча муодили кўрсатилган (Ф,36; 58,48-49).

Уйғур ёзувида ифодаланмаган етита туркий товушнинг араб ёзувидаги ифодаси ва уларнинг талаффуз ўрни баён қилинган. Булар: қаттиқ «ба:’» (الباء الصلبة - яъни «п»), арабча «жи:м» (портловчи «ж»), махраж «з» ва «ш» оралиғида бўлган «ж» (сирғалувчи «ж»), арабча «фа:’» (ф), нуқтали «ғайн» (ғ), махраж «қа:ф» ва «ка:ф» оралиғида бўлган «ка:ф» (г), махраж «ғайн» ва «ка:ф», «нун» ва «қа:ф» оралиғида бўлган бурун «ка:ф»и (н) (Ф, 3б-4а).

Махмуд Кошғарий туркий тилларнинг товуш хусусиятлари ҳақида гапириб, турк сўзларида араб тилига хос бўлган тишора «с» товуши, итбок (эмфатик) товушлар ва бўғиз товушлари йўқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, уйғур ёзувида араб тилига хос товушларни ифодалаш учун тегишли уйғур ҳарфига диакритик белгилар қўйилади. Масалан: арабча «ث»ни ёзиш

керак бўлса, туркча «ذ» устига нуқта қўйилади. Арабча «ظ» ҳам шундай ёзилади. Арабча «ص» ҳарфини ифодалаш учун уйғурча «س» ёзилади ва унга нуқта қўйилади.

Ҳамма турк шаҳарларида барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари мазкур турк ёзувида юритилган.

**Морфологик маълумот.** Маҳмуд Кошғарий девонининг муқаддима қисмида турк лаҳжалари учун умумий бўлган муҳим морфологик маълумотлар ҳам берилган. Бу борада муаллиф қуйидаги сўз ясовчи қўшимчаларни мисоллари билан санаб ўтади:

-а (-ä): *билиг* (илм) - *билгä* (олим); *өг* (онг) - *өгä* (онгли); *ув* (увок) - *ува* (таом тури);

-т: *қач* («қочмоқ»дан) - *қачут* (қувиш); *кäз* (*кäзмäк* - «киймак»дан) - *кäзут* (*кийим*);

-ч: *көм* - *көмач*; *сävин* - *сävинч*;

-ш: *бил* - *билиш*; *ур* - *уруш*;

-ғ: *оры* - *орығ*; *қуру* - *қуруғ*;

-к: *тара* – *тарғоқ* (тарок); *ор* – *орғоқ* (ўроқ). Эслатма: бу мисолда ясовчи қўшимча «к»нинг ўзи эмас, балки «-ғақ»дир. Эҳтимол, бу ерда Маҳмуд Кошғарий буни мураккаб «ға+қ» қўшимча эканлигини ҳисобга олгандир;

-к: *кäs* - *кäsäk* (кесак);

-г: *тири* - *тирик*; *өл* - *өлүг*;

-л: *бычығ* - *бычыл* (ёрилган);

-м: *йаз*- (ёз-) - *йазим* (тўшак); *быч* (кес-) - *бычым* (кесим);

-н: *ақ* - *ақын* (оқадиган); *йығ* - *йығын*;

-у (-ў): *соруғ* - *сорғу* (сўрғич); *туруғ* - *турғу* (турадиган).

Девоннинг муқаддима қисмида берилган маълумотлар мана шулардан иборат.

## 2.2. «Девану луғати-т-турк»нинг луғат қисми

Маҳмуд Кошғарий ўзининг мазкур асарининг луғат қисмига фақат туркий сўзларни киритиб, арабча ва форсча сўзларни киритмаган. А.Н. Кононов «Девану луғати-т-турк»да етти минг беш юзга яқин сўз борлигини таъкидлайди (41,12). «Девану луғати-т-турк»нинг таржималарида сўзларнинг сони турличадир. Таржималардаги фарқларни сўзма-сўз ва сўзларнинг сони-ни ҳарфма-харф аниқлаб чиққан Э.И. Фозиловнинг ҳисобига қўра К. Броккельман нашрида 7993, Бесим Аталай нашрида 8783 сўз, Солиҳ Муталлибов нашрида 9222 сўз ва ибора бор. «Девану луғати-т-

турк» кўлёмасида 8500 дан ортиқ сўз бўлиб, таржималарда қайтариқлар ҳисобига кўпайган. Чунки асардаги айрим сўзлар бир эмас, бир неча ерда учрайди. К. Броккельман нашри индекс шаклида бўлиб, қайтариқлардан холидир, баъзи сўзлар эса умуман тушиб қолган. Шунинг учун ундаги сўзлар сони бошқаларидан кам. Солиҳ Муталлибов нашридаги сўзларнинг Бесим Аталай нашридагига нисбатан кўплигининг сабаби Солиҳ Муталлибов, биринчидан, бошида икки алиф бор сўзларни чўзиқ «а:» билан ифодалаб, уларга алоҳида шакл берганлиги бўлса, иккинчидан, омонимларни алоҳида-алоҳида берганлигидир (89,143).

«Девану луғати-т-турк»нинг луғат қисми саккиз бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим икки қисмга бўлинган ва «китоб» деб аталган. Бўлимнинг биринчи китобига отлар, иккинчисига феъллар киритилган. Ҳар китобда сўзлар вазнига қараб алифбони ҳисобга олган ҳолда сираланган.

**Маҳмуд Кошғарий белгиланган сўз вазлари.** Шарқ тилшунослари «вазн» сўзидан тил илмида ҳам фойдаланадилар. Бу ҳолда «вазн» атамаси мазмун жиҳатдан шеършуносликдаги «вазн» атамасидан фарқ қилади. «Вазн» сўзидан илмда қайси тушунчалар назарда тутилишини Бобур ўзининг арузга бағишланган рисоласида жуда яхши баён қилган:

«Билгил вазни мақодир азмина ва алфозга итбоқ қилинур (яъни «вазн» сўзи миқдор ва замон бирликлари ва лафзларга нисбатан қўлланади - С.Р.). Иккиси хорижи мабҳасдур, ғараз вазни алфоздур (яъни миқдор ва замон ўлчовлари филология объектдан ташқаридир - С.Р.). Алфоз вазнидан икки тоифа баҳс қилур, бири сарфийлар, яна бири арузийлар (яъни сўзларнинг вазни морфологик ва арузшунослар баҳсига мансубдир - С.Р.). Сарфийларнинг мезони фаъала лафзидур. Бу тоифа андоқ мезон қилурларким, мавзун била вазннинг ҳуруфи мусовий бўлғай ва ҳаракати муттаъид, нечунким насара ва йансуру, на:сир ва мансу:р фаъала ва йафъалу, фа:ъил ва мафъу:л вазнидур (яъни морфологлар сўз вазларини **فعل** - «фаъала» вазни билан ифодаляйдилар. Вазн ва шу вазн билан белгиланадиган сўзнинг ундошлари тенг, унлилари бир хил бўлади, масалан: **نصر** нинг вазни **فعل** - «фаъала», **ينصر** ники **يفعل** - «йафъулу», **ناصر** ники **فاعل** - «фа:ъил» ва **منصور** ники **مفعول** «мафъу:л»дир - С.Р.). Арузий - мезони мазкур бўлган афа:ъилу тафа:ъилу ҳаштгона ва музоҳафотидурким, ҳам фаъала лафзидин муштақдур (яъни арузшуносликда мавжуд бўлган саккизта рукн ўлчови - фа:ъилун, фаъувлун, фа:ъила:тун, мафа:ъийлун, мустафъилун, фа:ъила:ту, мафа:ъилатун, мутафа:ъилун ва уларнинг ўзгарган шакллари ҳам «фаъала» сўзидан ясалгандир - С.Р.). Бу тоифа андоқ мезон қилурларким, мавзуннинг

муталаффаз ҳуруфи вазн била мусовий бўлғай ва ҳаракотида иттиҳод лозим, нечукким «жаҳон гаштам», «жон кашидам», «жаҳон кездим», «жонға еттим» мафа:ъийлун фа:ъила:тун вазнидадур» (17, 30-31).

Демак, арузшуносларнинг «вазн» атамаси морфологларнинг «вазн» атамасидан фарқ қилади. Морфологиядаги «вазн»да вазннинг унлилари шу вазнга мансуб сўзнинг унлилари билан бир хил бўлса, арузда унлилар бир хил бўлиши шарт эмас.

Масалани яна ҳам ойдинлаштириш мақсадида морфология ва аруз учун шаклан бир хил бўлган **فَعُول** – «фаъу:л» вазнини олиб кўрайлик. Морфологик нуқтаи назардан мазкур вазнга **عشور, عجوز, جسور** сингари биринчи унлиси «а», иккинчи унлиси чўзиқ «у:» бўлган сўзларгина мансуб, лекин арузга биринчи бўғинда қисқа унли, иккинчи бўғинда чўзиқ унли бўлган ҳамма сўзлар мансубдир: **قَدوم, قمار** каби. Морфологияда буларнинг биринчиси **فَعَال** – «фиъа:л», иккинчиси **فَعِيل** – «фаъи:л», учинчиси **فَعُول** – «фуъу:л» вазнидадир.

Араб тилидаги сўз ўзаги ундошлардан иборат бўлиб, унлилар сўз ва форма яшаш вазифасини бажаргани учун сўз ва унинг формалари тузилишини мазкур услуб билан ифодалаш энг маъқул йўлдир (23; 24; 29).

Шунинг учун ғарб олимлари ҳам араб тили морфологиясини тавсиф қилганда араб филологлари ижод қилган вазнлардан фойдаланадилар. Араб морфологиясининг вазнлари кўп. Қуйида мисол сифатида фақат уч ҳарфли сўзларнинг масдар ва сифатдош вазнлари келтирилди.

Биринчи боб масдарларининг бир қанча вазнлари бор. Масалан: **فَعَلٌ** - фаълун, **فِعْلٌ** - фиълун, **فُعْلٌ** - фуълун, **فَعَلٌ** - фаълун, **مَفْعَلَةٌ** - мафъилатун ва бошқалар. Бошқа боб масдарларининг вазнлари қуйидагича – иккинчи боб: **تَفْعِيلٌ** - тафъи:лун, **تَفْعِيلَةٌ** - тафъилатун, учинчи боб: **مُفَاعَلَةٌ** - муфа:ъалатун, **فِعَالٌ** - фиъа:лун, тўртинчи боб: **إِفْعَالٌ** - 'ифъа:лун, бешинчи боб: **تَفْعَلٌ** - тафаъулун, олтинчи боб: **تَفَاعُلٌ** - тафа:ълун, еттинчи боб: **إِنْفِعَالٌ** - 'инфиъа:лун, саккизинчи боб: **إِفْتِعَالٌ** - 'ифтиъа:лун, тўққизинчи боб: **إِفْعَالٌ** - 'ифъила:лун, ўнинчи боб: **إِسْتِفْعَالٌ** - 'истифъа:лун, ўн биринчи боб: **إِفْعِيَالٌ** - 'ифъи:ла:лун, ўн иккинчи боб: **إِفْعِيَالٌ** - 'ифъи:ъа:лун, ўн учинчи боб: **إِفْعَوَالٌ** - 'ифъивва:лун, ўн тўртинчи боб: **إِفْعِنَالٌ** - 'ифъинла:лун, ўн бешинчи боб: **إِفْعِنَالٌ** - 'ифъинла:ун.

Актив ва пасив сифатдош вазнлари қуйидагилар – биринчи боб: **فَاعِلٌ** - фа:ъилун ва **مَفْعُولٌ** – мафъу:лун, иккинчи боб: **مُفَعِّلٌ** – му-фаъъилун ва **مُفَعَّلٌ** –

муфаъбалун, учинчи боб: مُفَاعِلٌ - муфа:ъилун ва مُفَاعَلٌ - муфа:ъалун, тўртинчи боб: مُفْعَلٌ - муфъилун ва مُفْعَلٌ - муфъалун, бешинчи боб: مُتَفَعِّلٌ - мутафаъъилун ва مُتَفَعَّلٌ - мута-фаъбалун, олтинчи боб: مُتَفَاعِلٌ - мутафа:ъилун, مُتَفَاعَلٌ - мута-фа:ъалун, еттинчи боб: مُنْفَعِلٌ - мунфаъилун ва مُنْفَعَلٌ - мунфаъалун, саккизинчи боб: مُفْتَعِلٌ - муфтаъилун ва مُفْتَعَلٌ - муфтаъалун, тўкқи-зинчи боб: مُفْعَلٌ - муфъиллун ва مُفْعَلٌ - муфъаллун, ўнинчи боб: مُسْتَفْعِلٌ - мустафъилун ва مُسْتَفْعَلٌ - мус-тафъалун.

Маҳмуд Кошғарий араб тилида сўзларни вазнларга гуруҳлаш анъанасидан келиб чиқиб, туркий сўзларга ҳам вазнлар ясайди ва «Девану луғати-т-турк» асарида сўзларни шу вазнлар асосида тартиб билан жойлаштиради.

Армут (нок), озғуч (аланга), оркуч (тўлқин) каби сўзларни افْعَل - афъал вазни билан беради. Шу ерда ва бошқа кўп ўринларда вазндан сўнг (في حركاته) деб қўшимча қилинган. Бу «турли ҳаракатлар билан келади» деган маънони англатади. Маҳмуд Кошғарий вазн шаклан кўпайиб кетиши мумкин бўлган ўринларда уларнинг битта шаклини бериб, «фи ҳарака:тиҳи», яъни «турли ҳаракатларга эга» деб таъкидлаш билан кифояланади. Бу Маҳмуд Кошғарийнинг луғат тузишдаги ўзига хос хусусиятдир.

Қуйида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғоти-т-турк» асаридаги туркий сўзларга ясалган вазнлар мисоллар билан келтирилган:

	Вазн		Мисоллар		
	араб ёзувида	транслитерация	араб ёзувида	транскрипция	ўзбек адабий тилида
	افْعَلٌ في حركاته	афъал фи ҳарака:тиҳи	ارْمُتْ أَرْعَجْ أَرْكُجْ	армут озғуч өркүч	нок аланга тўлқин
	فَعَالٌ	фаъа:л	أَخَاقْ أَشَاقْ	ухақ ушақ	ўрик шарбати иғво
	فَعْلَى في حركاته	фаъла: фи ҳарака:тиҳи	أُرتو أُردو	орту орду	ўрта хон шаҳри
	فُعْلٌ	фуъул	أُجْنِجْ أُمْنِجْ	ўчўнч умунч	учинчи умид

	فَعْنَلَى فِي حَرَكَاتِهِ	фаъанла: фи ҳарака:тиҳи	أَفْنَجُو أَتْنَجُو	авынчу итинчў	овунчоқ туртилган
	فَعَالُو، فُعَالُو، فِعَالُو فِي حَرَكَاتِهِ	фаъа:лу:, фуъа:лу:, фиъа:лу: фи ҳарака:тиҳи	أَلَا جُو أُحْشَاغُو	алачу охшағу	чодир ўйинчоқ
	أَفَاعُولُ فِي حَرَكَاتِهِ	афа:бу:л фи ҳарака:тиҳи	أُرَاغُوتُ أَرَامُوتُ	урағут арамут	аёл жой номи
	أَفْعَلَانُ	афъала:н	أَرْبَعَانُ	арпаған	ўсимлик номи
	فِعْنَلَى فِي حَرَكَاتِهِ	фиъинли: фи ҳарака:тиҳи	أَفْنَدَى أَكْنَدَى	ақынды әкинди	оқар сув экилган
0	أَفْعَالُ	афъа:л	أَرَاغُ	арғағ	қармоқнинг илгаги
1	فَعْلُولَى	фаълу:ли:	أَفْزُورَى	авзуры	таомнинг номи
2	فَعَالِلُ	фаъа:лил	أَلَا نَكِرُ	алаңыр	хайвон номи
3	فَعْلُ	фаъал	أَلْرُ	алар	қизармоқ
4	فَعْلَلْدَى	фаълалди:	أَخْتَرْدَى	ахтарды	ағдарди
5	فَعْلُ	фаъл	بَرْتُ	барт	суяқлик ўлчов бирлиги
6	فُعْلُ	фуъл	مُرْجُ	мурч	мурч
7	فِعْلُ	фиъл	قِرْقُ	қырқ	қирқ
8	فَعْلُ	фаъал	قَنْتُ	қанат	қанот
9	فُعْلُ	фаълу	بَسْتُ	басут	ёрдам
0	فَعْلُ	фаъил	بَغْرُ	бағыр	жигар
1	فَاعِلُ	фа:ъил	بَالِغُ	балығ	ярадор

2	فاعول	фа:ъу:л	قاغون	қағун	қовун
3	فَعَالٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фаъа:л фи ҳарака:тиҳи	تَقَارٌ تَلَاكٌ	тавар тиләк	товар тилак
4	فَعِيلٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фаъи:л фи ҳарака:тиҳи	بُدَيْكٌ	бўдик	рақс
5	فَعَلُو	фаълу:	جَنُجُو بَلْدُو	чанчу балду	ўқлоқ болта
6	فَعَلَى	фаъли:	قَرَشَى	қаршы	хон саройи
7	فُعْلَانٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фаъла:н фи ҳарака:тиҳи	قَلْقَانٌ قَفْتَانٌ	қалқан қафтан	қалқон устки кийим
8	فُغْلَانٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фуъла:н фи ҳарака:тиҳи	مُنْغَانٌ	мунған	эзма киши
9	فِغْلَانٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фиъла:н фи ҳарака:тиҳи	سَجْغَانٌ	сычған	сичқон
0	فَعِيلَانٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фаъи:ла:н фи ҳарака:тиҳи	قَرِيْزَانٌ	қарызан	мункиллаган қария
1	فَعَعْلَى فِي حَرَكَاتِهِ	фаъанли: фи ҳарака:тиҳи	سَجْنَدِي تَزْنَدِي	сачынды тызынды	сочилган таъқиқланган
2	فُعْلٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фуълул фи ҳарака:тиҳи	قِرْغُتٌ تُتْسَعُ	қызғут тутсуғ	жазо васият
3	فَعَلَلٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фаълал фи ҳарака:тиҳи	سَنْكَجٌ	сәнкәч	олма нави
4	فُعْلَالٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фаъла:л фи ҳарака:тиҳи	تُتْمَاجٌ	тутмач	таомнинг номи
5	فَعَلَلُو فِي حَرَكَاتِهِ	фаълаллу: фи ҳарака:тиҳи	كَسْرُكُو سُپْرُكُو	кәсүргү сүпүргү	қоп супурги
6	فُعْلَى	фуълули:	بُلْدُنِي	булдуны	сутли таомнинг номи
7	فُعْلُنْدِي فِي حَرَكَاتِهِ	фуълунды: фи ҳарака:тиҳи	قُجْعُنْدِي	қучғунды	пиёз
	فَعَلَلٌ فِي حَرَكَاتِهِ	фаълалғал фи	قَمِشَلِقٌ	қамышлы	қамишли ер

8		ҳарака:тиҳи		қ	
9	فَعَلَّلَانُ	фаъалла:н	تَفَشَّعَانُ	тавышған	куён
0	فَعَلَّلَل فِي حَرَكَاتِهِ	фаълалал фи ҳарака:тиҳи	تَمَّغَلِقُ	тамғалық	кўзача
1	فَعَلَّلَل فِي حَرَكَاتِهِ	фаълалъалал фи ҳарака:тиҳи	قَلَّلْدُرُقُ	Қалалдур уқ	эркаклар исми
2	فَعَلَّل فِي حَرَكَاتِهِ	фаъла:л фи ҳарака: тиҳи	قَرَّغَاقُ	қарғақ	қарғиш
3	فَعَلَّلِدِي فِي حَرَكَاتِهِ	фаълалди: фи ҳарака:тиҳи	بُرَّتِي كَجِحِّي	бурутты качитты	буғлантирди кечиктирди
4	فَعَالُ	фаъа:л	بِيَات	байат	уғуз қабиласининг номи
5	فَيْبَالُ	файъал	بَيْرَمُ سَيْرَمُ	байрәм Сайрам	байрам шаҳарнинг номи
6	فَعَلَّلِدِي فِي حَرَكَاتِهِ	фаълалди: фи ҳарака:тиҳи	كَيْتُرْدِي قَيْتُرْدِي	кайтурды қуйтурды	куйдирди куйдирди
7	فَعَلَّلِدِي فِي حَرَكَاتِهِ	фаъа:ла:ди: фи ҳарака:тиҳи	تَبَلَادِي	табалады	изза қилди
8	فَعُولَادِي فِي حَرَكَاتِهِ	фаъу:ла:ди: фи ҳарака:тиҳи	سَتُولَادِي	сатулады	эзмаланди
9	فَعَلَّلُو	фаълалу:	قَنْكَرَغُو	қоңрағу	қўнғироқ
0	فَعَلَّلَادِي	фаъла:ди:	تَنْكَلَادِي	таңлады	хайрон қолди
1	فَعَلَّل فِي حَرَكَاتِهِ	фаълал фи ҳарака:тиҳи	قَنْدَش	қаңдаш	амакиваччалар
2	فَعِيلَادِي فِي حَرَكَاتِهِ	фаъи:ла:ди: фи ҳарака:тиҳи	يَنْكِيلَادِي	йанылад ы	янгилади

**Китоблар.** Луғат бўлимини «китоб» деб аташ Маҳмуд Кошғарийдан ўзга луғатчиларга ҳам хос. «Девану луғати-т-турк»-нинг биринчи китоби «Кита:бу-л-’асма:’ мина-л-ҳамз» («Ҳамза-ли исмлар китоби») деб аталган ва унга унли билан бошланадиган отлар киритилган. Туркий тилларда Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи қайд қилганидек (Ф,7а; 58,138), сўз бошидаги ҳамза талаффуз қилинмай унинг ҳаракатигина ўқилади. Сўз бошидаги фатҳали алиф «ä» ва «а», даммали алиф «ÿ», «у» ва «ö», «о», кас-рали алиф «ы» ва «и» деб ўқилади. Иккинчи китоб «Кита:бу-л-’афъал мина-л-ҳамз» деб аталган ва бунда унли билан бошланадиган феъллар берилган. Бу китобларда сўзни сиралашда ундош товушни билдирувчи ҳарфларнинг алифбо сираси ва алифнинг ҳаракати ҳисобга олинган. Масалан: икки ҳарfli сўзларда аввал фатҳали *алиф* ва *ба:’* ҳарфи, сўнгра даммали *алиф* ва *ба:’* ҳарфи, кейин касрали *алиф* ва *ба:’* ҳарфи билан ёзилган сўзлар берилган. Шундан кейин ҳаракатнинг мазкур тартибини сақлаган ҳолда *та:’*, *жи:м* ва ҳоказо ҳарфлар билан тугаган сўзлар келтирилган. Уч ҳарfli сўзларда учинчи ҳарф, тўрт ҳарfli сўзларда тўртинчи, беш ҳарfli сўзларда бешинчи, олти ҳарfli сўзларда олтинчи ҳарфларнинг алифбо сираси ҳам риоя қилинган. Аммо ўз ўрнига тушмаган сўзлар ҳам бор. Бу ҳол хаттотнинг камчилиги бўлиши мумкин.

Учинчи китоб «Кита:бу-с-са:лим мина-л-’асма’», тўртинчи китоб «Кита:бу-л-’афъал мина-с-са:лим» деб аталган ва бу китобларга ундош билан бошланган, таркибида иккиланган ва бурун ундошлари ҳамда ҳаракат ўрнида ишлатиладиган *алиф*, *ва:в* ёки *йа:’* си бўлмаган сўзлар киритилган.

Бешинчи китобга *муда:ъаф*, яъни икки ундоши бир хил бўлган отлар, олтинчи китобга шундай феъллар киритилган.

Еттинчи китобда *ва:в* ва *йа:’* ҳарфлари билан бошланадиган (миса:л) отлар, саккизинчисида шундай феъллар берилган.

Тўққизинчи китобдан ўртасида *алиф*, *ва:в* ва *йа:’* ҳарфлари бор (зава:ту-с-сала:са) отлар, ўнинчи китобдан шундай феъллар ўрин олган.

Ўн биринчи китобда мазкур ҳарфлар қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган (зава:ту-л-’арбаъа) отлар, ўн иккинчи китобда шундай феъллар берилган.

Ўн учинчи китобда бурун товуши бор (ғунна) отлар, ўн тўртинчи китобда шундай феъллар жойлашган.

Ўн бешинчи китобда икки ундош ёнма-ён келган (ал-жамъу байна-с-са:кинайн) отлар, ўн олтинчи китобда шундай феъллар берилган.

«Девану луғати-т-турк»нинг таржимонлари «зава:ту-с-сала:са»ни «уч ҳарfli» ва «зава:ту-л-’арбаъа»ни «тўрт ҳарfli» деб таржима қилганлар.

Ҳолбуки, Маҳмуд Кошғарий ўзга тилшунослар каби уч ҳарфли сўзларни «сула:сий» ва тўрт ҳарфли сўзларни «руба:ъий» деб атаган. Мазкур «сала:са»дан мурод *алиф, ва:в* ва *йа:'* ҳарфларидир. «'арбаъа»дан мурод мазкур уч ҳарфнинг ҳаракат ўрнида келиши, яъни қисқа унли тарзида талаффуз этилиши ҳамда сокин (*ав* - уй, *ай* - ой сўзларидаги каби) ва мутаҳаррик (*ува* - лаббай, *айа* - каф сўзларидаги каби) ҳолатидаги талаффузи назарда тутилади. Уч ҳаракатга икки ҳолатнинг бир хил талаффузи қўшилиб *'арбаъа* (тўрт) ҳосил бўлган.

**Боблар.** «Девану луғоти-т-турк»даги ҳар бир китоб сўз вазнига қараб бобларга бўлинган, боблар ҳарф сонига қараб бирлаштарилган «абва:б», яъни «боблар» деб аталган. Биринчи китобнинг биринчи бобига *фаъ, фуъ* ва *фиъ* вазнидаги икки ҳарфли сўзлар киритилган. Учинчи бобларнинг биринчи бобида *фаъл, фуъл, фиъл* вазнидаги, иккинчи бобида *фаълал, фаълул, фаълил* вазнидаги, учинчи бобида биринчи ва учинчи ундош олдида турлича унлилар келган вазнлардаги сўзлар, тўртинчи бобида *афъа:л, ифъ:ал, уфъа:л* вазнидаги, бешинчи бобида *фаъа:л, фаъу:л* вазнидаги, олтинчи бобида биринчи ва охириги ҳарфлари турлича ҳаракатли вазнлардаги, еттинчи бобида *фаъа:лу, фуъа:лу, фиъа:лу* вазнидаги, олтинчи бобга ҳаракати турлича *афа:ъу:л* вазнидаги сўзлар жойлаштирилган.

Луғатда худди мана шу тартибда тўрт ҳарфли, беш ҳарфли, олти ҳарфли ва етти ҳарфли сўзларнинг «абва:б» (боблар)и берилган. Икки ҳарфлилар бир бобдан иборат бўлгани учун «абва:б» демасдан, «ба:бу-с-суна:ийа» (иккилик боби) деб аталган. Қолганлари эса «абва:бу-с-сула:сий» (учлик боблари), «абва:бу-р-руба:ъий» (тўртлик боблари), «абва:бу-л-хума:сий» (бешлик боблари), «абва:бу-с-суда:сий» (олтилик боблари), «абва:бу-с-суба:ъий» (еттилик боблари) деб аталган. Луғатдаги қолган китобларнинг боблари ҳам мана шу тарзда берилган.

**Фасллар.** Луғатдаги ҳар бир боб номи зикр этилиб, «фасл» сўзи зикр этилмаган ҳолда фаслларга бўлинган. Луғатда куйидаги фасллар мавжуд:

муда:ъаф - икки ундоши бир хил (*аркәк, арра* каби) сўзлар фасли;

миса:л - «в» ёки «й» товуши билан бошланган сўзлар фасли;

манқу:с - ўртаси алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган сўзлар;

матвий - икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган (*айлә* - андоғ каби) сўзлар фасли;

ғунна - бурун товуши бор (*таң* - тонг каби) сўзлар фасли;

зава:ту-с-сала:са - қисқа унли сифатида ўқиладиган *алиф, ва:в* ёки *йа:'* ҳарфлари бор сўзлар фасли;

зава:ту-л-’арбаъа - *алиф, ва:в* ва *йа:'* ҳарфлари қисқа унли сифатада ва «в», «й» деб ўқиладиган сўзлар фасли.

Бу фаслларнинг сони турли бобларда турличадир. Масалан: иккилик бобида муда:ъаф, зава:ту-л-'арбаъа ва ғунна фасллари бўлса, учлик бобида мазкур фасллардан ташқари манку:с фасли ҳам бор. Кейинги бобларда эса матвий фасли ҳам бор.

Юқорида баён этилган фикрлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- «Девану луғати-т-турк»нинг муқаддимасида турк қабилалари, уларнинг дунё яшаш ерлари, тиллари ва уларнинг ораси-даги фарқлар киёсий-тарихий метод асосида баён қилинган.

- «Девану луғати-т-турк»нинг луғат қисми араб тилини билувчиларга тушунарли бўлиши учун сўз вазни ва сўздаги ҳарфлар сонига қараб тузилган.

- «Девану луғати-т-турк»нинг таржималарида унинг луғат қисмига оид баъзи атамалар, жумладан, «зава:ту-с-сала:са» ва «зава:ту-л-'арбаъа» нотўғри таржима қилинган.

### 2.3. «Девану луғати-т-турк»нинг фихристи

«Девану луғати-т-турк»нинг на қўлёзмасида, на босма нашрида ва на таржималарида сарлавҳалар фихристи берилмаган. Асар фихристининг ўзига хослиги ва илмий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, қуйида уни жадвал кўринишида келтирамиз.

№	Китоблар	Боблар	Фасллар	Таржимаси	Ф варағ и	АР са- ҳифас и*
		حمد، نعت، تقديم			16	1
1		القول في حروف التي بنيت عليها اللغات		Сўзлар ясалган харфлар ҳақида сўз.	36	7
2		القول في بيان الاسماء المشتقة من الأفعال		Феъллардан ясаладиган исмлар ҳақида сўз.	46	10
3		القول في مبلغ ابنية اللغات		Сўзлар тузилишининг ўлчами ҳақида сўз.	66	16
4		القول في زيادات الاسماء		Исмларнинг қўшимчалари ҳақида сўз	7а	17

\* Босма нашрнинг биринчи жилди қўлёзманинг 1326 варағида, иккинчи жилди 223а варағида тугайди.

5		القول في زيادات الأفعال و بنائها		Феълларнинг қўшимчалари ва уларнинг тузилиши хақида сўз	76	18
6		القول في تقديم الأبنية بعدها على بعد		[Сўзларнинг] кетма- кет келиши хақида сўз	86	21
7		القول في تقديم الحروف بعدها على بعد		Ҳарфларнинг кетма- кет келиши хақида сўз	86	21
8		القول في الصفات التي لا تدخل في الذكر		Зикр қилинмайдиган сифатлар хақида сўз	9a	22
9		القول في المصادر التي لا تدخل في الذكر		Зикр қилинмайдиган масдарлар хақида сўз	96	24
10		قول آخر فيما ذكر في الكتاب و لم يذكر		Китобда эслатилган ва эслатилмаган нарсалар хақида сўз	10a	26
11		القول في طبقات الترك وبيان القبائل		Турк табақалари ва қабилалари хақида сўз	106	28
12		القول في بيان السن الترك		Турк тиллари хақида сўз	126	29
13		القول في بيان الإختلاف من اللغات		Сўзлардаги фарқлар хақида сўз	13a	31
I	كتاب الاسماء من الهمز			Ҳамзадан бошланган исмлар китоби.	15a	38
		باب الثنائية		Икки ҳарфлилар боби	15a	37
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [исмлар]и.	166	42
			ذوات الأربعة منه	Алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [исмлар]	166	32

			الغنة منه	Унинг бурун товушлилари	16б	43
		ابواب الثلاثي		Уч ҳарфлилар боблари	17а	44
		باب فَعَلَ وَفُعِلَ وَفِعِلَ مسكّنة الحشو		Ўртаси ҳаракатсиз фаъл, фуъл, фиъл боби.	17а	44
			المنقوص منه	Унинг ўртасида алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [исм]лари.	17а	45
			ذوات الأربعة منه	Унинг алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [исмлар]и.	18б	50
		ابواب المتحرّك الحشو		Ўртаси ҳаракатланган [исмлар] боблари.	18б	51
		باب فَعَلَ وَفُعِلَ وَفِعِلَ متحرّكة الحشو في حركاته		Ўртаси турли ҳаракатли фаъл, фаълул ва фаълил боби.	18б	51
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [исмлар]и	26б	74
			المثال منه	Унинг «в» ва «й» товуши билан бошланган [исмлар]и.	26б	75
			و نوع منه آخر	Ва унинг бошқа турлари	27б	77
			المنقوص منه	Унинг ўртасида алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [исм]лари.	27б	78
			و من الياء منه	Ва унинг «й»ли [исмлар]и	27б	79
			المعتلّ العجوز منه	Унинг охири алиф, ва:в, йа:’ бўлган [исмлар]и	28а	80
			ذوات الأربعة	Алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й»	28а	80

				деб ўқиладиган [исмлар]		
			الغنة منه	Унинг бурун товуши бор [исмлар]и	30a	86
		باب أفعال في حركاته		Турли ҳаракатли «афъал» боби	30б	87
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [исмлар]и	34a	100
			المثال منه	Унинг «в» ва «й» товуши билан бошланган [исмлар]и.	34б	101
			المطوي منه	Унинг икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган [исмлар]и	35a	103
			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа турлари	35a	104
			الغنة منه	Унинг бурун товуши бор исмлар]и	35б	105
			الغنة الأخيرة	Охири бурун товуш бўлган [исмлар]	35б	105
			المثال منه	Унинг «в», «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	35б	106
			ذوات الأربعة	Алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [исмлар]	36a	106
		باب أفعال و أفعال و إفعال متحركة الحشو في حركاته		Ўртаси турли ҳаракатлардаги афъа:л, ифъа:л, уфъа:л боби	36a	106
			المثال منه	Унинг «в» ва «й» товуши билан бошланган [исмлар]и.	37a	109
			و مما ألحقت الواو به	Ва унинг ва:в қўшилган	37a	109

				[исмлар]и		
			المنقوص منه	Унинг ўртасида алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [исм]лари.	37а	<b>109</b>
			الغنة منه	Ундан бурун товуши бор [исм]лар	37а	109
		باب فعال و فعول		фаъа:л, фаъу:л [вазнидаги исмлар] боби	37а	110
			المثال منه	Унинг «в» ва «й» товуши билан бошланган [исмлар]и.	37б	111
			ذوات الأربعة	Алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [исмлар]	37б	111
		باب فعلى في حركاته		Турли ҳаракатли фаъла боби	37б	111
		باب فَعْلَى		Фаъла боби	39б	117
			و من الغنة الجيمية باب فُعْلٌ	Ва «жи:м»ли бурун товуши (нч) бор фуъул боби	39б	118
			و نوع منه على فَعْلَى في حركاته	Ва турли ҳаракатли фаъална: тури	40а	119
			الغنة الكافية منه	Унинг «ка:ф»ли бурун товуши (н) бор [исмлар]и	40а	120
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [исмлар]и	40б	121
			ذوات الأربعة	Алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган	40б	121

				[исмлар]		
			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа турлари		
		باب فَعَالُو و فُعَالُو و فِعالُو فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатлардаги фаъа:лу:, фуъа:лу:, фиъа:лу: боби	40б	122
			المطويّ منه	Унинг икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган [исмлар]и	41а	123
			و مّا زِيدت النون فِي آخِرِهِ	Охирига ну:н қўшилган [исмлар]	41а	123
			و نوع منه	Ва унинг бошқа турлари	41а	123
		باب اَفَاعُول فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли афа:ъу:л боби	41а	124
		باب اَفْعَلَان		Афъалан боби	41б	125
		باب فِعْنَلِي فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фиъинли: боби	41б	125
		أَبواب الرِّبَاعِي		Тўрт ҳарфлилар боблари	41б	125
		باب اَفْعَال من المَضَاعِف		Икки ундоши бир хил бўлган [исмларнинг] афъал боби	41б	125
		باب فَعُول مَثَقَل الخَشُو		Ўртаси иккиланган фаъу:л боби	42а	126
		باب فَعْلًا مَسْكَنَة اللام الاوّلِي		Аввалги «л»си суқунланган фаъалла: боби	42а	127
		باب اَفْعَالِل		Афъа:лил боби	42а	127
		باب فَعُولِي		Фаълу: ли боби	42б	128
		باب فَعْلَنْدِي		Фаъланди: боби	42б	128
		باب فُعُولِيْن غَنَة		Бурун товуши бор фуъу:ли:н боби	42б	128
		أَبواب الخَماسِي . باب فَعْلَعَل فِي حَرَكَاتِهِ		Беш ҳарфлилар боблари. Турли ҳаракатли фаъалъал	42б	129

				боби		
		باب فَعْلَعَان متحرّكة الفاء و العين		«Ф» ва «Ъ»и ҳаракатланган фаъалъа:н боби	44б	136
			و نوع منه	Ва унинг бошқа бир тури	45б	140
		باب أَفَعَلَل		Афъалал боби	45б	140
			و مَّا ضَمَّت فأؤه	Ва унинг «ф»си дамма олган [исмлар]и	45б	140
		باب فُعَالِل		Фуъа:лил боби	45б	141
			و نوع منه منقوصا	Ва ўртасида алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган тури	46а	141
			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа турлари	46а	141
			و من الغنة فيه	Ва бурун товуши бор [исмлар]	46а	141
		باب فُعَالِل من الغنة		Бурун товуши бор [исмлар]- нинг фаъа:лил боби	46а	141
			و نوع منه	Унинг бир тури	46а	142
Iб	كتاب الأفعال من الهمز			Ҳамзадан бошланган феъллар китоби	46а	143
		باب الثنائي		Икки ҳарфли [феъллар] боби	46а	143
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [феъллар]и	47б	149
			المنقوص منه	Унинг ўртасида алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [феъл]лари.	48а	150
			ذوات الأربعة منه	Унинг алиф, ва:в, йа:’ ҳарф-лари қисқа унли сифатида ва «в», «й»	49а	152

				деб ўқиладиган [феъллар]и.		
			و من الغنة منه	Ва унинг бурун товуши бор [феъллар]и	49a	152
			العلة	Қоида	49a	153
			أبواب الثلاثي	Уч ҳарфли [феъллар] боблари	49a	154
			باب فَعَلٌ متحرك الحشو في حركاته	Ўртаси турли ҳаракатли фаъл боби	49a	154
			و من المضاعف منه	Ва унинг икки ундоши бир хил бўлган [феъллар]и	56a	178
			المنقوص منه	Унинг ўртаси алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [феъллар]и	58a	185
			ذوات الأربعة منه	Унинг алиф, ва:в, йа:’ ҳарф-лари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [феъллар]	58б	185
			الغنة منه	Унинг бурун товуши бор [феъллар]и	58б	186
			أبواب الرباعي	Тўрт ҳарфли [феъл]лар боблари	58б	186
			باب فَعْلُدِي مسكّنة الحشو و اللام في حركاته	Ўртаси ҳаракатсиз ва «л»си турли ҳаракатли фаълалди: боби	58б	182
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [феъллар]и	67б	218
			و نوع آخر من المنقوص	Ва ўртаси алиф ва:в ёки йа:’ бўлган [феъллар]нинг бошқа тури	69a	225
			الرباعي منه	Унинг тўрт ҳарфлиси	69б	226

			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [феъллар]и	70a	228
			و نوع منه	Ва унинг бошқа тури	70a	228
			الثلاثي من ذوات الأربعة	Уч ҳарфлиларнинг алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [феъллар]и	70a	228
			العلة	Қоида.	71б	234
			الغنة	Унинг бурун товуши бор [феъллар]и	74a	242
			و نوع منه	Ва унинг бошқа турлари	74a	243
		أبواب الخماسي		Беш ҳарфли [феъл] лар боблари	74a	244
			و من المضاعف الشز	Ва ўзгарган [феъллар]нинг икки ундоши бир хил бўлган[лар]и	75a	248
			الخماسي من المنقوص	Беш ҳарфлиларнинг ўртаси алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган[лар]и	75б	249
			و النوع الآخر منه	Ва унинг бошқа турлари	75б	250
			و من الذوات الأربعة منه	Ва унинг алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [феъллар]и	76a	251
			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа тури	78a	259
			الغنة منه	Унинг бурун товуши бор [феъллар]и	79a	260
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	79a	261

			و آخر منه	Ва унинг бошқа [тури].	79a	261
			الحماسي منه	Унинг беш ҳарфлиси	79a	261
			الساكنان منه	Унинг икки [ҳарфи] сукунли [феъллар]и	79a	261
			السداسي منه	Унинг олти ҳарфлиси	79a	262
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [феъллар]и	79б	264
			ذوات الأربعة منه	Унинг алиф, ва:в, йа:’ ҳарф-лари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [феъллар]	80a	265
Па	كتاب الأسماء من السالم			Алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари йўқ исмлар китоби	80a	267
			باب الثنائي	Икки ҳарфли [исмлар] боби	80б	267
			أبواب ثلاثي	Уч ҳарфли [исмлар] боби	86a	286
			باب فَعْل و فُعْل و فِعْل مسكّنة الحشو في حركاته	Ўртаси сукунланган турли ҳаракатли фаъл, фуъл, фиъл боби	86б	286
			أبواب متحرّك الحشو	Ўртаси ҳаракатланган [исмлар] боблари.	89б	295
			باب فَعْل و فُعْل و فِعْل متحرّك الحشو	Ўртаси ҳаракатланган фаълал, фаълул, фаълил боби.	89б	296
			باب فاعِل في حركاته	Турли ҳаракатли фа:ъил боби	102б	340
			باب فاعول	Фа:ъу:л боби	103б	343
			باب فَعَال و فَعُول و فَعِيل في حركاته	Турли ҳаракатли фаъа:л, фаъу:л, фаъи:л боби	104a	344
			هذه ما الحقت	Булар «л»дан кейин	105a	348

			الزيادة بعد اللام	қўшимча қўшилган [исмлар]		
		باب فَعَلَى و فَعَلُو وَفَعَلِي مَسْكَنَةَ الْحَشْوِ		Ўртаси суқунланган фаъла:, фаълу:, фаъли: боби	105a	348
		أبواب ما زيد فيها من حروف المدّ و اللين بين العين و اللام		«ъ» ва «л» орасига алиф, ва:в ёки йа: қўшилган [исмлар] боблари	112a	371
		باب فَعَالًا فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаъа:ла: боби	112a	371
		باب فَعَالَان و فَعِيلَان فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаъа:ла:н, фаъи:ла:н боби	113a	373
		باب فَعْعَلِي فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаъанли: боби	113a	374
		باب فُعْلِي		Фуълули: боби	113б	376
		باب فَعْلَل و فَعْلَال و فُعْلَل فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаълал, фаъла:л, фуълул боби.	113б	376
			و مَّا حُرْفَان منه واحد	Ва унинг икки ҳарфи бир бўлган [исмлар]и.	122б	402
		باب فَعَالِل فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фуъа:лил боби	122б	403
		باب فَعْلَعَل مَتَحَرِّك العينين و فَعْلَلُو		Икки «ъ»ни ҳаракатланган фаъалъал ва фаъаллу: боби	123a	404
			و مَّا سَكَنْت عينه و فتحت لامه	Ва унинг «ъ»ни суқунланган ва «л»си фатҳаланган [исмлар]и	123б	406
		باب فُعْلِي		Фуълули: боби	123б	408
		باب فُعْلُنْدِي فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фуълунди: боби	124a	408
		أبواب الخماسي		Беш ҳарфли[лар]	124a	408

				боблари		
		باب فَعْلَعَلَّ فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаъалғал боби	124a	408
			العلة	Қоида	1266	420
			العلة	Қоида	1276	423
		باب فَعْلَلَانَ مَتَحَرِّكَ الْعَيْنِ مَسْكَنَةَ اللّامِ الْاُولَى		«ъ»и ҳаракатланган биринчи «л»си суқунланган фаъалла:н [вазнидаги исмлар] боби	128a	425
			العلة	Қоида	131a	432
		باب فَعْلَلَالٍ مَسْكَنَةَ الْعَيْنِ فِي حَرَكَاتِهِ (Нашрда: فَعْلَلَلَّ)		«ъ»и суқунланган турли ҳаракатли фаълала:лал (нашрда: фаълалал) боби.	1316	433
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	1326	435
		أبواب السداسي		Олти ҳарфли [исмлар] боблари	1326	435
		باب فَعْلَعَلَّ فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаъалғалал боби	1326	435
		باب السباعي		Етти ҳарфли [исмлар] боби	1326	436
Пб	كتاب الأفعال منه Нашр - да: من السالم			Унинг (нашрда: тўғри [сўзлар]дан) феъллар китоби	1326	3
		باب الثنائي		Икки ҳарфли [феъллар] боби	1326	3
			العلة	[Қоида].	1456	18
		أبواب الثلاثي		[Уч ҳарфлилар боби]	153a	59
		باب فَعْلَدِي مَتَحَرِّكَ		Ўртаси турли ҳаракатли фаълди:	153a	59

		الحشو في حركاته		боби		
			العلة	Қоида.	163a	90
			العلة	Қоида.	169a	109
			العلة	Қоида.	173б	125
			العلة	Қоида.	174a	127
		أبواب الرباعي		Тўрт ҳарфлилар боблари	176б	134
		باب فَعْلَلْدِي مَسْكَنَة العين و اللام في حركاته		«ъ»си суқунланган ва «л»си турли ҳаракатли фаълалди: боби	176б	134
			العلة	Қоида.	183a	156
			العلة	Қоида.	190a	177
			العلة	Қоида.	192б	187
			العلة	Қоида.	197a	201
			العلة	Қоида.	197б	204
		أبواب الخماسي		Беш ҳарфли [феъллар] боблари.	198a	204
		باب فَعْلَلْدِي متحرك الحشو في حركاته		Ўртаси турли ҳаракатли фаълалди: боби	198a	204
			العلة	Қоида.	199a	
			العلة	Қоида.	201a	
		أبواب السداسي		Олти ҳарфли[лар] боблари	201a	215
			العلة	Қоида.	203 a	223
III a	كتاب المضاعف			Икки ундоши бир хил бўлган [сўзлар] китоби	203б	225
		أبواب الثلاثي		Уч ҳарфли [исмлар] боблари.	204б	227
		باب فَعْل متحرك الحشو في حركاته		Ўртаси турли ҳаракатли фаъл боби	204б	227

			المثال منه	Ундан «в», «й» товуши билан бошланган [исм]лар	205a	230
		أبواب الرباعي		Тўрт ҳарфли [исм]лар боблари.	205б	230
		باب فَعْلَال في حركاته		Турли ҳаракали фаъла:л боби	205б	230
		باب الخماسي على فَعْلَعَل		Беш ҳарфли [исмлар]нинг фаъалъал боби	206a	232
			الغنة منه	Ундан бурун товуши бор [исмлар]	206a	233
III б	كتاب الأفعال من المضاعف			Икки ундоши бир хил бўлган феъллар китоби.	206a	234
		باب الثنائي		Икки ҳарфли [феъллар] боби.	206a	234
			العلة	Қоида.	206a	234
			العلة	Қоида.	207б	236
		أبواب الثلاثي		Уч ҳарфли [феъллар] боблари.	208a	240
		باب فَعْلَدِي متحرك الحشو في حركاته		Ўртаси турли ҳаракатли фаъалди: боби	208a	240
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	211б	203
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	211	254
			المنقوص منه	Унинг ўртаси алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [феъллар]и	214a	262
			الغنة منه	Унинг бурун товуши бор [феъллар]и	214a	262

		المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	2146	263
		أبواب الرباعي	Тўрт ҳарфли [феъллар] боблари	2146	263
		باب فَعْلَانَدِي	Фаъланди: боби	2146	263
		من المضاعف السحيحة	Алиф, ва:в ёки йа:’си йўқ икки ундоши бир хил бўлган [феъллар]	2196	278
		نوع آخر منه	Унинг бошқа тури	2196	278
		المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	2196	278
		و نوع منه	Ва унинг бир тури	221a	282
		المنقوص منه	Унинг ўртаси алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [феъллар]и	221a	287
		الغنة منه	Унинг бурун товуши бор [феъллар]и	221a	287
		المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	2216	289
		العلّة	Қоида.	2216	289
IV a	كتاب الأسماء من المثال		«В» ёки «й» товуши билан бошланган исмлар китоби	223a	2
		باب الثنائي	Икки ҳарфли [исмлар] боби	223a	2
		أبواب الثلاثي	[Уч ҳарфлилар боблари]	224a	5
		باب فَعْل و فَعْل و فِعْل مسكّنة الحشو	Ўрта [ҳарфи] суқунланган фаъл, фуъл, фиъл боби	224a	5
		باب فَعْل و فَعْل و فِعْل متحرّك الحشو	Ўртаси ҳаракатланган фаълал, фаълул, фаълил боби	224a	6

			و نوع آخر	Ва бошқа тури	2276	17
			و من المطوي	Ва икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган [исмлар]	2276	17
			و نوع آخر	Ва бошқа бир тури	228a	19
		باب فَعَّل		Фаълал боби	228a	20
		باب فَوَعَلَ		Фавълал боби	228a	20
		باب فَعَال فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаъа:л боби	2286	20
		باب فَعْلِي مَسْكُونَةُ الْحَشْوِ		Ўртаси суқунланган фаъли: боби	229a	22
			المطوي منه	Ундан икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган [исмлар].	230a	26
		باب فَعَالِي فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаъа:ли: боби	230a	26
		باب فَعْلَان فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаъла:н боби.	2306	27
		باب فَعِيلَان		Фаъи:ла:н боби	2306	28
		باب فَعْنِي		Фаъанли: боби.	2306	28
		أبواب الرباعي		Тўрт ҳарфли [исмлар] боблари	2306	29
		باب فَعَّلَ وَ فَعَّلَنَ فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаълал ва фаъла:н боби	2306	29
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	2326	35
		باب فَعَالِل		Фаъалил боби	2326	35
		باب فَعَّلُوا		Фаъаллу: боби	233a	36
		أبواب الخماسي		Беш ҳарфли [исмлар] боблари	233a	36
		باب فَعَّلَل فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаълалъал боби	233a	39
			العلة	[Қоида].	2336	39
		باب فَعَّلَعَان فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаълалъа:н боби.	234a	39

			المطوي منه	Унинг икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган [исмлар]и	2346	41
		باب فَعَلَّلَ فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаълалал боби	2346	42
			و من النوع الآخر	Ва бошқа турдагиси.	2346	42
		باب السداسي منه		Унинг олти ҳарфли [исмлар] боби	2346	42
IV б	كتاب الأفعال منه			Унинг феъллар китоби	235a	44
		باب الثنائي منه		Ундан икки ҳарфли [феъллар] боби.	235a	44
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	2366	49
		باب الثلاثي على فَعَلْدِي متحرك الحشو في حركاته		Уч ҳарфлиларнинг ўртаси турли ҳаракатли фаълалди: боби	2366	49
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [феъллар]и	2396	59
			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа тури	2406	61
			و من المعتل العجز	Ва охири алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган [феъллар].	2406	61
		أبواب الربائي		Тўрт ҳарфли [феъллар] боблари	242a	66
		باب فَعَلْدِي مسكنة العين في حركاته		«ъ»си суқунланган турли ҳаракатли фаълалди: боби	242a	66
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	243a	70
			العلّة	Қоида.	2456	75
			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа тури	245a	75

			العلة	Қоида.	2456	75
			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа тури	245a	75
			العلة	Қоида.	2456	79
		أبواب الخماسي		Беш ҳарфли [феъллар] боблари.	246a	79
		باب فَعْلَعُلْدِي		Фаълалди: боби	246a	79
			السداسي منه	Унинг олти ҳарфли [феъллари]	2466	81
Va	كتاب ذوات الثلاثة			Қисқа унли сифатида ўқиладиган алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари бор [исмлар] китоби	247a	83
		باب الأسماء الثنائية		Икки ҳарфли исмлар боби.	247a	83
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	247a	83
		باب فُعْل و فَعْل و فِعْل مسكنة العين في حركاته		Ўртаси суқунланган турли ҳаракатлардаги фуъл, фаъл, фиъл [вазнидаги исмлар] боби	2476	84
			المطوي منه	Унинг икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган [исмлар]и.	253a	103
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	253a	104
		باب فِعْل متحرك الفاء و العين من ذوات الواو		Ва:в [ҳарфи] қўшилган «ф» ва «ъ»си ҳаракатли фиъл боби	254a	107
			و من المعتل العجز	Ва охири алиф, ва:в ёки йа:’ билан тугаган [исмлар].	2576	118
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и.	2576	118

			و نوع آخر	Ва бошқа бир тури	258a	120
			العلة	Қоида.	258a	121
			و مما جاء على أصل فعل من الواو	Ва унинг феълнинг ўзагида ва:в келган [исмлар]и	258б	122
			و مما جاء بالياء منه	Ва унинг йа:’ билан келган [исмлар]и.	259a	124
			المطوي منه	Унинг икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган [исмлар]и.	260a	127
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	260a	128
			أبواب الزيادات	Қўшимчалар боблари	260б	128
			باب فاعل	Фа:ъал боби	260б	128
			باب فعال	Фаъа:л боби	260б	128
			باب فَعْلَى فِي حركاته	Турли ҳаракатли фаъла: боби.	260б	129
			باب فَعَالُو فِي حركاته	Турли ҳаракатлардаги фаъа:лу: [вазнидаги сўзлар] боби	261a	130
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [сўзлар]и	261a	131
			باب فَعْلَان	Фаъла:н боби	261a	131
			باب فَيَعْل فِي حركاته	Турли ҳаракали файъал боби.	261б	132
			باب فَعَالِل فِي حركاته	Турли ҳаракатли фаъа:лил боби	261б	133
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [сўзлар]и.	262a	133
			أبواب الخماسي	Беш ҳарфли [сўзлар] боблари.	262a	134
			باب فَعْلَعَل فِي حركاته	Турли ҳаракатли фаъалъал боби	262a	134

			و تَمَّا سَكَنَتْ عَيْنُهُ	Ва «ъ»и сукун олган [сўзлар]	262a	134
			و نَوْعٌ مِنْهُ	Ва унинг бир тури	262a	135
			السِّدَّاسِيُّ مِنْهُ	Унинг олти ҳарфли [сўзлари]	262a	135
V ب	كتاب الأفعال منه			Унинг феъллар китоби	262б	136
		باب الثَّنَائِي		Икки ҳарфли [феъллар] боби.	262б	136
			المِثَالُ مِنْهُ	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	263б	139
		باب الثلاثي على فَعَلْدِي في حركاته		Уч ҳарфли [феъллар]нинг турли ҳаракатли фаълалди: боби	263б	140
			المِثَالُ مِنْهُ	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	265a	144
		باب الرباعي على فَعَلْلُدِي في حركاته		Тўрт ҳарфли [феъллар]нинг турли ҳаракатли фаълалди: боби	265a	144
			و نَوْعٌ آخَرٌ مِنْهُ	Ва унинг бошқа тури	266a	147
		باب الخماسي و تَمَّا جَاءَ على الأَصْلِ		[Беш ҳарфли феъллар боби]. Негизи беш ҳарфлилар	266a	148
			العَلَّةُ	Қоида	266a	149
			و نَوْعٌ مِنْهُ	Ва унинг бир тури	266б	150
			العَلَّةُ	[Қоида].	267a	151
			المِثَالُ مِنْهُ	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	267б	152

		باب السداسي منه		Унинг олти ҳарфли [феъллар] боби.	2676	153
VI a	كتاب ذوات الأربعة من الأسماء			Алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган исмлар китоби	268a	158
			الثنائية	Икки ҳарфли [исмлар].	268a	158
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	270a	161
		باب فَعَلَ و فَعُل و فَعِل متحرك الحشوي في حركاته		Ўртаси турли ҳаракатли фаъл, фаъл, фаъл боби.	2706	162
		باب فاعِل في حركاته		Турли ҳаракатли фа:ъл боби	2756	179
		باب فَعَال في حركاته		Турли ҳаракатли фаъа:л боби.	2756	180
		باب فَعْلَى في حركاته		Турли ҳаракатли фаъла: боби.	2756	181
		باب فَعْلَال في حركاته		Турли ҳаракатли фаъла:л боби	2756	181
		باب الخماسي		Беш ҳарфли [исмлар] боби	2766	183
			السداسي منه	Унинг олти ҳарфли [исмлар]и	2766	183
		باب فَعُولِي		Фаъу:лли: боби	2766	184
		باب فَعْلَل		Фаълала:л боби	2766	184
VI б	كتاب الأفعال منه			Унинг феъллар китоби	2766	185
		باب الثنائي		Икки ҳарфли [феъллар] боби	2766	285
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	277a	187
			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа тури	277a	187

			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа тури	277a	188
		باب الثلاثي على فَعْلَدِي متحرّك الحشوي في حركاته		Ўртаси турли ҳаракатли фаълалди: боби	278a	189
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	283a	205
		أبواب الرباعي		Тўрт ҳарфли [феъллар] боблари	283a	205
		باب فَعْلَدِي مسكّنة الحشو في حركاته		Ўртаси ҳаракатсиз турли ҳаракатли фаълалди: боби	283a	205
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	288б	224
			المنقوص منه	Унинг ўртаси алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [феъллар]и	290б	229
			العلة	Қоида	290б	237
		باب فَعْلَادِي و فَعْلَوَادِي و فَعْيِلَادِي في حركاته		Турли ҳаракатли фаъа:ла:ди:, фаъу:ла:ди:, фаъи:ла:ди: боби.	293a	238
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	294a	241
			المنقوص منه	Унинг ўртаси алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [феъллар]и	294б	242
			العلة	[Қоида].	294б	243
		أبواب الخماسي		Беш ҳарфли [феъллар] боблари	295a	244
		باب فَعْلَعَادِي متحرّك العين في حركاته		«ъ»и ҳаракатланган турли ҳаракатли фаълға:ди: боби.	295a	244
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	297a	253

			العلة	Қоида.	2976	256
		باب الخماسي على فَعْلَعْلَادي في حركاته		Беш ҳарфли [феъллар]нинг турли ҳаракатли фаълаъла:ди: боби	299a	259
			و نوع آخر منه	Ва унинг бошқа тури	299б	260
VI Ia	كتاب الغنة			Бурун товуши бор [исмлар] китоби.	300a	262
		باب الأسماء الثنائية		Икки ҳарфли [исмлар] боби.	300a	262
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	301б	267
		[ أبواب الثلاثي ] باب فَعْل و فَعْل و فَعْل في حركاته		[Уч ҳарфли исмлар боблари]. Турли ҳаракатли фаъл, фаълул, фаълил боби	301б	268
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [исмлар]и.	302б	271
			ذوات الأربعة	Алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўкиладиган [исмлар].	303a	272
			و من المطوي	Икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган [исмлар].	303a	272
			الغنة الأخيرة	Охири бурун товуши бўлган [исмлар].	303a	273
			الغنة الجيمية	«Жи:м»ли бурун товуши (нч) бор [исмлар]	304a	276
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	304б	277
			ذوات الأربعة	Алиф, ва:в, йа:’	304б	277

				харфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [исмлар].		
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	3046	277
		باب فَعَال		Фаъа:л боби.	3046	278
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	3046	278
		باب فَعَلَى فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаракатли фаъла: боби	3046	278
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	3056	280
		باب فَعَالُو		Фаъа:лу: боби.	3056	281
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	3056	282
		أبواب الرباعي		Тўрт ҳарфли [исмлар] боблари	3056	282
		باب فَعَّلَ وَ فَنَعَلَ فِي حَرَكَاتِهِ		Турли ҳаркатли фаълал, фанълал боби	3056	282
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	306а	284
			الغنة منه	Унинг бурун товуши бор [исмлар]и	3066	285
			المنقوص منه	Унинг ўртаси «в» ёки «й» товуши бўлган [исмлар]и.	3066	286
			الجميمة منه	Ундан «жи:м»ли [исмлар]и.	307а	286
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	307а	286

		باب فَعَلُّو		Фаъаллу: боби.	307a	287
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	307a	287
			الحماسي منه على فَعَلال في حركاته	Беш ҳарфли [исмлар]нинг турли ҳаракатли фаъла:ли [фасли]	307a	287
			الغنة الأخيرة	Охири бурун товуши бўлган [исмлар].	307a	287
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и	307a	287
			و نوع منه	Ва унинг бир тури.	307a	288
			السداسي منه	Унинг олти ҳарфли [исмлар]и	307a	288
VI I6	كتاب الأفعال منه			Унинг феъллар китоби	3076	289
		باب الثنائي		Икки ҳарфли [феъллар] боби	3076	289
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	3076	290
		باب الثلاثي على فَعَلدي متحرك الحشو		Беш ҳарфли [феъллар]нинг ўртаси ҳаракатланган фаъалди: боби.	308a	290
			المضاعف	Икки ундоши бир хил бўлган [феъллар].	3086	293
			ذوات الأربعة	Алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [феъллар]	3086	293
			اللفيف	Унинг иккита алиф, ва:в, йа:’ бўлган	309a	294

				[феъллар]и.		
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	309a	295
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	309б	296
		باب فَعْلَادي في حركاته		Турли ҳаракатлардаги фаъла:ди: [вазнидаги феъллар] боби	309б	296
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	310a	298
		باب فَعْيَلاادي في حركاته		Турли ҳаракатли фаъи:ла:ди: боби	310a	298
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	310б	299
			و نوع منه	Ва унинг бир тури.	310б	300
			الحماسي منه	Унинг беш ҳарфли [феъллар]и	310б	300
			ذوات الأربعة منه	Унинг алиф, ва:в, йа:’ ҳарф-лари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [феъллар]и.	311a	301
			الحماسي منه	Унинг беш ҳарфли [феъллар]и	311a	302
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [феъллар]и	311б	302
VI IIa	كتاب الجمع بين السالكين			Ёнма-ён келган ҳаракатсизлар китоби	311б	304
		باب الأسماء		Исмлар боби	311б	304
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	311б	304
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	313a	308

		السداسي منه		Унинг олти ҳарфли [исмлар]и	313a	309
VI IIб	الأفعال منه			Унинг феъллари	313б	309
			الرباعي منه	Унинг тўрт ҳарфли [феъллар]и	314a	312
			العلّة	Қоида.	314a	312
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [исмлар]и	314a	313
			الأفعال منه	Унинг феъллари	314б	313
			الرباعي منه	Унинг тўрт ҳарфли [феъллар]и	315a	315
			العلّة	Қоида.	316a	318
			المثال منه	Унинг «в» ёки «й» товуши билан бошланган [исмлар]и.	316a	319
			المضاعف منه	Унинг икки ундоши бир хил бўлган [исм]и	316a	319
			و نوع منه	Ва унинг бир тури	316a	319
			المعتلّ العجز	Охири алиф, ва:в, ёки йа:’ бўлган [исмлар]и	316a	319
			الأفعال منه	Унинг феъллари	316a	320
			الثلاثي منه	Унинг уч ҳарфли [феъллар]и	316б	321
			الرباعي منه	Унинг тўрт ҳарфли [феъллар]и	316б	322
			نوع آخر	Бошқа тури.	317a	322
			المنقوص منه	Ўртаси алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган [исмлар]	317a	323
			الرباعي منه	Унинг тўрт ҳарфли [исмлар]и	317a	323
			الأفعال منه	Унинг феъллари	317a	323
			ذوات الأربعة	Алиф, ва:в, йа:’	317б	335

				харфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [исмлар]		
			و نوع منه	Унинг бир тури	318a	326
			الأفعال منه	Унинг феъллари	318a	326
			العلّة	Қоида	318a	328
			ذوات الأربعة	Алиф, ва:в, йа:’ харфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўқиладиган [исмлар]	318б	329
			الغنة الجيمية	«Жи:м»ли бурун товуши (нч) бор [исмлар]	319a	330
			الأفعال منه	Унинг феъллари	319a	331

### III БОБ. Маҳмуд Кошғарийнинг лингвистик атамалари

#### 3.1. Маҳмуд Кошғарийнинг атама соҳасидаги ижодкорлиги

Буюк олим Маҳмуд Кошғарий ўзининг машҳур «Девану луғати-т-турк» ва ҳозирча топилмаган «Жаваҳиру-н-наҳв фи луғати-т-турк» номли асарлари билан умуман тилшуносликка ва хусусан, туркийшуносликка асос солди. Тилшуносликда биринчи бўлиб тарихий-қиёсий услубни қўллаган тилшунос ҳам Маҳмуд Кошғарийдир.

Маҳмуд Кошғарийнинг тушунча ва атамаларга оид илмий ижодкорлиги туркий тилларнинг ўзига хос ҳодисаларини тавсифлашда намоён бўлган. Табиийки, لسان (тил), لغة (тил, сўз), أصل (ўзак), ميني (туб), مشتق (ясама), أمر (феълнинг буйруқ майли), ماضي (ўтган замон), مضارع (ҳозирги-келаси замон), إبدال, مصدر (метатеза) каби ҳамма тиллар учун умумий бўлган тушунчаларни билдирувчи атамалар Маҳмуд Кошғарийгача ҳам мавжуд ва машҳур эди.

Маҳмуд Кошғарий туркий тил бирликлари ва ҳодисаларини таърифлаш ва аташни уч турли йўл билан амалга оширган. Биринчи йўл арабий атамага туркий маъно беришдан иборат. Бу йўл моҳият жиҳатдан бир хил бўлиб, ҳажман ёки шаклан бир-биридан фарқ қиладиган ҳодисаларга нисбатан ишлатилади. Бу ҳолда олим атаманинг луғавий маъносига асосланади. Масалан, араб фонетикасида «ишба:ъ» атамаси ҳаракатнинг ўз жинсдоши бўлган ҳарф даражасида, фатҳанинг *алиф*, дамманинг *ва:в*, касранинг *йа:* даражасида талаффуз қилиниши тушунилади. Маҳмуд Кошғарий бу атамани туркий унлиларнинг тилорқа талаффузига нисбатан ишлатади. Араб талида «а»ни «а:», «у»ни «ув», «и»ни «ий» деб талаффуз қилиш ва туркийда «а», «у», «и» унлиларини тил орқасида, яъни қалин қилиб талаффуз қилиш турли фонетик ҳодисалар. Аммо моҳият жиҳатдан булар бир хил, чунки ҳамма ҳолда унли тўйинтирилади. «Ишба:ъ»нинг луғавий маъноси «тўйдириш», «тўйинтириш» бўлгани учун Маҳмуд Кошғарий унга янги туркий маъно берган.

Иккинчи йўл мавжуд арабий атамага сифат орттиришдан иборат. Масалан, «Девану луғати-т-турк»да араб тилида мавжуд бўлмаган товушларга нисбатан *صلاية* (қаттиқлик), *رکة* (юмшоқлик), *بين مخرجين* (икки махраж оралиғи) атамалари ишлатилган. «Махраж» атамаси талаффуз ўрни ва талаффуз усулини ўз ичига олади. «Қаттиқлик» замонавий тилшуносликда «жарангсизлик»ка, «юмшоқлик» «жаранглилик»ка тўғри келади. Ғарб

тилшуносларининг баъзилари ҳозир ҳам мазкур атамаларни Маҳмуд Кошғарий қўллаган тарзда, аммо ўз тилларига таржима қилиб ишлатадилар.

Учинчи йўл мазкур икки йўлдан фойдаланиб бўлмайдиган ҳолда янги атамалар яратишдан иборат. Масалан: قاني «қа:фий» ва كافي «ка:фий» шундай атамалардан. Туркий тилларда сингармонизм (товуш уйғунлиги) билан боғлиқ қалинлик ва ингичкалик бор. Маҳмуд Кошғарий қалин ўзак ва кўшимчаларни «қа:фий» деб, ингичкаларини «ка:фий» деб атайди, чунки «қ» товуши ўзининг жарангли жуфти «ғ» билан фақат йўғон сўз ва унинг формаларида, «к» эса ўзининг жарангли жуфти «г» билан фақат ингичка сўз ва унинг формаларида учрайди. Маҳмуд Кошғарийнинг мазкур атамаларидан Маҳдийхон ҳам ўзининг «Санглоҳ» асарида (130) фойдаланган.

### 3.2. «Луға» ва «лиса:н» атамалари

«Луға» (لغة) сўзи араб тилида «сўз» ва «тил» маъносида ишлатилади. «Тил» маъносида, асосан, «ал» аниқлик артикли олган ҳолда тилнинг маъносини билдирувчи сўз билан биргаликда қўлланади. Масалан:

اللغة العربية (араб тили)

اللغة الفارسية (форс тили).

Бу ҳол Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк»ида «луға» атамасининг «лиса:н» атамасидан фарқланмаслигига сабаб бўлган. Натижада «луға» атамасининг «сўз» маъносида ишлатилган ҳоллари ҳам айрим олимларнинг «лахжа» ёки «тил» деб тушунишларига олиб келган. Хусусан, буни «Девану луғати-т-турк» асари номининг таржималаридан кўришимиз мумкин. Бу атама туркча таржимада «тил» (121,3), тибқи босимнинг иккинчи нашри ва инглизча таржимада «лахжа» (127,71), ўзбекча нашрда «сўз», «луғатлари-тиллари» (58, 44) деб ўгирилган. Академик А.Н. Кононов (41,3) «тил» деб таржима қилишни энг маъқули деб ҳисоблайди.

Бу асардаги «луға» атамасининг маъносини билиш учун Маҳмуд Кошғарийнинг ўзига мурожаат қилиш ҳамда «лиса:н» ва «луға» атамаларининг қайси маънода ишлатилганини кўриб чиқиш лозим.

Маҳмуд Кошғарий асарнинг турк тилларига бағишланган фаслида «тил» маъносида «лиса:н» атамасидан фойдаланган. У бу фаслни шундай деб атайди:

القول في بيان السن الترك (134,29), яъни «Турк тиллари ҳақида сўз».

Бу фаслда яна шундай ибора ва жумлалар бор:

تعلموا لسان الترك - яъни «турклар тилини ўрганингиз».

لا يعرف لسانهم (134,29), яъни «уларнинг тили маълум эмас».

إلا لسانا واحدا (134,29), яъни «бир тилдан бошқа».

Фикримизча, Маҳмуд Кошғарий «тил» маъносида асосан «лиса:н» атамасини қўллаган бўлса, нутқда қайтариқдан қочиш учун «луға» атамасидан ҳам фойдаланган. Масалан:

لتبت لسان على حدة وكذلك لحن كتابة و لغة على حدة (134,29).

Яъни «тубутларнинг тиллари алоҳидадир, шунингдек, хўтанларнинг алоҳида бир ёзуви ва тили бор».

يقرب لسان بياك و بشغرت من لغة هؤلاء (134,30).

لا يغير لسان تركية محضة و لغة أخرى مما يتكلمون بها فيما بينهم (134,30).

Яъни «уйғурларнинг тиллари соф туркчадир, уларнинг ўзаро сўзлашадиган бошқа тили бор».

Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий бу асарда туркий сўзларга изоҳ берганда унинг қайси тилга мансублигини айтиб ўтиш учун ҳам «луға» атамасидан кенг фойдаланади. Масалан:

بلغه جكل - чигил тилида

بلغه الغزية - ўғуз тилида

في لغة قفجاق - кипчоқ тилида каби изофа ҳолатидаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу асардаги туркча «тил» сўзига Маҳмуд Кошғарийнинг берган изоҳини кўрайлик:

تيل – اللغة. يقال منه «أبغر تبلي» اى لغة أبغر. «ختاي تبلي» اى لغة الصين.

(134, 97-бет)

تل – اللغة. يقال «اغوز تلي» اى لغة الغزية. «بباقو تلي» اى لغة بباقو.

Демак, Маҳмуд Кошғарий «луға» атамасини қуйидаги ҳолларда «тил» маъносида қўллаган:

- исмий жумлада от кесим вазифасида келганда;

- «би» ва «фи» олд кўмакчилари билан ёки уларсиз музоф илайҳ вазифасида келганда.

Шуни ҳам айтиш керакки, Маҳмуд Кошғарий бу маънони фақат биргина тил ёки лаҳжага нисбатан қўллаган.

Муаллиф асарда «луға» атамасини яна шундай ҳолларда қўллаганки, уни «тил» деб таржима қилиш матн мазмунига тўғри келмайди. Бу сўзнинг бошқа маънолари тўғрисида араб тилининг изоҳли луғати ва энциклопедияси «Ал-мунжид»да қуйидаги маълумотлар келтирилган:

رَبَّما كانت لفظة لغة مأخوذة من لفظة لوغوس اليونانية و معناها كلمة (133,726).

(«Луға» юнонча «луғус» сўзидан олинган бўлиши мумкин, унинг маъноси «сўз»дир»).

Агар бу тахмин тўғри бўлса, у юнон тилидан араб тилига ўтган ва унинг асосий маъноси «сўз» бўлган.

Бу тахминга асосланган ҳолда Маҳмуд Кошғарий асаридаги қуйидаги мисолларга эътибор қиламиз:

فإني أكتب الصميم من اللغة - على أصل اللغة اللام والقاف (134,422), яъни «сўз ўзагида «л» ва «қ».

(134,14) هذه الغين و الكاف في هذه اللغة بمنزلة الميم التي تلحق في أوائل الأفعال في العربية «бу сўздаги «ғ» ва «к» арабчада феъллар олдида қўшиладиган (қурол номи ясовчи) «м»га ўхшайди».

Кўриниб турибдики, бу мисоллардаги «луға» атамасини «тил ўзагидаги», «тилдаги» деб таржима қилиб бўлмайди, балки «сўз» дейиш ўринлидир. Бу маънода «луға» атамаси музоф вазифасида ёки кўрсаткич олмошидан кейин аниқ ҳолатда келяпти. «Мин» олд кўмакчисидан кейин аниқ ҳолатда ҳам шу маънода келган. Масалан:

فإني أكتب الصميم من اللغة ... (134,33)

яъни «мен энг тўғри сўзнигина ёзаман...»

Шунингдек, «луға» атамаси туркий сўзларнинг арабча изоҳида ноаниқ ҳолатдаги эга вазифасида ҳам «сўз» маъносида ишлатилган. Масалан:

لغة قرلقية (134,53)

لغة في بير (134,47) кабилар.

Демак, бу асардаги «луға» атамаси қуйидаги ҳолларда «сўз» маъносида келган:

- музоф вазифасида ва هذه «ҳазиҳи» кўрсаткич олмоши ва «мин» олд кўмакчисидан кейин аниқ ҳолатда;

- исмий жумла таркибида ноаниқ ҳолатда келган эга вазифасида келганда.

Маҳмуд Кошғарий «луға» атамасининг кўплиги «луға:т» сўзини ҳам кўп қўллаган. Лекин юқорида айтганимиздек, таржималарда гоҳ «сўзлар», гоҳ «лаҳжалар», гоҳ «луғат» тарзида учратамиз. Жумладан, асарнинг номи ўзбекча таржимада «Туркий сўзлар девони» деб номланган. Лекин матннинг таржимасида (134,3) وضعت كتابي هذا مستعينا بالله تعالى موصفاً بديوان لغات الترك... «Худога сиғиниб бу китобни туздим. Китоб ديوان لغات الترك «Девану луғати-т-турк» («Туркий тиллар луғатлари-қомуси») деб аталди» (58,44) дейилган. Натижада таржимада бир ном икки хил маънода берилган.

Бошқа мисоллар орқали «луға:т» атамасининг маъносини ойдинлаштиришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Бу асарда бир фасл  
القول في الحروف التي بنيت عليها اللغات (134,4).

яъни «Сўзлар ҳосил қилинадиган ҳарфлар ҳақида» деб номланган. Агар «тиллар ҳосил қилинадиган» дейилса, мантиқ бўлмайди. Ёки:

تشبيها في البناء بلغات العرب (134,22)

жумласини олайлик. «Араб тиллари» ёки «араб лаҳжалари» десак, у ҳолда «араб» сўзи «луға:т»га нисбатан сифат-мавсуф бўлиши керак, яъни باللغة العربية

Демак, «араб лаҳжалари» эмас, «араб сўзларининг тузилишига мувофиқ» десак тўғри бўлади.

«Луға:ту-т-турк» иборасига нисбатан ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Чунки Маҳмуд Кошғарий «тиллар» маъносида «алсун» атамасини кўллаган, масалан:

السن الترك - турк тиллари.

«Девану луғати-т-турк»даги «луға:т» атамаси «сўзлар» маъносида келганига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин: اقتبست لغاتهم و قوافيهم (134,3) жумласи ўзбекча таржимада қуйидагича берилган: «Луғатларни тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим» (58,60). Бу ерда «луға:т» сўзи ўзгаришсиз сақланган. Агар «тилларини тўпладим» дейилса, мантиқ бузилади. Демак, асар муаллифи «сўзларини тўпладим» демоқчи. Яна бир мисол:

لم نورد في أثناء اللغات واو النسق لانه لا مدخل له في هذه اللغة (134,22)

Ўзбекча таржима: «Биз ўз асаримизда вау воуи отифа (боғловчи «ва»ни кўрсатмадик, чунки унга бу тил (туркий тил)да ўрин йўқ».

Бу парчада اللغات «ўз асаримизда» деб таржима қилинган, яъни «луға:т» сўзи «Девану луғати-т-турк»нинг қисқа шакли деб тушунилган. Ваҳоланки, бу ерда Маҳмуд Кошғарий «сўзлар» демоқчи. Агар китобнинг номи назарда тутилганда, фикримизча, Маҳмуд Кошғарий ушбу мақсадда «девон» ёки «китоб» сўзини қўллашни маъкул кўрган бўларди. Демак, таржимада «Биз сўзлар орасида боғловчи «ва»ни кўрсатмадик, чунки у бу тилга кирмайди» дейилса, тўғри бўлади.

Маҳмуд Кошғарийнинг бу асаридаги «лиса:н» ва «луға» атамаларининг қўлланиши ҳақида хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

- асарда «тил» маъносида, биринчи навбатда, «лиса:н» атамаси ишлатилган;

- «луға» атамаси гапдаги ўрнига қараб айрим ҳолларда «тил», айрим ҳолларда «сўз» маъносида келган;

- унинг кўплик шакли «луға:т» эса «сўзлар» маъносини англатади, жумладан, асарнинг номида ҳам.

Шундай қилиб, Маҳмуд Кошғарий ўзининг асарини «Туркий сўзлар девони» деб атаган.

### 3.3. «Ишба:ъ» атамаси

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк»идаги мунозарали атамалардан яна бири إشباع «ишба:ъ» атамасидир. «Ишба:ъ» арабча сўз бўлиб, IV боб أشع – «ашбаъа» (тўйдирмоқ) феълининг масдаридир. Араб фонетикасида «ишба:ъ» деганда ҳаракатларнинг ўз жинсдошидаги ҳарф даражасида талаффуз қилиниши тушунилади: фатҳанинг алиф даражасида, дамманинг ва:в даражасида ва касранинг йа:й даражасида (137, «ишба:ъ» моддаси).

Туркийшунослар орасида «ишба:ъ» атамасининг талқини ҳақида турли фикрлар мавжуд. А.К. Боровков «ишба:ъ» атамасини унинг луғавий маъносидан келиб чиқиб «тўйинган» («насыщенный») (18,12-13), А.М. Шчербак «унлининг аниқ талаффузи» (104,257), З.А. Умаров (80, 90) ва Х. Расулова (73) «қаттиқ талаффуз» деб изоҳлашган. Аммо Мирза Муҳаммад Хойининг «Хулāса-йе ‘Аббāси» (34) ва бошқа қатор луғатшунослар асарларида (81,19; 84,45) бу атама, аксинча, ингичка ёки тор фонемаларга нисбатан қўлланиши қайд қилинган.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк»идаги إشباع атамаси ҳақида кошғарийшуносларнинг фикрларини кўриб чиқамиз. Бу атама ўзбекча таржимада «қаттиқ, қалин» деб ўгирилган. Масалан, Маҳмуд Кошғарийда:

ابا – بإشباع الألف. الدبّ. بلغة قفجاق. (134, 80)

Ўзбекчада: аба - (қалин *a* билан) айиқ (қипчоқча) (58,113).

Маҳмуд Кошғарийда:

ات – الفرس. بإشباع الالف. (134,37)

Ўзбекчада: ат - (қаттиқ талаффуз қилинадиган *ф* билан) от (58, 70).

Туркча таржимада «тўқ», «қалин» деб аталган. Масалан, юқоридаги мисолларнинг туркча таржимаси қуйидагича:

Aba: (الف kalin soylenerek). Ау1. К1рсақча. (121, 86)

At: (الف tok okunarak). At. (121, 34)

Инглизча таржимада арабча шакли ўзгаришсиз сақланган, яъни with *išbā'* (127, 28,31,50,...). Бу таржиманинг сўз бошида «ишба:ъ» атамасига шундай тавсиф берилади: ишба:ъ сўз ўртасидаги унлининг просодик чўзилишини билдиради. Маҳмуд Кошғарий ишба:ъ таъсирида икки ҳарфли талаффузда уч ҳарфли бўлиб кўриниши мумкин деб, *барди – ба:рди, турди-ту:рди* (иккиламчи чўзиқлик) мисолларини келтирганда бу атаманинг бирламчи маъноси сақланган, бироқ бошқа ўринларда «ишба:ъ» веляризацияни ёки аниқроғи муайян ўзакнинг *бар-*, *тур-* каби орқа қатор товушли кўшимчани талаб қилишини, яъни бу ўзаклар «қ» ва «ғ»ли ўзакларга ўхшашлигини англатиб келган (127-1, 58).

Дарҳақиқат, Маҳмуд Кошғарий бир неча ўринда ишба:ъли ўзаклар ҳам «қ» ва «ғ»ли ўзакларга ўхшашлигини таъкидлайди, чунки «қ» ва «ғ» ўзакли сўзларда ҳам ишба:ъли ўзаклардаги каби олд қатор унлилари бўлмайди. Масалан:

قيا – حرف تصغير في كلمة مشبعة او غينية او قافية. يقال منه «أَعْلَقِيَا» اى بُيِّ.

(136,127)

Яъни: қийа – орқа қатор унлили, «қ»ли ва «ғ»ли сўзлардаги кичрайтириш кўшимчасидир. Дейилади: ўғулқийа, яъни ўғилча.

في زاد على حرف الأصل «الغين و اللام و الياء» في الكلمة القافية او المشبعة.

(135,48)

Яъни: «қ»ли ёки орқа қатор унлили сўзларда ўзакка «ғ», «л», «и» кўшилади.

Маҳмуд Кошғарий «Девану луғати-т-турк»да «ишба:ъ» атамасини айнан араб тилшунослигида қўлланган унлиларнинг чўзиқлиги маъносида эмас, балки йўғон, яъни орқа қатор унлиларга нисбатан қўллаган. Масалан: *аба* (134,80) - айик; *тоз* (136,88) - чанг, ғубор; *туз* (136,103) - туз; *бар-*, *тур-* (135,31) *бор-*, *тур-*. Мисоллардан кўриниб турибдики, ишба:ъ унлиларнинг сифатини эмас, тилнинг ҳолати, аниқроғи, тилнинг орқага тортилишини билдиради (21,531). Ишба:ъли алиф - «а», ишба:ъли *ва:в* - «о», «у» товушларини англатади.

Лекин Маҳмуд Кошғарий лабланмаган тор «и» унли товушга нисбатан бу атамани қўлламайди. Чунки араб тили фонетикаси нуқтаи назаридан келиб чиққанда ишба:ъли «и»нинг талаффузи орқа қатор «и»ни олд қатор товушига айлантиради, яъни «иш-ба:ъ» ҳодисаси товушнинг қаторига таъсир қилади ва сўзнинг ўқилишида чалкашлик келтириб чиқаради. Масалан, *тиш* - тиш; *тыш* - ташқари. Агар шу сўз ишба:ъ билан айтилади десак, араб ўқувчи уни «тийш» деб ўқийди. Юмшоқ ундош товуш «й» таъсирида орқа қатор «и»си олд қатор унлисига айланиб кетади, натижада «тиш»

маъносидаги «тиш» ва ташқари маъносидаги «тыш» сўзларидаги «и» ва «ы» товушлари талаффузда фарқланмай қолади. Демак, «и»га нисбатан «ишба:ъ» атамасининг қўлланиши туркий тилларда кўзланган мақсадни бермас экан, яъни олд қатор унлиси «и»ни орқа қатор унлисига айлантормас экан.

Лабланган тор унли «у» товушининг талаффузида эса бундай ҳодиса юз бермайди, олд қатор «у» товуши ишба:ъли бўлса, яъни араб тили фонетикаси нуқтаи назаридан «ув» тарзида бўлса, «в» ундош товуши «у» унлисининг қаторига таъсир кўрсатмайди, ишба:ъли «у» орқа қатор «у» унли товушига мос келади.

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида «ишба:ъ» атамасидан ташқари шу ўзакдан ясалган «мушбаъатун» атамасидан ҳам фойдаланади ва уни орқа қатор унлилари бор сўзларга нисбатан атама сифатида қўллайди. Масалан:

орқа қатор унлили сўзлар – الكلمة المشبعة

орқа қатор унлили феъллар - الأفعال المشبعة

Демак, Маҳмуд Кошғарий туркий тиллардаги орқа қатор ва олд қатор унлилар араб графикасида бир хил ёзилгани туфайли уларни бир-биридан фарқлаш мақсадида орқа қатор унлиларга нисбатан «ишба:ъ» атамасини қўллаган.

### 3.4. «Има:ла» атамаси

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асарида إمالة «има:ла» ва مال «мума:л» атамалари қўлланган.

Има:ла араб тили фонетикасида алифни йа:й ва фатҳани касра қилиб ўқиш маъносини билдиради (137, «има:ла» моддаси).

Бу атама ҳам мунозарали атамалар жумласига киради. Масалан, З.А. Умаров «Маба:ину-л-луғат» асаридаги «има:ла» атамаси ҳақида «унли товушларнинг торайиши ва торлиги» (80,91) деган. Маҳмуд Кошғарий асаридаги «има:ла» атамасини Т.А. Боровкова (21,531) «ишба:ъ» (тилорқа унлилари) атамасига қарама-қарши қўяди. Мазкур асарнинг ўзбекча таржимасида (58; 59; 60) «има:ла» атамасига чўзиқлик маъносини бериш билан бирга «майллик» деб таржима қилинган. Туркча таржимасида (121; 122; 123) эса «чекма» деб аталган ва тилолди «ө» товуши назарда тутилган. Масалан, Маҳмуд Кошғарийда:

و يقال في حروف الامالة «مَنْ انكرتقار بيردم» اى اىّ قد أعطيت المال. (135,51)

Ўзбекчада: Майллик сўзларда ҳам шундай. «Мән аңар тавар бәрдүм», мен унга мол бердим (59,65).

Туркчада: *Çekmeli (imaleli) kelimelerde «men angar tawar berdüm», ben ona mal verdim»* (122,61).

Ўзбекча таржимада кўпгина ҳолларда «има:ла» атамаси алоҳида таржима қилинмасдан жумладаги «рикка», «раки:к» ёки «ка:фий» атамалари билан умумий қилиб «юмшоқ», «ингичка» деб таржима қилинган. Масалан, Маҳмуд Кошғарийда:

و هو ان يزداد على الأمر «الغين و الالف و النون» في الحرف القافي و الاشباع و «الكاف» مكان الغين في الحرف الكافي و الممال. (135,44)

Ўзбекча таржимада:

Буйруқ шакли охирига қаттиқ «қ»ли сўзларга *-ган* ва юмшоқ сўзлар охирига *-ган* қўшилади (59,57).

Маҳмуд Кошғарийда:

ثم الغين تدخل في الأفعال المشبعة التي لا امالة فيها و لا ركة. (134,13)

Бу жумла ўзидан кейинги: *الكاف تدخل في ضدّها* жумласи билан қисқартирилиб, ихчам ҳолда таржима қилинган:

«ғ» билан «ك» нинг алмашилиш масаласига келганда, қалин сўзларда «ғ» қўлланилиб, унинг зидди ингичка сўзларда «ك» қўлланади» (58,53).

Натижада унли товушларга алоҳида ва ундош товушларга алоҳида қўлланган атамалар умумийлашиб кетган. Бу ҳол «Девану луғати-т-турк» таржимасининг грамматик қисмига хосдир. Агар Маҳмуд Кошғарийнинг «мушба:ъ» атамасини орқа қатор унли товушлари бор сўзларга нисбатан, «има:ла» атамасини олдқатор унлиларга нисбатан ва рикка атамасини кучсиз (жарангсиз) ундошларга нисбатан қўллаганини ҳисобга олсак, мазкур парчанинг таржимаси қуйидагича бўлади: «ғ» олд қатор унлиси (има:ла) ва кучсиз ундоши (рикка) бўлмаган орқа қатор унлили (мушба:ъ) феълларда бўлади.

Туркча таржимада баъзи атамалар арабча шаклда қўлланган. Масалан, юқорида келтирилган мисолнинг туркча шакли шундай:

*Bundan başka ğ kendisinde imâle ve rekiklik olmiyan - tok, kalın soylenen - fullere gelir* (121,13).

«Девану луғати-т-турк»да «тўлов»маъносидаги «сәш» сўзи бор:

سيش – بالامالة. الضمان (136,91)

«Има:ла» атамасининг мазмунини аниқ тушунилмагани сабабли *sâih* (сеш) сўзи туркча таржимада *saies* бўлиши керак дейилган. Ўзбекча таржимада шу фикрга мувофиқ равишда бу сўз *sâihii* деб ўқилган ва «има:ла» сўзини изоҳлаб «имо:ла – товушнинг чўзилишидир» дейилган.

Кўриниб турибдики, «има:ла» атамаси «Девану луғати-т-турк»нинг туркча ва ўзбекча таржимасида бир ерда чўзиқлик, бошқа ерда олд қатор унлилардан «ö» унлиси деб тушунилган.

«Девану луғати-т-турк»да *kāsh* (136,91) - ўқдон, *bār-*, *mār-* (135,51) имолали сўзларда биринчи ундош ҳарф касра билан ҳаракатланган. Фикримизча, мазкур сўзларда касра ўрнида фатҳа бўлган бўлиши керак, бу чалкашлик хаттот томонидан йўл қўйилган хатоликлардан биридир.

Маҳмуд Кошғарийнинг бу сўзларга нисбатан «има:ла» атамасини қўллашдан мақсади, «сәш» сўзидаги каби фатҳага нисбатан олд қатор бўлган «ä» унли товушини талаффуз қилиш лозимлигига ишора қилишдир. Бу унинг туркий тиллардаги товушлар талаффузини аниқ ифодалаб беришда арабча атамалардан ниҳоятда ўринли фойдаланганини кўрсатади. Бунга яна бир мисол келтириш мумкин:

تول – أراغوت. الارملة. (136,197)

Тул – тул хотин

تول – بالامالة. وقت النتاج. (136,197)

Төл – урчиш вақти.

Бу мисолдаги ҳар иккала сўз ҳам араб графикасида ёзилиш жиҳатдан бир хил. Аммо талаффузда биринчи сўз орқа қатор «у» унлиси билан, иккинчи сўз эса биринчи сўзга нисбатан олд қатор бўлган «ö» унлиси билан талаффуз қилинишини тушунтириш мақсадида иккинчи сўзга «има:ла» атамасини қўллаган. Маҳмуд Кошғарий лабланган унлиларга нисбатан «ишма:м» атамасини қўлаган эди. Юқоридаги мисол таркибидаги унлилар ҳам лаблангандир. Лекин Маҳмуд Кошғарий уларга нисбатан «ишма:м» атамасини қўлламаган. Сабаби, орқа қатор унлиси «у» товушига нисбатан ишма:мли «у» лабланган унли «ö» эмас, «у» унли товушидир.

Инглизча таржимада (127) бошқа тилшунослик атамалари каби «има:ла» атамаси ҳам ўзича берилган ва унга, бир томондан, «палатализация», иккинчи томондан, араб тилидаги каби чўзиқ «а»нинг қисқа «и»га айланиши ва қисқа «а»нинг қисқа «и»га айланиши эмас, «ä» деб айтилишидир деб изоҳ берилган.

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида «има:ла» атамасини олд қатор унлиларга нисбатан ишлатган ва «ишба:ъ» атамасига қарама-қарши қўйган. Бу ҳол юқоридаги грамматик қоидалардан келтирилган парчаларда ҳам кўриниб турибди.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асарида «има:ла» атамасининг қўлланиши ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мазкур

атама ўрнига қараб ўрта тор кўтарилишдаги олд қатор унлилари «ö» ва «ä»га нисбатан ишлатилган.

### 3.5. «Ишма:м» атамаси

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асарида тилшуносликка оид мазмуни яхши аниқланмаган атамалар жумласига إشمام «ишма:м» ва унга ўзакдош ва маънодош бўлган شمة «шамма» атамалари киради. Бу атамалар товушга нисбатан қўлланган бўлиб, «ишма:м» атамаси араб тили фонетикаси нуқтаи назаридан қуйидагича изоҳланади:

تضمّ الشفتان بعد (133,400) الإشمام عند القراءة او النحاة: الإشارة إلى الحركة بشفة من غير تصويت و ذلك بان الاسكان في المرفوع و المضموم من غير صوت.

Ибн Сино ҳам ўзининг «Асбабу ҳудуси-л-ҳуруф» асарида *ишма:м*нинг «лабланиш» маъносига эга эканини айтади (13,47).

Демак, араб тили фонетикасида «ишма:м» атамаси лабланган унли товуш «у»га нисбатан айтилади. Туркий тилларда лабланган унли товушлар араб тилидагидан фарқли равишда бир эмас, бир нечтадир. Улар олд қатор ва орқа қатор лабланган унлиларга бўлинади. Маҳмуд Кошғарий араб графикасида бу товушларни ифодаловчи алоҳида ҳарфлар бўлмагани ва туркий сўзлардаги лабланган унли товушларнинг ҳаммаси фақат *ва:в*, *алиф-ва:в* ёки *даммали алиф* билангина ифодалангани туфайли уларни бири-биридан фарқлаш мақсадида араб тилшунослигида қўлланадиган «ишма:м» ёки «шамма» атамасидан фойдаланиб, бу атама орқали лабланган товушларни назарда тутган.

Лекин «Девану луғати-т-турк» асари устида олиб борилган баъзи илмий ишлардан маълум бўлдики, «ишма:м» атамасининг туркий сўзлардаги товушларга нисбатан қўлланган маъноси олимлар томонидан ўзгача талқин қилинган.

Бу атама асарнинг туркча таржимасида «*yumşak, ince, hafifçe*», ўзбекча таржимасида «ингичка», «юмшок», «тилолди» деб қўлланган. Масалан, Маҳмуд Кошғарийда:

أود – الزمان. بشمة الواو. (134,46)

Туркча таржимаси:

أود *öd*: (*harfini ince çekilerek zaman* (121,44).

Ўзбекча таржимаси:

أود *öd* - (у ҳарфи ингичка [ö тарзда] талаффуз этилади) замон, замона, давр (58,79).

Лекин «Девану луғати-т-турк»да «ишма:м» атамаси фақат ингичка лаб унлиларини эмас, йўғон лаб унлиларини ҳам билдиради. Ўзбек тилшунослигида Фитрат томонидан ҳам товушларга нисбатан «ингичка», «йўғон» атамалари қўлланган (124, 43).

Маҳмуд Кошғарийда:

أُتُشْ – باشمام الالف في اللعب. (134,59)

Туркча таржимаси:

أُتُشْ *ötüş* (الف *harfini ince söyliyerek*) *Oyunde ütme, yutma* (121,60).

Ўзбекча таржимаси:

أُتُشْ *ütüş*- (юмшоқ талаффуз этиладиган у билан); ўйинда ютиш (58, 92).

Бу мисолда «ишма:м» атамасининг маъносини тўғри тушунмаслик натижасида берилган сўз нотўғри ўқилган. Бу сўз маълум бўлган туркий феъллардан биридир. Навоий лабланган унлининг тўртталигини айтиб, мисол тарзида *om* (олов), *öm* («ўтмак» феълнинг буйруғи), *um* (ют, «қиморда ютмак» феълнинг буйруғи), *üm* (калла куйдирмоқ) сўзларини келтирган (64,105-107). Демак, *умуш* «ўйинда ютиш» маъносини англатувчи сўз. У ҳозирги баъзи туркий - қозок, қирғиз, туркман ва қрим-татар тилларида мавжуд (64,105).

«Девану луғати-т-турк»даги бу сўзни *ötüş* ёки *ümüш* деб эмас, *умуш* деб ўқиш тўғри бўлади. Чунки Маҳмуд Кошғарий аслида юмшоқ эмас, қаттиқ, яъни орқа қатор лабланган унли «у»ни назарда тутган. Демак, «ишма:м» атамасини «юмшоқ» деб тушуниш керак эмас.

Маҳмуд Кошғарийдаги:

أُولُكْ – باشمام الالف. النصيب. (134, 69)

Туркча таржимада:

أُولُكْ *ülük*: *Nasip, hisse, pay* (*Elif ince çekilerek*) (121, 72).

Ўзбекча таржимада:

أُولُكْ *ülük* - ҳисса; қисмат; насиба (юмшоқ талаффуз қилинадиган у билан) (58, 102) тарзида берилган.

Туркийшуносликда «қаттиқ», «юмшоқ» атамалари фақат ундошларга нисбатан қўлланилиши билан бирга айрим ҳолларда унлиларга нисбатан ҳам ишлатилади (106, 188).

Асарнинг инглизча таржимасида «ишма:м» ва «шамма» атамалари арабча шаклда қолдирилган. Масалан, with *išmām of the alif*, with *šamma*. Таржима муаллифлари айрим лингвистик атамалар ҳақидаги ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, «ишма:м» атамаси ҳақида шундай дейдилар: «Кошғарий «ишма:м» атамасини, умуман, палатализацияни қўллаш учун

ишлатган. Лекин, асосан, ўзакларни фарқлаш учун қўллаган. Кейинроқ *oö:uü* то-вушларини фарқлаш учун «ишба:ъ-ишмам» атамаларидан фойдаланган» (127-1, 59). Ғарбда қўлланадиган «палатал» ва «веляр» атамалари ҳам туркийшуносликда асосан ундошларга нисбатан ишлатилади. Сўнгги пайтларда айрим олимлар бу атамаларни унлиларга нисбатан ҳам қўлламоқдалар (15,80). Лекин туркийшуносликда қабул қилинган ва кўпчилик олимлар томонидан қўлланадиган атамалар «олд қатор унлилар, орқа қатор унлилар» ва «тилолди, тилорқа унлилар» атамаларидир. Қадимги туркий тилларда саккизта унли фонема бор. Улар бир-биридан қатори, торкенглиги, лабланиш-лабланмаслигига кўра фарқ қилади. Булардан орқа қатор унлилар - а, ы, о, у; олд қатор унлилар - ä, и, ö, ү. Кенг унлилар - а, ä, о, ö; тор унлилар - ы, и, у, ү. Лабланган унлилар - о, ö, у, ү; лабланмаган унлилар - а, ä, ы, и (9, 7).

Агар Маҳмуд Кошғарий асаридаги «ишма:м» атамасини фақат «олд қатор» деб атасак, у ҳолда «ишма:м» атамасидан келиб чиқадиган лабланиш маъноси четда қолади. Ваҳоланки, Маҳмуд Кошғарий бу атама билан фақат лабланган унлиларга ишора қилган. Унинг олд қатор ёки орқа қатор унлига тегишли экани матнда келтирилган сўзлардан маълум. Маҳмуд Кошғарий олд қатор ва орқа қатор лабланган унлилар учун умумий қилиб «ишма:м» ёки «шамма» атамасини қўлагани учун бу атамаларни олд қатор деб тушуниш тўғри эмас. Лабланган унлиларнинг қатори уларнинг лабланиш даражасига боғлиқ. Масалан: кучли лабланган унли товуш «ү» олд қатор, кучсиз лабланган «о» эса орқа қатор унлиларига киради.

Маҳмуд Кошғарий энг орқа қатор лабланган унлига изоҳ бермайди. Унинг лаблангани ёзувда акс этган. Лекин муаллиф лабланганлик белгиси ёзувда бир хил кўринишга эга бўлган, аммо талаффузда лабланиш даражасига кўра фарқ қиладиган унлилар иштирокидаги сўзларни бир-биридан фарқлаш лозим бўлгани учун унли товушнинг аввалгисига нисбатан лабланганлигини кўрсатиш мақсадида «ишма:м» ёки «би-шамма» атамасини қўллаган; бу сўздаги лабланган унлига кўра камроқ лабланган унлиси бўлган кейинги сўзга эса «ақалла шамматан минху» изоҳини қўллаб сўзлардаги лабланган унлилар талаффузига аниқлик киритган. Масалан:

أوتّ – الثَّقْبُ فِي الْجِدَارِ وَالْحَشْبُ بِشِمَّةِ الْوَاوِ.

أوتّ – المرارة. اقلّ شِمَّةً مِنْهُ. (134, 46)

«Девор ёки ёғоч коваги» маъносини англатган «ўт» сўзидаги «ү» ва «аччиқлик» маъносини билдирган «öt» сўзидаги «ö» олд қатор лабланган унлилардир. Ҳар иккала ҳолда ҳам уларнинг лабланган унли экани таъкидланган. Лекин унлиларнинг кўтарилишдаги фарқига иккинчи сўздаги

изоҳ орқали аниқлик киритилган. Яъни Маҳмуд Кошғарий лабланган унлиларнинг қатордаги фарқини лабланиш даражасини кўрсатиш йўли билан ту-шунтирган. Маҳмуд Кошғарийнинг бундай йўл тутишига сабаб араб тилида ўрта кўтарилишдаги унлилар йўқ, «ишма:м» атамаси талаффузда унлининг кўтарилишидаги фарқни ҳам ўз ичига олади. Масалан, «у» билан «о», «ў» билан «ө» орасидаги фарқни арабларга «йўғон, ингичка» тушунчалари билан англариб бўлмайди. Чунки «о» билан «ө» ўрта кўтарилишдаги унлилардир. Бу хусусиятни лабланиш тушунчаси орқали тушунтириш мумкин. Чунки «у» билан «ў»га нисбатан «о» билан «ө» камроқ лабланган. Шунинг учун Маҳмуд Кошғарий бундай ҳолларда «ишмам» атамасидан моҳирона фойдаланган.

«Девану луғати-т-турк» асарида «ишма:м» атамаси билан алоқадор бўлган сўзлар орасида фақат биргина «гўшт» маъносидаги «ят» (эт) сўзи юқоридаги мулоҳазалардан истиснодир. Бу сўзга «би-ишма:ми-л-алиф» деб изоҳ берилган, «я» эса лабланмаган унлидир. Фикримизча, бу ерда асарнинг асл нусхасида «ишма:м» сўзи ўрнида «има:ла» сўзи бўлган бўлиши керак. Бу ҳол қўлёзмада жуда кўп учрайдиган хаттот томонидан йўл қўйилган турли хилдаги хатоликлардан бири бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асаридаги «ишма:м» атамаси туркий тиллардаги лабланган унлиларга нисбатан айtilган ва «лабланган» деган маънони англатади.

### 3.6. Ҳаракатларга оид атамалар

Араб тилида حركة «ҳарака» атамаси ҳам фонетика, ҳам графикага оид атамалардир. У фонетикада қисқа унли товушни англатади, ёзувда қисқа унли товушни англариш учун ҳарф усти ва остига қўйиладиган белгини билдиради.

Бир неча ҳаракатга нисбатан унинг кўплик шакли حرکات «ҳарака:т» ишлатилади. Масалан:

باب أفعال في حرکاته (134,81:8).

Яъни «Турли ҳаракатлардаги *афъал* боби».

Маҳмуд Кошғарий бу атаманинг V боб аниқ даражадаги сифатдоши шакли متحرك «мутаҳаррик»ни ҳам кўп қўллаган. Бу ҳарфга нисбатан ишлатилади ва «ҳаракатли» деган маънони англатади. ساکن متحرك мутаҳаррик «са:кин» (ҳаракатсиз)нинг зидди. Масалан:

هذه أبواب متحرك الحشو. (134,51:2)

Яъни «Бу ўрта ҳарфи ҳаракатли [сўз] ларнинг боблари».

Араб тилида «ҳаракат» тушунчаси «а» қисқа унлисини ифодаловчи *فتحة* «фатҳа», «и» қисқа унлисини ифодаловчи *كسرة* «касра», «у» қисқа унлисини ифодаловчи *ضمّة* «дамма» ва ундошдан сўнг унли товуш йўқлигини билдирувчи *سكون* «суку:н» атамаларини ўз ичига олади.

Маҳмуд Кошғарий қисқа «а», «и», «у» унлиларини сўз билан ифодалаганда юқоридаги атамалар билан бирга шу сўзларнинг ўзагидан ясалган феъл ва сифатдошлардан ҳамда уларга ўзақдош бўлган бошқа сўзлардан ҳам фойдаланади. «А» қисқа унлиси учун *فتح* «фатҳун», *نصب* «насбун» атамалари каби *تفتح* «тафтахун», яъни «фатҳаланади», *مفتوح* «мафту:хун», *منصوب* «мансу:бун», яъни «фатҳаланган» атамаларини қўллайди. Масалан:

تمر – العرق في البدن و الغزيرة تقال «تمر» *بفتح الميم*. (134,302)

Яъни «Тамур - танадаги томир. Ўғузчада «м» фатҳа билан «тамар» дейилади».

كنجك – الجيب و الغزيرة *تفتح الجيم فتقول «كنجك»*. (134,399)

Яъни «Кўнчўк - чўнтак. ўғузлар «ч»ни фатҳалаштиради ва «кўнчўк» дейдилар».

يقال «برماق». *فالباء مفتوحة*. (135,26)

Яъни «...бормоқ» дейдилар, «б» фатҳалашган».

*و النصب احفّ الحركات*. (134,302)

Яъни «Насб» энг энгил ҳаракатдир».

...ان يكتب *المنصوب الأوسط بزيادة الف في هجاء التركية*. (134,339)

Яъни «Ўртаси «а» олган бўлса, турк ҳарфларида алиф қўшилади».

Маҳмуд Кошғарий «и» унлисини англатувчи *كسر* «касрун» атамаси билан бирга *مكسور* «максу:рун» (*مكسورة* *максу:ратун*) «касралашган», *انكسرة* «инкасара», *تكسر* «таксиру» «касра олган, касра олади», *كسرت* «кусират» «касралантирди» атамаларини қўллайди. Масалан:

ينجو *تزددي*... *فالتاء مكسورة*... «تزار» *بكسرالتاء*... «تزمان» *كذلك تكسر التاء*..»

(135,26)

Яъни «Инжу тизди» «т» касраланган... «Тизар» «т» касра билан... «Тизмоқ» худди шундай «т» касра олган».

*كسرت* *فاؤه* (134,127).

Яъни «ф»си касралантирилган»

Маҳмуд Кошғарий ضَمَّ «даммун» атамаси қаторида رَفَعَ «рафъун», مضمومة «мадму:матун», مرفوع «марфу:ъун» «дам-малашган», ضَمَّتْ «даммат», انضَمَّتْ «индаммат» «дамма олган», تَرَفَّعَ «тарфаъу» «у» олади» атамаларидан фойдаланади. Масалан:

فَضَمَّتِ الْقَافَ فِي الْمَصْدَرِ. (135,27)

Яъни «Масдарда «қ» дамма олган».

«يَكْرَمُ» انضَمَّتِ الْبَاءُ.. (135,27)

Яъни «Йукриму» «й» дамма олган».

«تُرْدِي» إِذَا قَامَ. فَالْتَاءَ مَرْفُوعَةً فِي الْمَاضِي... «تُرْزُ» مضمومة التاء... «تُرْمَاقُ». تَرَفَّعَ التاء فيه. (135, 26)

Яъни, «Турди» ўтган замонда «т» «у» олган... «Турур» «т» даммалашган... «Турмоқ», ундаги «т» «у» олади.

«Девану луғати-т-турк»да سكون «суку:н» атамаси ҳам турли шаклларда қўлланган, яъни ساكن «са:кин (са:кина)» «сукун олган», مسكن «мусаккан (مسكنة мусаккана)» «сукунланган», يسكن «йаскуну (таскуну)» «сукун олади», سكنت «саканат» «сукун олди». Масалан:

يقال «يَقْعُدُ سَكَتَ الْقَافِ فِي الْغَابِرِ». (135,27)

Яъни «Йақбуду» дейилади. Келаси замонда «қ « сукун олди».

و تقال «بَمَطْرُ» تسكن الميم فيه. (135,27)

Яъни «Йамтуру» дейилади. «М» сукун олади».

و قد يسكن اللام فيقال «فَلَقُ». (135,321)

Яъни «л» сукун олади ва «килқ» дейилади».

انقذت أبواب الساكن الحشو. (134,295)

Яъни «Ўртаси ҳаракатсиз (сўзлар)нинг боблари тугади».

باب فَعَلًا مسكنة اللام الاولى. (134,127)

Яъни «Биринчи «л» ҳаракатсиз «фаъалла:» боби».

Маҳмуд Кошғарий ساكن «са:кин» атамасини кўп қўллаган. Бу атама араб тилшунослигида ҳам қўлланади. «Девану луғати-т-турк»да «са:кин»нинг кўплиги واكن «сава:кин» ҳам ишлатилади:

و بعد ارغو تقولون «بألقُ» بثلاث سواكن. (134,317)

Яъни «Арғуларнинг айримлари учта са:кин билан «балқ» дейдилар.

Маҳмуд Кошғарий ҳаракат билан боғлиқ умумий ва туркий тилшунослик учун муҳим бўлган бир фикрни баён қилади. Бу туркий имлода

харакатларнинг, яъни қисқа унлиларнинг ҳарф билан ифодаланишидир. Маҳмуд Кошғарий турк ёзувида фатҳа алиф билан, дамма ва:в билан, касра йа:’ ҳарфи билан ифодала-нади дейди (Ф,46; 58,49).

### 3.7. «Сифат» ва «масдар» атамалари

«Девану луғати-т-турк»да *صفة* «сифа» («сифат») атамаси кенг маънода қўлланиб, туркий сифатдошларга нисбатан ҳам ишлатилган. Маҳмуд Кошғарий «сифат» деб атаган *бардачи* (борувчи), *кәлдәчи* (келувчи); *бараган* (борадиган), *кәләгән* (келадиган); *барысақ* (боришга интилувчи), *кәлигсәк* (келишга интилувчи); *барғулуқ* (бориши лозим бўлган), *кәлгүлүк* (келиши лозим бўлган); *барығлы* (бормоқчи бўлган), *кәлигли* (келмоқчи бўлган) шаклидаги феъл формаларини замонавий туркшунослар «сифатдош» деб атайдилар (134,24-25).

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида масдарлар ҳақида қуйидаги маълумотларни беради:

«Масдарлар икки хилдир. Биринчи: туб масдар. Бу хил масдарлар феъллар бўлимида ўтган замон, келаси замон феъллари билан баробар кўрсатилди. Иккинчи: аслида масдар бўлмай, бирор сўз қўшиш билан ясалган масдарлардир. Бу хил масдарлардан ҳол маъноси ҳам англашилади. Буларни мен бермайман, фақат жуда зарур ўринлардагина кўрсатаман.

*Барды, барыр, бармақ, кәлди, кәлир, кәлмәк.* Булар туб масдарлардир. *Мәниң барғым болса, мәңә туиғыл* - борадиган вақтимда менга учра, деганда *барғым* - ясама масдар. *Кәйик кәлиги болса оқта* - кийик келар вақтида от, жумласидаги *кәлиг* - ясама масдар. *Таз кәлиги боркчига* - калнинг келиш ери дўппифуруш дўконида, деган мақолдаги *кәлиги* сўзи ҳам шундайдир. Бу хил масдарлар қаттиқ ўзакли сўзларга *ғ, қ* орттириб тузилади. *Барығ барды* - у боришда қаттиқ ҳаракат билан борди, *ол қулын уруғ урди* - у қулини қаттиқ уриш билан урди, демақдир. Бу гаплардаги *барығ, уруғ* сўзлари ясама масдарлардир. *Қ* ҳарфи ҳам, *к* ҳарфи ҳам ҳар вақт изофа ҳарфи ҳисобланадиган (аниқловчига орттири-ладиган) *й* ҳарфи билан бирликда қўлланади. Булар *ғ* га ўхшаш ёлғиз ўзи қўлланмайди. *Аның йоруқи нәтәк* - унинг юриши қандай, деган гапта *йоруқи* сўзидаги *қ ғ* ўрнига алмашгандир.

Юмшоқ, яъни таркибида *к* бўлган сўзларда ясама масдар *к* қўшиб ясалади.

*Ани соқук соқти* - уни қаттиқ сўкти. *Ол қулын тәпик тәнди* - у қулни қаттиқ тепкилади гапларидаги *соқук, тәпик* сўзлари *к* қўшиб ясалган масдардир. Бу хил таркиблардаги масдарларда таъкид, пухталаш мазмуни ифодаланади» (134,62-63).

Демак, «Девану луғати-т-турк»да «сифат» атамаси туркий сифатлар ва сифатдошлар, «масдар» атамаси эса ҳаракат номи учун қўлланган.

### 3.8. «Ҳарф» атамаси

Араб тилшунослигида حرف «ҳарф» (кўп. حروف хуру:ф, أحرف аҳруф) деганда нутқ товуши ва товушнинг ёзувдаги белгиси ҳамда ёрдамчи сўз, яъни кўмакчи, боғловчи ва юкламалар ту-шунилади.

Маҳмуд Кошғарий туркий қўшимчаларни زيادات «зийа:да:т» (орттирмалар) дейди ва уларнинг ҳар бирини ҳарф номи билан атайди. Масалан: асарда феълдан от ясовчи қўшимчалар қаторига кирувчи «-а»ни (ув= - увоқ қилмоқ: ува - қанд увоғи солинган таом) «алиф», «-т»ни (кәз= - киймак: кәзут - кийим) «та:’», «-ч»-ни (ком=: комач) «жим», «-ш»ни (бил=: билиш) «шин», «=ғ»ни (қуры=: қорсығ)ни «ғайн» деб номланган.

Араб тилида мавжуд бўлмаган товушларни Маҳмуд Кошғарий қуйидагича атайди:

п - الباء الصلبة - қаттиқ, яъни жарангсиз ба:’;

ж - الزاء المتولدة بين مخرجي الزاء و الشين - за:’ ва ши:н махражлари орасидан чиқадиган за:’;

г - الكاف الركيكة - юмшоқ, яъни жарангли ка:ф;

нг (н) - كاف الغنة - бурун ка:фи.

«Ҳарф» атамасининг «Девану луғати-т-турк»да морфологик бирликларга нисбатан ишлатилиш ҳоллари ҳам диққатга сазовордир. Маҳмуд Кошғарий ҳарф туркумига кўмакчи, боғловчи, юклама, қўшимча ҳамда ундов ва сўроқ билдирувчи сўзларни киритган. Бу маънодаги «ҳарф» атамасининг асли حرف المعنى «ҳарфу-л-маъна» бўлиб, тилшунослар уни қисқартириб ҳарф тарзида ишлатадилар, Маҳмуд Кошғарий туркий ҳарфларни бир қанча турларга бўлиб, уларни аниқловчиси билан атайди. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

حرف تأكيد و مبالغة – таъкид ва муболаға кўмакчиси.

Масалан:

كَدّ - حرف تأكيد و مبالغة في وصف الشيء (134,270).

Таржимаси: *käð* - ... нарсаларни тасвирлашдаги таъкид ва муболаға кўмакчиси.

حرف إنكار - инкор юкламаси

Масалан:

أَوْ – ياشباع الالف. حرف إنكار لأمر الأمر (134,43).

Таржимаси: *ав* – «ишба:ъ»ли «а». Буюрувчи буйруғини инкор қилиш маъносидаги юклама.

حرف تحن وتعطف – меҳрибонлик ва ҳамдардликни билдирувчи ёрдамчи сўз.

Масалан:

أَلج – حرف تحن وتعطف على البنين. يقال منه «ألجم» اي بُنيّ (134,53).

Таржимаси: *улыч* - ўғилларга меҳрибонлик ва ҳамдардлик билдирувчи ундов. «Уличим», яъни «ўғилчам» дейилади.

حرف تأمّ – ачинишни билдирувчи кўмакчи.

Масалан:

أفا – حرف تأمّ. بمنزلة قول العرب واويلي (134,83).

Таржимаси: *ава* - ачинишни билдирувчи ундов. Араб тилидаги «вовайло» (эй воҳ) сингари.

حرف شكّ – шубҳа юкламаси.

Масалан:

أزكي – حرف شكّ. يقال منه «أل كلزمو أركي» معناه يحضر هو ام لا (134,121).

Таржимаси: *әрки* - шубҳа юкламаси. «Ул кәлирмү әрки» дейилади, маъноси «У келармикан».

حرف استفهام – сўроқ юкламаси.

Масалан:

نَتَكْ – حرف استفهام. و معناه «كيف» يقال منه «نَتَكْ سَنُ» اي كيف أنت؟

(134,328)

Таржимаси: *нәтәк* - сўроқ юкламаси. Маъноси «қандай?». «Нәтәк сәйн» дейилади, яъни «Қандайсан?»

حرف تعجيل – Тезлатиш юкламаси.

Масалан:

شَبّ – حرف تعجيل. كقول العرب «هلا». يقال منه «شَبّ كلّ» اي اسرع في المجيء. (134,268)

Таржимаси: *шап* - тезлаштириш юкламаси. Арабларнинг «ҳаллан» дегани каби. «Шап кәл», яъни «тез кел» дейилади.

Маҳмуд Кошғарий ёрдамчи сўз маъносидаги «ҳарф» атамасини жуда кўп қўллаган. Жумладан, қуйидаги сўзларга нисбатан ҳам шу атама ишлатилган:

*аб* - жуда, *оп-оп* - тур-тур (эшакни турғизишда айтилади; *уш* – шундай; *уш* – ҳозир; *ош-ош* - ўш-ўш (хўкизни сув ичишга ундашда ишлатиладиган ундов); *оқ*- ҳақиқатан (ҳолатни билди-рувчи юклама); *ул* - у (III шахс

кишилик олмоши); *ул* - у (кўрсаткич олмоши); *ол* - ҳақиқатан (исм ва феъллардан кейин кесимликни билдиради); *аа* - а-а (лол қолишни ифодаловчи ундов); *ова* - ҳа, лаббай (чақирганга жавоб); *аң*- инкор маъносидаги ўғузча ундов; *äväт* - «ҳа» маъносидаги ундов; *учун* – учун; *ычын* – орасида; *иләл* - ҳа, албатта (ҳоқонча); *ала:* - секин (ундов сўз); *әрки:* - иккиланиш, шубҳани билдиради; *өтнү* – қарзга; *ашну:* - олдин, илгари; *абаң* - агар, агарда; *оңи:* - бошқа; *аба:ли:* - гердайишни, мамнунликни ифодалайди; *азин* - бошқа, бўлак (чигилча); *аңар* – унга; *өнин* – бошқа; *үстүн* - уст, баланд; *астын, алтын* - ост, қуйи; *ақру:* - секин; *өңдүн* - тўғридан, олдиндан; *анда:ғ* – шундай; *әмди:* - ҳозир; *анда:* - у ерда; *айру:* - бошқа, йўқ, эса, бўлмаса; *асра:* - қуйи, ост; *таб* - етарли маъносидаги юклама; *заб-заб* - тез (ундов); *шаб* - тез, дарров (ундов); *қоб* – жуда; *мат* – шундай; *қач* – қанча; *чақ* - худди, айнан; *зақ-зақ* - қўчқорни сузишга ундашда ишлатиладиган ундов; *чик* – чикка; *көм* - кўм-(кўк); *ким* – ким; *бән, мән* – мен; *сән* – сен; *кәрәк* - керак, маъкул; *нәтәк* - қандай, қалай; *нәчүк, нәләк* - нега, нима учун; *қачан* – қачон; *йәмәт (әмәт)* - хўп, майли; *яна:* - яна; *та:ҳ-та:ҳ* - лочинни чақириш учун ишлатиладиган ундов; *чу:ҳ-чу:ҳ* - отни юргизиш учун айтиладиган ундов; *ма:ҳ* - «ма, ол» маъносидаги ундов; *йа:ҳ* - хўп, шундай; *ҳа, да:ҳ, за:ҳ* - йўқ, эмас (арғуча); *кийә:* - -гина (кичрайтириш маъносини англатувчи юклама); *ти:зи:н* – вақтида; *қайда* – қаерда; *-ча:* - шунча, каби, -дек маъносини англатувчи юклама; *чү:* -буйруқ ва инкорни таъкидловчи юклама; *са:* - сен; *шү:*, *чү:* - бўлишли ва бўлишсиз феъл буйруқлари охирига қўшилиб, буйруқ маъносини кучайтиради; *-ғу:* - буйруқ феълларга қўшилиб макон, замон, асбоб-анжом исмлари ҳосил қилинади; *-қа:* - -қа, (-гә); *қи:* - эй (ундов); *-кә:* - -ка (-га); *-ма:* - ма («ол») маъносида; *мә:* - -ма (буйруқ феълига қўшилиб бўлишсиз буйруқ ясайди); *-му:* - -ми (сўроқ юкламаси); *нә:*, *нү:* - нима ва ҳ.к.

Демак, Махмуд Кошғарий «ҳарф» атамасини араб тилшунослари каби нутқ товуши, унинг ёзувдаги белгиси ҳамда ёрдамчи сўзларга нисбатан кўллаган.

### 3.9. Изоҳ талаб қилмайдиган атамалар

Қуйида «Девану луғати-т-турк»даги изоҳ талаб қилмайдиган лингвистик атамалар келтирилган:

*ابدال* *ибда:л* (товуш алмашуви); *اختلاف* *ихтила:ф* (фарқлар); *أخير* *ахи:р* (сўзнинг охирги ҳарфи); *أخفّ* *ахаффу* (энг енгил); *ادغام* *ид-га:м* (ассимиляция); *استفهام* *истифҳа:м* (сўроқ); *استقبال* *истиқба:л* (желаси замон); *اسم* *исм* (исм); *اسم جمع* *исму жамъ* (кўплик); *اسم محض* *исмун маңдун* (соф исм, яъни от); *اسماء لآلة* *асма:’у*

*ли-а:лат* (асбоб-анжом номлари); *اسماء الاماكن* *асма:* 'у-л-ама:кин (жой номлари); *اسماء المواضع* *асма:* 'у-з-зама:н ва-л-мака:н (вақт ва жой номлари); *اسماء الزمن و المكان* *асма:* 'у-л-мава:диъ (жойлар номлари; *اشتقاق* *иштиқа:*қ (сўз ясалиши); *أصل* *асл* (ўзак); *اضداد* *идда:*д (қарама-қарши маъноли сўз); *اعراب* *иъра:*б (турланиш; *اقامة* *иқа:*ма (иш-ҳаракатнинг бажарилиши; *الحاق* *илҳа:*қ (кўшимча кўшиш); *امارة* *ама:*ра (белги, кўрсаткич); *أمر* *амр* (буйрук); *أمر الواحد* *амру-л-ва:*ҳид (бирлик кўрсаткичи); *انضم* *индамма* (дамма олмоқ); *انقلب* *инқалаба* (товуш алмашмоқ); *أوائل* *ава:*'илу (сўзнинг биринчи ҳарфи); *أواخر* *ава:*хиру (сўз охири); *بدل* *бадал* (товуш алмашуви); *بناء* *бина:*' (сўз ясалиши); *تأنيث* *та'ни:*с (муаннас); *تبديل* *табди:*л (товуш алмашуви); *تبع* *табъ* (тобе сўз); *تثنية* *тасниййа* (иккилик); *تذكير* *тазки:*р (музаккар; *تشديد* *ташди:*д (товуш иккиланиши); *تصريف* *тасри:*ф (туслаш); *تصغير* *тасғи:*р (кичрайтириш маъноси); *تضعيف* *тадъи:*ф (ундошнинг иккиланиши); *تفاعل* *тафа:*ъул (иккидан ортиқ шахслар орасидаги иш-ҳаракатни ўз ичига олган биргалик даража); *تفرد* *туфраду* (бирликда келган); *ثلاثي* *сула:*сий (учлик); *ثنائي* *суна:*'ий (иккилик); *جحد* *жаҳд* (инкор); *جعل* *жаъала* (товушни бошқасига айлантирмоқ); *جعل* *жуъила* (бошқа товушга айланмоқ); *جكيلة* *чигилиййа* (чигилча); *جمع* *жамъ* (кўплик); *حذف* *ҳазф* (ёзувда ҳарфнинг тушиб қолиши); *حذف* *ҳузифа* (тушириб қолдирмоқ); *حرف* *ҳарф* (товуш, ҳарф; ёрдамчи сўзлар); *حرف استفهام* *ҳарфу истифҳа:*м (сўроқ юкламаси); *حرف استقبال* *ҳарфу истиқба:*л (келаси замон кўрсаткичи); *حرف انكار* *ҳарфу инка:*р (инкор юкламаси); *حرف الأصل* *ҳарфу-л-асли* (ўзак ҳарф); *حرف تأكيد* *ҳарфу та'ки:*д (таъкид юкламаси); *حرف تحن و تألم* *ҳарфу та'аллум* (ҳамдардликни билдирувчи сўз); *حرف تعطف* *ҳарфу таҳаннун ва таъаттуф* (меҳрибонлик ва ҳамдардликни билдирувчи сўз); *حرف تعجيل* *ҳарфу таъжи:*л (тезлатиш маъносидаги сўз); *حرف تشبيه* *ҳарфу ташиби:*ҳ (қиёслаш маъносидаги сўз); *حرف شك* *ҳарфу шакк* (шубҳа юкламаси); *حرف عطف* *ҳарфу ъатф* (боғловчи); *حرف مبالغة* *ҳарфу муба:*лаға (муболаға юкламаси); *حرف النهي* *ҳарфу-н-наҳйи* (инкор юкламаси); *حروف المدّ* *ҳуру:*фу-л-мадд (чўзиқ унлилар); *حروف اللين* *ҳуруфу-л-лайн* (у: ва и: товушлари); *حروف المعاني* *ҳуру:*фу-л-маъа:ний (аффикслар); *حركة* *ҳарака* (ҳаракат); *حشو* *ҳашв* (сўз

ўртасидаги ҳарф); *حكم* ҳукм (буйруқ); *خط* хатт (ёзув); *خفة* хиффа (енгиллаштириш); *خماس* хума:сий (бешлик); *دوام* дава:м (иш-ҳаракатнинг давомлилиги); *رباعي* руба:ъий (тўртлик); *رفع* рафъ (даммалашган); *رك* рикк (жарангли); *ركة* рикка (жарангли); *ركيك* раки:к (жарангли); *ركيكة* раки:ка (жарангли); *زيادة* зийа:да (орттирма); *سالم* са:лим (тўғри сўзлар); *ساكن* са:кин (суқун олган ҳарф); *سباعي* субаъий (еттилик); *سداسي* суда:сий (олтилик); *سطر* сатр (қатор); *سغدي* сугдий (суғдча); *سكن* сакана (суқунламоқ); *سكن* суккина (суқун олмоқ); *سمة* симма (кўрсаткич); *شاذ* ша:зз (кам учрайдиган); *صحيح* саҳи:ҳ (тўғри); *صرف* сарф (морфология); *صفة* сифа (сифат, сифатдош); *صلة* сила (боғловчи); *صلاية* сула:ба (жарангсиз); *صلية* сулба (жарангсиз); *صيغة* си:га (сўз формаси); *ضمة* дамма (дамма); *طرح* тарҳ (ҳарфнинг тушиб қолиши); *طرحت* туриҳат (туширилди); *عدد* ъадад (сон); *عدى* ъадда: (феълни ўтимли қилмоқ) 1,195; *عدى* ъуддийа (ўтимли бўлмоқ); *عربي* ъарабий (арабча); *عطف* ъатф (боғловчи); *علة* ъилла (қоида, изоҳ); *علامة* ъала:ма (белги); *غابر* га:бир (ўтган замон); *غائب* га:’иб (III шахс бирлик); *غزي* гуззий (ўғузча); *غنة* гунна (назал); *فارسي* фа:рисий (форсча); *فاعل* фа:ъил (ижрочи, аниқ даража сифатдоши); *فتح* фатҳ (фатҳа); *فتح* футиҳа (фатҳа олмоқ); *فعل* фиъл, кўплиги *أفعال* афъа:л; *قرلقي* қарлуқий (қарлуқча); *القصد و التمتي* ал-қасду ва-т-таманна: (истак ва интилиш маъносидаги сўз); *كتابة* кита:ба (ёзув); *كسر* каср (касра); *كسر* кусира (касралантирди); *كلام* кала:м (нутқ); *كيفية* кайфиййа (сўз шакллари); *لازم* ла:зим, кўплиги *لوازم* лава:зим (ўтимсиз феъл); *لزوم* лузу:м (ўтимсиз феъл); *لسان* лиса:н, кўплиги *اللسن* алсину (тил); *لغة* луга (сўз; тил); *لفظ* лафъ (сўзнинг товуш жиҳати); *لفيف* лафи:ф (ўзагида иккита бўш ҳарфи бўлган сўз); *لين* лайн (у: ва и: товушлари); *ماض* ма:дин (ўтган замон); *مبادل* муба:дал (бир товушнинг бошқасига ўзгариши); *مبارات* муба:ра:т (мусобақалашмоқ маъноси); *مبالغة* муба:лага (муболаға маъноси); *مبني* мабний (туб); *مبادي الكلم* муба:дийу-л-калим (сўзнинг боши); *متعد* мутаъаддин (ўтимли феъл); *متأخر* мута’аххир (охирги ҳарф); *متحرك* мутаҳаррик (ҳаракат олган); *متوسط* матавассит (ўрта ҳарф); *مثال* миса:л (в ва й ҳарфлари билан бошланган сўзлар); *مثقل* мусаққал (ўрта ҳарфи

иккиланган сўзлар); *مجرد* мужаррад (сода сўзлар); *مجهول* мажхул (мажхул даража); *مخاطب* муха:таб (II шахс бирлик); *محرّك* муҳаррак (ҳаракатланган); *مخبر* мухбир (дарак билдирувчи феъл); *مخرج* махраж (талаффуз ўрни ва талаффуз усули); *مادد* (унлиларнинг чўзиқлиги ва чўзиқлик билдирувчи ҳарф ва белги); *مدغم* мудгам (ассимиляциялашган); *مدكّر* музаккар (музаккар); *مرفوع* марфу:ъ (даммалашган); *مرکّب* мураккаб (бириккан, боғланган); *مزدوج* муздаваж (жуфт сўзлар); *مساجل* муса:жал (тортишув маъноси); *مستعار* мустаъа:р (кўчма маъно); *مستقبل* мустақбал (келаси замон); *مستکن* мусаккан (сукунлашган); *مشتقّ* муштаққ (ясалган); *مشدّد* мушаддад (товушнинг иккиланиши); *مصدر* масдар, кўплиги *مصادر* маса:дир (ҳаракат номи); *مضاعف* муда:ъаф (икки ундоши бир хил сўзлар); *مضاف* муда:ф (изофа бўлагидаги аниқланмиш); *مضموم* мадму:м (даммалашган); *مضی* мудий (ўтган замон); *مطوي* матвий (икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа:’ бўлган сўзлар); *معتلّ* муъталл (охири бўш ҳарф бўлган сўзлар); *معجمة* муъжама (нуктали); *مفاعل* муфа:ъал (III боб пассив сифатдоши); *مفتوح* мафту:ҳ (фатҳаланган); *مفعول* мафъу:л (мажхул даража сифатдоши); *مكسور* максу:р (касраланган); *منصوب* мансу:б (фатҳаланган); *منقوص* манқу:с (ўртасида алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бўлган сўзлар); *منهاج* минҳа:ж (усул); *منوال* минва:л (усул); *موحد* муваҳҳад (бирликда кўлланувчи); *مؤنث* му’аннас (муаннас); *موصوف* мавсу:ф (аниқланмиш); *نداء* нида:’ (ундов); *نسق* насақ (боғловчи); *نصب* насб (ўзак ёки негиз охиридаги «а» унлиси); *نفس* нафс (шахс); *نهي* наҳй (инкор); *همزة* ҳамза (ҳамза); *الواحد* ал-ва:ҳид (бирлик); *واجب* ва:жиб (ўтган замон феъли); *واو النسق* ва:ву-н-насақи («ва» боғловчиси).

Маҳмуд Кошғарийнинг лингвистик атамалари юзасидан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- «Девану луғати-т-турк» араб тилини биладиганларга ёзилгани учун унда арабча атамалардан фойдаланилган.

- Муаллиф туркий тил бирликларини ва туркий тилларга хос ҳодисаларни аташда ижодкорлик қилиб, араб атамаларига ё туркий маъно берган, ё сифат бериб туркийлаштирган ва баъзи ҳолларда эса муайян тушунчаларни ифодалаш учун янги атамалар яратган.

- Маҳмуд Кошғарийнинг баъзи атамаларини «Девану луғати-т-турк» таржимонлари айрим ўринларда аниқ таржима қилмаганлар. «Луға», «ишба:ъ», «ишма:м», «има:ла» шундай атамалардандир.

## IV БОБ. «Девану луғати-т-турк»даги сўз моддалари

### 4.1. Сўз моддаларининг таркиби

Бугунги ўзбек лексикографиясида рус тилидаги «статья» сўзи «мақола» тарзида қўлланмоқда. Бу ҳол замонавий луғатлар учун маъқул бўлиши мумкин. Аммо Маҳмуд Кошғарийга нисбатан шарқ лексикографиясида қабул қилинган «модда» сўзини ишлатиш ўринлидир. Маҳмуд Кошғарий ўз луғатида нафақат туркий сўзлар, балки туркий халқларнинг маданияти ва маъна-вияти ҳақида ҳам маълумот беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунга кўра, «Девану луғати-т-турк»даги сўз моддалари оддий луғатлардагига нисбатан бой ва ранг-барангдир.

«Девану луғати-т-турк»даги сўз моддаларининг тартиби қуйидаги кўринишларга эга:

1. Туркий бош сўз + арабча таржима. Мисоллар:

(Ф, 15а) اِنَّ الْكَلْبَ

(Ф,16а) اُق السَّهْمِ

(Ф,16а) اُم السَّرَاوِيلِ

(Ф,17а) اُرْتُ الْحَرِيْقِ

(Ф,18а) اِيْك الْمَرَضِ

(Ф,18б) اَوْن الدَّقِيْقِ

Изоҳ: كلب - ит; سهم - ўк; سراويل - шим; حريق - ёнғин; مرض - касаллик, дард; دقيق - ун.

2. Туркий бош сўз + арабча таржима ёки изоҳ ёхуд ҳам таржима, ҳам изоҳ + мисол (оддий гап, мақол, шеър). Мисоллар:

(Ф,15а) اَتِ السَّمِّ يُقَالُ مِنْهُ بَكَ اِنْكَارِ اِتْ يِرْدِي اَي سَقَاهُ اَلْاَمِيْرُ السَّمِّ.

Изоҳ: سَمٌّ – заҳар; يُقَالُ – айтилади; بَكَ – бек; اِنْكَارِ – унга; اِتْ – заҳар; سَقَاهُ – унга берди.

اَسُّ النَّسْرِ. وَ قَالَ كَلْدِي مِنْكَ اَتَاتِ اِيْدِيْمِ اَمْدِي يَاتِ. فَشَقَا بَلْبِ اِتْ. سَنِي تَلَارِ اِسْ بَرِي. يَقُوْلُ جَاءَنِي كَافِرِ اِيْغَرِي

(Ф,15б) فَقَتَلْتَهُ فَجَعَلْتَهُ جَزْرًا لِلنَّسْرِ

УС ан-насру ва қа:ла:

*кәлди маңа тат*

*айдым әмди йат*

*қушқа болуб әт*

*сәни тиләр ус бори*

Изоҳ: *نسر* - бургут; *قال* - деди (яъни шоир шундай деган); *кәлди* - келди; *маңа* - менга; *тат* - номусулмон; *әт* - эт, яъни гўшт; *جاءنى* - менга келди; *كافر* - бир кофир уйғур; *قتلته* - уни ўлдирдим; *جعلته جزا* - уни ем қилдим; *للتسور* - бургутларга.

اشح القدر و فيه المثل اشح ايور تويم التون قمج ايور من قيда من معناه انّ القدر تزعم أنّ اسفلها ذهب فتقول

المعرفة اين انا. يضرب هذا فيمن يصلف عند من يعرفه. (Ф, 196)

АШЫЧ (қозон) сўзига *ашыч айур тубим алтун қамыч айур мән қандамән* мисоли келтирилган.

Изоҳ: *قدر* - қозон; *فيه المثل* - у ҳақда масал; *ашыч* - қозон; *айур* - айтар; *алтун* - олтин; *қамыч* - чўмич; *қандаман* - қаердаман; *معناه* - маъноси; *أن تزعم* - таъкидладики; *اسفلها* - у (қозон)нинг туби; *ذهب* - олтин; *تقول* - айтади; *معرفة* - чўмич; *اين* - қаерда; *انا* - мен; *يضرب* - келтирилади; *فيمن* - у (одам) ҳақида; *يصلف* - мақтанади; *عند* - олдида; *من يعرفه* - уни биладиган.

3. Туркий бош сўз + таржима ёки изоҳ + бош сўзни ўз ичига олган бирикма. Мисол:

اج باطن كلّ شيء و منه يقال للوشاح اج قريعى منطقة في الباطن ويقال للسر اج سوز اي كلام في باطن اج ات

اللحم الرقيق الملتصق بالكبد. (Ф,156)

Изоҳ: *باطن* - ич; *كلّ شيء* - ҳар бир нарсанинг; *ل* - учун; *وشاح* - белбоғ; *ич қур* - ич бел-боғ; *منطقة* - жой; *في* - даги; *سر* - сир; *ич сўз* - ич (кўнгил)даги сўз (гап); *اي* - яъни; *كلام* - гап; *لحم* - гўшт; *رقيق* - нозик; *ملتصق* - ёпишиб турадиган; *ب* - билан; *كبد* - жигар.

4. Туркий бош сўз + арабча таржима ёки изоҳ + этимология. Масалан:

تول – الطبل الذى يضرب به للباى فى الصيد. واحسبه مأخوذا من العربية. فقلبت الطاء تاء لقرب مخرج احدهما من

الآخر. كما يقال فى العربية غلط و غلت. و قطرو قتر (136,123).

Таржимаси: ТАВУ(И)Л – овда лочин учун уриладиган довул. Мен буни арабчадан олинган деб ҳисоблайман. Бирининг махражи иккинчисига яқинлигидан «ط» «ت»га айланган, арабчадаги «غلط» ва «غلت», «قَطْر» ва «قَتْر» каби.

5. Туркий бош сўз + таржима ёки изоҳ ёки ҳар иккиси + ҳикмат, ривоят ёки тарихий маълумот. Мисоллар:

\* Бу сўздаги *و* ҳарфи ҳам дамма, ҳам касра билан ҳаракатланган.

يشن - البرق. يقال في حكمة الترك «كمنك بلا قاش بلسا يشن يقماس» معناه من كان معه قاش و هي حجارة بيضاء صافية يتحتم بما لا يضره البرق لأن طبعها كذلك فأنها اذا لقت بكرباس في النار لا تحترق و الكرباس. هذا مجرب. و اذا عطش الرجل فاخذها في فمه تكسر ضارة العطش. (136,16)

Таржимаси: Яшин. Турк ҳикматида айтилади: кимнинг ёнида оқ тош (нефрит) бўлса, яшин урмайди. Маъноси: ким қаш, соф оқ тош, олиб юрса, ўшани яшин урмайди, чунки унинг табиати шундай ва агар у пахтадан тўқилган юпка матога ўралиб, оловда бўлса, оқ тош ёнмайди. Бу текширилган. Агар одам чанқаса ва уни (нефритни) оғзига солса, ташналикнинг зарарини кесади.

Яна бир мисол:

أُيغُر اسم ولاية و هي خمس مداين بناها ذو القرنين حين صالح ملك الترك اخبرني نظام الدين اسرافيل طغان تكين بن محمد جقر طنقا خان عن أبيه قال لما وصل ذو القرنين قرب ولاية ايعربعث اليه خاقان الترك أربعة الاف رجل و اجنحة قلائسهم كاجنحة الشواهين و كانوا يرمون النبل خلفا كما يرمون قداما فتعجب منهم ذو القرنين فقال اينان خد خوند اي هولاء استبد و بما اكلهم لا يحتاجون الى طعام أحد لانهم لا ينفلت الصيد فيأكلونه متى ما ارادوا فسميت الولاية خدخر ثم قلبت الخاء الفا و كذلك يفعل بحروف الحلق تبدل بعضها من بعض خصوصا الخاء بالالف و الالف بالخاء قال محمود صاحب الكتاب و لهذا المعنى كان آباونا الامراء يسمون خمير و الغزية ما قدروا ان يقولوا امير فقلبوا الالف خاء فقالوا خمير... (Ф,33б-35а)

Таржимаси: Уйғур - Зулқарнайн турк шоҳи билан сулҳ қилганда қурган беш шаҳарлик вилоят исми.

Муҳаммад Жақир Тунқохоннинг ўғли Исрофил Тўғонтекин отасидан менга шундай хабар қилди: Зулқарнайн уйғур вилоятига яқинлашгач, турк хоқони унга тўрт минг одамни йўллади. Уларнинг бошларидаги баланд қалпоқпарлари худди лочин қанотидай эди. Ўқни олдиндан қандай отсалар, орқадан ҳам шундай усталик билан отар эдилар. Буларга Зулқарнайн ҳайрон қолди ва *خوند خد اينان* *инон худ хуранд* - булар ўзи топиб егувчилар, бошқаларга муҳтож бўлмовчилар, яъни булардан ов қочиб қутулмайди; қачон хоҳласалар отиб ейдилар, деди. Шундан сўнг вилоят *худ-хур* деб аталди.

*Х алиф* га, яъни *у* га алмашди. Шунга ўхшаш бўғиз ҳарфлари ҳам бири-бирига алмашади. Айниқса *х алиф* га ва *алиф х* га алмашиниши ҳоллари кўп учрайди.

Китоб ёзувчиси Маҳмуд айтди: боболаримизнинг *амир* ни *хамир* дейишлари шунга мисолдир. Чунки ўғузлар *амир* деёлмай, *алиф* ни *х* ҳарфига алмаштириб *хамир* дейдилар... (58,135-136).

6. Умумий ном билдирувчи бош сўз + таржима, изоҳ + хусу-сий ном билдирувчи сўз ёки бирикма. Мисол:

قش الطير اسم جامع ثم يفرّق بعض منها فيقال للبازي الأبيض أرنك قش. قرا قش العقاب. تقي قش النعام. يون قش الطاووس. ايل قش الرحمة... (Ф, 83б-84а)

Таржимаси: *ҚУШ*, жамловчи от, сўнг улардан баъзиси фарқ қилинади ва оқ лочин *јүрүң қуш* дейилади; *қарақуш* - қорақуш; *тәвәй қуш* - туяқуш; *йун қуш* - товус; *әл қуш* - бургутнинг бир тури.

7. Феъл моддалари ўзига хос тартибга эга. Модда йуқа:лу (дейилади) деган сўз билан бошланади, сўнгра феълни ўз ичига олган гап ва унинг таржимаси келади. Ундан кейин феълнинг музориъ (ҳозирги-келаси замон)и ва масдари берилади. Мисоллар:

و يقال «ار اش ييدى» اى أكل الرجل الطعام و غيره. [يير. ييماك]. (136, 74)

Мазмуни: Дейилади: *әр аш йәди* - эр таом ёки бошқа нарсани) еди. [*Йәр, йәмак*].

و يقال «ال اغن يقدى» اى أنه هدم بيته و غيره. [يقار. يقماق]. (136,47)

Дейилади: *ол әвин йықды* - у уйини ёки бошқа нарсани бузди. [*Йықар, йықмақ*].

Феъл моддаларининг таркибида баъзан мақол ёки шеър, баъзан ҳар иккиси ҳам берилади:

و يقال «قل تنكرى كا يكدى» اى سجد العبد لله تعالى. و يقال «تين برخانقا يكدى» اى سجد العليج للصنم. و يقال «ال منكا يكدى» اى أنه طأطأ لى و انخفض احتراماً. [يكنور. يكنماк]. و قال يكنب منكا املدى. كرم ياشن يملدى. بغرم ياشن املدى. الكن بلب ال كجار. يصف طروق طيف حيبه و يقول بأنه حيانى وطأمن لى و اشار بالخدمة نحوى فقد عاجل قذى عيني برؤيته و آسى جرح كبدى و تعبر عنى و هو مسافر. (136,60-61)

Таржимаси: Айтилади «қул таңрига йўқўнди», яъни «қул худога сиғинди». Ва айтилади «туйун бурханқа йўқўнди», яъни бутпараст бутга сиғинди». Ва айтилади «ул мана йўқўнди», яъни «менга бошини эгиб таъзим қилди» [*Йўқўнўр. Йўқўнмәк*]. Ва деди:

*йўқўнўб маңа имлади*  
*козум йашын йәмләди*  
*бағрим башин әмләди*  
*әлкин болуб ўл кочәр.*

У [шоир] ўз дўсти билан бўлган хаёлий учрашувни тасвирлаб шундай дейди: у бош эгиб мени имлади, кўз ёшларимни аритди, бағрим ярасини тузатди, [энди] у йўловчи бўлиб кетяпти.

Яна бир мисол:

و يقال «ال نانك انكر يرادى» اى اّر ذلك الشيء قد وافقه وساغ له. [يرار. يراماق]. و كذلك اذا جاز الشيء. من الجواز. و في المثل «اتا تونى اغل قا يراسا اتاسن تلاماس» معناه لا يريد بعد ذلك حيوة الاب ليأخذ الميراث. و معنى آخر أنّه يستغنى عن الاب في حوايجه.

و منه يقول الغزّية «يول يراسن» اى يوافقك في الطريق مرادك. (136, 62)

Таржимаси: Айтилади «ол наң аңар йаради», яъни «бу нарса унга яради, унга асқатди» [Йарар, йарамақ]. Бир нарса жоиз бўлса шундай [дейилади]. Мақол бор: *ата тони оғулқа йараса атасин тиләмәс*. Маъноси: бундан сўнг (яъни ота тўни ўғилга ярайдиган бўлгач) у отасининг яшашини истамайди. Бунинг яна бошқа маъноси бор: у ўз ҳожатида отасига қарам бўлмайди. Ўғузлар шундай дейдилар: *йол йарасун*, яъни йўлинг тилагингга мос бўлсин.

«Девану луғати-т-турк»даги сўз моддаларининг баъзисида сўзнинг қайси лаҳжага мансублиги, бош сўзнинг талаффузи ва грамматик хусусиятларига ишоралар бор бўлиб, буларни қуйидаги фаслларда баён қиламиз.

#### 4.2. Сўз талаффузи ва маъносининг тушунтирилиши

Маҳмуд Кошғарий туркий бош сўзнинг талаффузини ҳаракат ва фонетик атамалар билан аниқлаб беради. У сўзларнинг ҳаракатини тартиб билан қўйиб чиққан. Масалан, алиф ва та:’ ҳарфлари билан ифодаланадиган *ат*, *от* ва *ит* сўзларининг биринчисида алиф устига фатҳа, иккинчисида дамма, учинчисида касра қўйган. Бу биринчи даражадаги аниқлик бўлиб, ҳамма та-лаффуз ҳолатларини қамрамайди. Фатҳали алиф орқа қатор «а»си билан олд қатор «ä»сини, касрали алиф ёки йа:’ ҳарфи орқа қатор «ы «си билан олд қатор «и»сини, дамма ёки ва:в ҳарфи тўртта лабланган унлини, яъни «о», «ö», «у» ва «ў» унлиларини ўз ичига олади. Булар орасидаги талаффуз фарқини Маҳмуд Кошғарий махсус атама ва сўзлар билан ифодалайди. Масалан: *ат* (от) сўзидаги «а»нинг орқа қатор «а»си эканлигини Маҳмуд Кошғарий «би-ишба:ъи-л-алиф» (Ф,15а), яъни «алифнинг ишба:ъи - «а»нинг қалин (тилорқа) талаффузи билан» деб тушунтиради. Бу сўздан сўнг яна фатҳали алиф билан ифодаланган *ät* (эт) сўзидаги «ä»нинг олд қатор «ä»си эканлигини «би-ишма:ми-л-алиф» («ишма:м» ўрнида «има:ла» бўлиши керак), яъни «алифнинг ингичка талаффузи билан» деб изоҳлайди. «Тешик, ёрик» маъносидаги алиф, ва:в ва та:’ билан ифодаланган *üt* сўзидаги «ў»нинг лабланган, тор, олд қатор товуши эканини «би-шаммати-л-ва:в» (Ф, 17б), яъни «лабланган ва:в билан» деб аниқлаган. Бу сўздан кейинги шу шаклда ёзилган

«танадаги ўт» маъносидаги *от* сўзидаги «о»нинг талаффузига «ақаллу шамматин минху», яъни «унга нисбатан озроқ лабланган» деб изоҳ берган.

Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларга изоҳ беришда ўрнига қараб турли услублардан фойдаланади. У шаклдош сўзларни алоҳида бир-биридан ажратиб маъно беради:

АРТ (энса, бўйин) - ارت الرقبة

АРТ (давон) - (Ф, 17а) ارت العقبة

ЎҒУР (вақт) - أغر الوقت

ЎҒУР (давлат, бойлик) - أغر الدولة

ЎҒУР (имкон ва қулай вақт) - أغر الامكان و الفرصة

ЎҒУР (бадал) - أغر العوض

ЎҒУР (эзгулик ва барака) - (Ф, 19б-20а). أغر الخيرو البركة

Баъзан бир сўзнинг турли маъноларини ҳам арабчага турлича таржима қилинишини ҳисобга олиб алоҳида моддаларга ажратиб беради:

ТИЛ (нутқ) - تل الكلام

ТИЛ (тил) - (Ф, 85а). تل اللسان

Маҳмуд Кошғарий «Девану луғати-т-турк»да туркий сўзнинг маъносини ифодалашда, арабчада уни бир сўз билан бериш мумкин бўлса, бир сўз билан кифояланади. Масалан: «Девану луғати-т-турк»да «ит» сўзига унинг арабча эквиваленти «كلب» (Ф, 15а), «ум» (шалвор) сўзига «سراويل» (Ф, 16а), «иг» (касаллик) сўзига «مرض» (Ф, 18а), «бай» (бой) сўзига «غني» (136, 118), «тайақ» (таёқ) сўзига «عصا» (136, 124) сўзлари берилади.

Зарур бўлган ўринларда Маҳмуд Кошғарий туркий сўзнинг маъносини икки ва ундан ортиқ сўз билан ифодалайди. Масалан:

يملان – نوع من الجرذ. (136, 28)

ЙАМЛАН - каламушнинг бир тури

يراغو – المطرب و المغنى. (136, 27)

ЙИРАҒУ- чолғучи ва ашулачи.

يرش – مقاسمة المال بين الرجلين. (136, 8)

ЙАРИШ - пулнинг икки киши ўртасида тақсимланиши.

Баъзан бирор сўзнинг маъносини арабчада икки сўз билан берадиган бўлса, уларнинг бирини ўша сўзнинг ёнида, иккинчисини мисол таржимасида беради. Масалан: «алп» сўзига арабча «شجاع» (ботир) ва «بطل»

(қахрамон) деб маъно беради. Аммо биринчисини «алп»дан кейин ёнма-ён, иккинчисини мисол тарзида келтирилган мақолда беради:

الب الشجاع و فيه المثل الب يغيدا الجق جغيدا معناه إنما تختبر البطل عند ملاقة العدو كما أنّ حلم الحليم يجرب في

الجدال. (Ф,17а).

АЛП – ботир ва унга масал: *алп йағыда алчақ чуғида.*

Аниқ таржима қилиб бўлмайдиган ҳолларда Махмуд Кошғарий туркий сўзнинг маъносини изоҳлаш услуби орқали ифода-лайди. Масалан:

إق الربوالذى يرتفع من الصدر اذا شرب الماء البارد وأكل عليه الخبز. (Ф,16а).

ЫҚ – совуқ сув ичиб, устидан нон ейилганда кўкракдан чиқадиган нафас зарби (иқичок).

### 4.3. Сўзнинг лаҳжаларга мансублиги

Махмуд Кошғарий баъзи сўзларнинг қайси лаҳжага мансублигини ҳам кайд этади. Масалан: у қуйидаги сўзларни ўғуз лаҳжасига мансуб деб кўрсатади: *байрам* (134, 401) - ҳайит куни, *қува* (136, 179) - челақ, *сажа* (136, 165) - қуш, *кажа* (136, 165) - наMAT, *сық* (136, 95) - кам, *қарынча* (136, 277) - чумоли ва ҳ.к. Арғу лаҳжасига *балқ* (134, 317) - лой, *баштар* (134,379) - ўроқ, *битрик* (134,395) - писта, *гәжәк* (134, 328) - гажақ, *кокил*, *изрик* (134, 94) - қаттиқ нарса, *огла* (134, 116) - ёш йигит; яғмо лаҳжасига *бышық* (136,17) - пишган (гўшт), *мун* (134, 285) - уврали шўрва; турк лаҳжасига *бөгдә* (134, 32) - ханжар, *чиган* (134,34) - камбағал; қипчоқ лаҳжасига *бутти* (129, 237) – яратил-ди, *сусгақ* (134, 391) - чўмич; қанжак лаҳжасига *бўшинчәк* (134, 418) - узум боши, *лучнут* (134,377) - ҳашар ва ҳ.к.; чигилчага *имитли* (134, 126) - бемулоҳазалик, *кўч йағы* (136, 86) - кунжут ёғи, *намыжа* (134, 371) - божа, *сиз* (136,89) - сиз (хурмат маъно-сида); қарлук лаҳжасига *сағурды* (129, 66) - шимирди, *суғут* (134, 297) - сузма ва ҳ.к. сўзларни киритади.

Бу бобни қуйидагича яқунлаш мумкин:

- «Девану луғати-т-турк»даги сўз моддаларининг таркиби ва туркий бош сўзга маъно бериш услублари иложи борича ўқувчига кўпроқ маълумот беришга қаратилган. Бу мақсадга эришиш учун Махмуд Кошғарий мақол, шеър парчалари, ривоят ва тарихий, географик, этнографик маълумотлардан фойдаланган;

- Махмуд Кошғарий сўзларга маъно бериш ва уларнинг қўлланишини кўрсатиб беришда таржима, изоҳ ва мисоллардан ўринли фойдаланган. Бунда у туркий лаҳжалар ва араб тилининг ўзига хос хусусиятларини назарга олиб иш кўрган.

- Олим лозим бўлган ўринларда сўзларнинг талаффузини ҳам тушунтирган. Бунда у ҳаракатлардан ва фонетик атама ва махсус сўзлардан самарали фойдаланган.

## ХУЛОСА

XI асрда яшаган биринчи туркшунос, лаҳжашунос ва қиёсий услуб соҳиби Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асари бизгача етиб келган нодир қўлёзмалардан ҳисобланади. Бу асар туркий сўзларнинг арабча изоҳли луғати бўлгани учун илмий жиҳатдан алоҳида қийматга эга бўлиб, жаҳон тилшунос олимлари эътиборини тортиб келмоқда. Уни ҳар томонлама тадқиқ қилиш туркий халқларнинг, шу билан бирга ўзбек халқининг тарихи, этнографияси, сўз бойлиги, адабий меросини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Бу луғатнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, у бизгача етиб келган туркшуносликка оид энг қадимий асардир.

Унда туркий халқларнинг тили ва адабиёти, маданияти ва маънавияти, сиёсати ва иқтисодиёти ҳақида қимматли илмий маълумотлар берилган.

Бу асарнинг қўлёзмаси битта нусхада бўлиб, ҳозирги кунда унинг бир босма, икки факсимиль наشري бор. Бу асар турк, ўзбек, уйғур, инглиз, қозоқ, форс тилларига тўлиқ, немис ва туркман тилларига қисман таржима қилинган. Русча, озарбайжонча таржималари ҳам амалга оширилган бўлиб, улар нашр этилмаган.

Маҳмуд Кошғарий дунё фан тарихида қиёсий-тарихий ва чоғиштирма услубларни қўллаган биринчи тилшунос ва туркшуносликка асос солган олимдир.

«Девану луғати-т-турк»нинг ҳозир фанга маълум ягона қўлёзма нусхасини хаттот Муҳаммад ибн Абубакр ибн Абулфатҳ ҳижрий 664 йил шаввал ойининг йигирма етти-сидда (2 август 1266) Маҳмуд Кошғарийнинг дастхати билан ёзилган нусхадан кўчириб бўлган. Айни пайтда бу қўлёзма Истанбулдаги Миллат кутубхонасида сақланмоқда.

Бу қўлёзма матни бир нечта ўзига хос хусусиятларга эга, яъни кўп ҳолларда *та:* ' *марбутанинг* нуқталари, ҳозирги замон феълларидаги жинсни фарқловчи *та:* ' ва *йа:* ' олд қўшимчаларининг нуқталари, *васла* тушиб қолган; *ҳамзадан* ва *йа:* ' ҳарфидан олдин келган *алиф* устига *мадд* қўйилган; *ҳамза* учун марказ сифатида нуқтали *йа:* ' ишлатилган; чўзиқликни ифодалаш учун *алифдан* олдин *фатҳа*, *йа:* ' ҳарфидан олдин *касра* белгиси қўйилган; *си:н* ҳарфи тагига баъзан уч нуқта қўйилган; баъзи туркий сўзларда бир ундош бир нечта ҳаракат олган; айрим сўзлар, кўчирмалар, ҳикоялар ўз ўрнида берилмаган.

Қўлёзмада Маҳмуд Кошғарий йўл қўйиши мумкин бўлмаган хатоларнинг кўплиги хаттотнинг туркий тилларни ҳам, араб тилини ҳам яхши билмаслигидандир.

«Девану луғати-т-турк»нинг 1915-1917 йилларда Истанбулда Аҳмад Рифъат нашр қилдирган босма матнида хаттотнинг кўпгина хатолари тузатилган. Лекин босма нашр ва қўлёзма матни солиштирилганда баъзи сўзларнинг ўқилишида тафовут борлиги кўринади. Буларнинг бир қанчаси туркчага таржима қилиш жараёнида Бесим Аталай томонидан тузатилган.

Аҳмад Рифъат қўлёзмада тушиб қолган айрим сўзларни қайта тиклаш билан бирга қўлёзмада мавжуд бўлган баъзи сўзларни гоҳ ўринли, гоҳ ўринсиз олиб ташлаган. Айни пайтда қўлёзмада Аҳмад Рифъат тузата олмаган ноаниқ сўзлар ҳам бор. Бундай сўзларнинг айримлари таржималарда ё тузатилмаган, ё нотўғри тузатилган.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девану луғати-т-турк» асари муқаддима ва луғат қисмларидан иборат. Муқаддимада турклар, туркий тиллар, турк сўзларининг график, фонетик ва морфологик хусусиятлари ҳақида маълумот ва турклар яшайдиган ҳудудлар кўрсатилган дунё харитаси бор.

Асарнинг луғат қисмига фақат туркий сўзлар киритилган. Сўзлар вазн ва алифбони ҳисобга олиб жойлаштирилган. Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларнинг эллиқдан ортиқ вазнларини кўрсатган. У баъзи ўринларда вазндан сўнг «турли ҳаракатли» деб қўшиб қўяди. Бу вазн шаклан кўпайиб кетиши мумкин бўл-ган ҳолларда қўлланган ўзига хос услубдир.

«Девану луғати-т-турк»нинг қўлёзмасида ҳам, таржималарида ҳам сарлавҳаларнинг фихристи берилмаган. Таржималарда луғат қисмидаги сарлавҳалар орасида нотўғри таржима қилинган ёки тушириб қолдирилганлари ҳам бор. Бу ҳол айрим атамаларнинг маъноси яхши ўрганилмаганидандир.

Маҳмуд Кошғарийнинг тушунча ва атамаларга оид илмий ижодкорлиги туркий тилларнинг ўзига хос ҳодисаларини ифодалашда кўринади. Бу борада у уч йўлни танлайди: биринчиси, арабий атамаларга туркий маъно бериш; иккинчиси, мавжуд атамага сифат орттириш; учинчиси, юқоридаги икки йўлдан фойдаланиб бўлмайдиган ҳолда янги атамалар яратиш.

Таржималарда айрим атамаларнинг маъносини тушунишда чалкашликлар бор. Асарда «тил» маъносида асосан «лиса:н» сўзи қўлланган, «луға» атамаси «сўз» ва «тил» маъноларида келган. «Луға» атамасининг «тил» маъноси битта тил ёки лаҳжага нисбатан берилган. Кўплик шакли эса фақат «сўзлар» маъносини англатади, жумладан, асарнинг номида ҳам.

Маҳмуд Кошғарий «ишба:ъ» атамасини туркий тиллардаги олд қатор ва орқа қатор унлилар араб графикасида бир хил ифодалангани учун биридан фарқлаш мақсадида орқа қатор унлиларга нисбатан қўллаган.

«Има:ла» атамаси ўрта тор кўтарилишдаги олд қатор унлилари «о» ва «ä»га нисбатан ишлатилган. «Ишма:м» атамаси унлиларнинг лабланишини англатади. Маҳмуд Кошғарий «ҳаракат» ва унга оид атамалардан фойдаланганда бу атамаларнинг сифатдоши, ўтган ва ҳозирги-келаси замон шакллари ҳам кенг қўллайди. Асарда «сифат» атамаси кенг маънода, яъни туркий сифатдошларга ҳам ишлатилган. Маҳмуд Кошғарий «масдар» атамасини ҳам кенг маънода қўллаб, бу туркумни туб масдар ва аслида масдар бўлмай бирор сўз қўшиш билан ясалган масдар турларига бўлади. «Девану луғати-т-турк»да «зава:ту-с-сала:са» атамаси қисқа унли сифатида ўкиладиган алиф, ва:в ёки йа:’ ҳарфи бор сўзларга, «зава:ту-л-арбаъа» атамасини алиф, ва:в, йа:’ ҳарфлари қисқа унли сифатида ва «в», «й» деб ўкиладиган сўзларга қўлланади.

Маҳмуд Кошғарий туркий қўшимчаларни «зийа:да:т» деб атайди. «Ҳарф» атамаси Маҳмуд Кошғарийда нутқ товуши ва товушнинг ёзувдаги белгисига нисбатан ишлатилиши билан бирга морфологик бирликларга нисбатан ҳам қўлланади. Бу туркумга кўмакчи, боғловчи, юклама, қўшимча, ундов ва сўроқ сўзларни киритади.

Асардаги сўз моддалари оддий луғатларга нисбатан бой ва ранг-баранг бўлиб, уларнинг таркиби ва туркий бош сўзга маъно бериш услублари ўзига хосдир. Булар:

- туркий бош сўздан кейин арабча таржима;
- туркий бош сўздан кейин арабча таржима ёки изоҳ, ёки ҳам таржима, ҳам изоҳ;
- туркий бош сўздан кейин таржима ёки изоҳ. Ундан кейин бош сўзни ўз ичига олган бирикма;
- туркий бош сўздан кейин арабча таржима ёки изоҳ. Ундан кейин этимология;
- туркий бош сўздан кейин таржима ёки изоҳ ёки ҳар иккиси. Ундан кейин мақол, ривоят ёки тарихий маълумот;
- умумий ном билдирувчи сўздан кейин таржима ва изоҳ. Ундан кейин хусусий ном билдирувчи сўз ёки бирикма;
- феъл моддаларида «йуқа:лу» сўздан кейин феълни ўз ичига олган гап ва унинг таржимаси. Ундан кейин феълнинг ҳозирги-келаси замони ва масдари берилади.

Маҳмуд Кошғарий сўзларга маъно бериш ва уларнинг қўлланишини кўрсатиб беришда таржима, изоҳ ва мисоллардан ўринли фойдаланган. Бунда у туркий лаҳжалар ва араб тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган.

Олим керакли ўринларда сўзларнинг талаффузини ҳаракатлардан, фонетик атама ва махсус сўзлардан самарали фойдаланган ҳолда тушунтирган.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 325 с.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 с.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 382 с.
4. Абдурахмонов Г.А. Исследование по староузбекскому синтаксису (XI век), – М.: Наука, 1967. – 210 с.
5. Абдурахмонов Г.А. К вопросу о генезисе а. // ОНУ. №5. – Т. 1963. – С. 56-57.
6. Абдурахмонов Г.А. Тарихий синтаксис. – Т.: Фан, 1974. – 194 с.
7. Абдурахмонов Г.А. Ўзбек тили фонетикаси тарихидан. // ЎТА. 1963. №2. – 16-24 с.
8. Абдурахмонов Г.А., Муталибов С. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Т.: Фан, 1967. – 543 с.
9. Абдурахмонов Г.А., Рустамов А. Қадимги туркмий тил. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 166 с.
10. Абдурахмонов Г.А., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 320 с.
11. Асланов В.И. «Дивану лугат-ит-тюрк» Махмуда Кашгари и азербайджанский язык. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 61-64.
12. Ахаллы С. Махмуд Кашгарынын созлуги ве туркмен дили. – Ашгабат, 1958. – 206 с.
13. Ахвледиани В.Г. Фонетический трактат Авиценны. – Тбилиси: Мецниереба, 1966. – 183 с.
14. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. Русский язык, – М., 1985. – 943 с.
15. Баскаков Н.А. Историко-типологическая фонология тюркских языков. – М.: Наука, 1988. – 208 с.
16. Баскаков Н.А. Тюркские языки. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1960. – 242 с.
17. Бобир. Мухтасар, нашрга тайёрловчи С. Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – 240+344 (Факсимиль) с.
18. Боровков А.К. «Бада’и Ал-лугат», Словарь Тали’ Имани Гератского. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1961. – 15 с.

19. Боровкова Т.А. Грамматический очерк языка «Дивану лугат-ит-турк» Махмуда Кашгари. АКД. – М., 1966. – 15 с.
20. Боровкова Т.А. Относительно первого издания словаря Махмуда Кашгарского. // Народы Азии и Африки. №5. 1964. – С. 133-135.
21. Боровкова Т.А. О фонетической терминологии в словаре Махмуда Кашгарского «Дивану лугат-ит-турк». // ОЛЯ. №6. 1966. – С. 528-531.
22. Гарипов Т.М. Махмуд Кашгарский и кипчакские языки Урало-Поволжья. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 47-51.
23. Гранде Б.М. Введение в сравнительное изучение семитских языков. – М.: Наука, 1972. – 442 с.
24. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. Институт народов Азии и Африки. изд. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. – 594 с.
25. Дадабоев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Т.: Фан, 1990. – 213 с.
26. Дадабоев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв., АДД, – Т., 1992. – 55 с.
27. Демирчизаде А.М. Сравнительный метод Махмуда Кашгари. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 31-42.
28. Древнетюркский словарь, – Л.: Наука, 1969. – 676 с.
29. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. – М.: Изд-во Московского университета, 1958. – 80 с.
30. Ибрагимов С., Асамиддинов М. Отражение профессиональной терминологии в «Дивану лугат-ит-тюрк» и «Кудадгу билиг». // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 114-122.
31. Исломов З.М. Махмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар тахлили. НДА. – Т., 1993. – 28 с.
32. Кадыров Т.Ш. Влияние арабской лингвистической традиции на персидскую лексикографию (на материалах двуязычных словарей «Абушка», «Санглах» и «Хуласа=йе ‘Аббаси»). // Тезисы докладов на рабочем совещании по лингвистической традиции в странах Востока Института востоковедения АН СССР 14-16 марта 1988 г. – М.). – М., 1988. – С. 79-82.
33. Кадыров Т.Ш. Краткая лексикографическая характеристика словаря «Хуласа=йе ‘Аббаси» Мухаммада Хувеййи. // Сб. науч. Трудов ТашГУ. №721 (Вопросы грамматики и лексикологии восточных языков). – Т., 1984. – С. 45-56.

34. Кадыров Т.Ш. О некоторых лингвистических терминах, употребляемых в словаре «Хуласа=йе 'Аббаси» Мухаммада Хувеййи. // Сб. науч. Трудов ТашГУ. №721 (Вопросы гоамматики и лексикологии восточных языков). – Т., 1984. – С. 73-80.
35. Кадыров Т.Ш. О словаре «Хуласа=йе 'Аббаси» Мухаммада Хувеййи. // Советская тюркология. №3. 1984. – С. 72-74.
36. Кадыров Т.Ш. О трех лингвистических терминах «Хуласа=йе 'Аббаси» Мухаммада Хувеййи. // Советская тюркология. №1. 1985. – С. 71-74.
37. Кадыров Т.Ш. Филологическое исследование словаря «Хуласа=йе 'Аббаси» Мирзы Мухаммада Хойи. АКД. – Т., 1988. – 24 с.
38. Караев О. Историко-географические данные, сообщаемые Махмудом Кашгари. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 111-113.
39. Кариев У.З. Лексикографическое произведение Замахшари «Ал-фа'ик фиғариб ал-хадис». // Общественные науки в Узбекистане. №12. 1971. – С. 53-55.
40. Кляшторный С.Г. Эпоха Махмуда Кашгарского. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 18-23.
41. Кононов А.Н. Махмуд Кашгарский и его «Дивану луғат ит-турк». // Советская тюркология. №1. 1972. –С. 3-17.
42. Крачковский И.Ю. К истории словаря Ал-Халиля. Избранные сочинения. Т.1. изд. АН СССР. – М.-Л., 1955. – 469 с.
43. Курышджанов А.К. Махмуд Кашгари о кыпчакском языке. // Советская тюркология. №1. 1972. –С. 52-60.
44. Курышджанов А.К. Исследование по лексике «Тюркско-арабского словаря». – Алма-Ата, 1970. – 233 с.
45. Курышджанов Э., Қайырбаева Р. XI ғасырда жасаған турлітайраларынын тіліндегі сын есім тудыратын журналдар (М.Қашғари еңбегінің материалдары бойынша). // Қазақ ССР Ғылым академиясының Хабаршысы. №9. 1980. – 47-43 с.
46. Кучкартаев М. Лексика «Дивану лугат-ит-тюрк» Махмуда Кашгари и современный узбекский литературный язык. // Советская тюркология. №1. 1972. –С. 83-90.
47. Матгазиев А. К истории фонетического изменения слов в узбекском языке. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 106-110.
48. Махмудов К. Фонологические особенности тюркоязычных письменных памятников XIII-XIV вв. АДД – Т., 1992. – 42 с.
49. Махпиров В.У. Вопросы этнической истории тюркских племен в «Дивану лугат-ит-тюрк» Махмуда Кашгарского. Исследование по

- киргизскому и казахскому языкознанию. // Материалы науч. конференции молодых ученых-языковедов Киргизии и Казахстан. – С. 28-29.
50. Махпиров В.У. Историко-географические данные в «Дивану лугат-ит-тюрк» Махмуда Кашгарского. // ИАН КазССР. сер. Филол., №3. 1982. – С. 16-21.
51. Махпиров В.У. Историко-географические данные в «Дивану лугат-ит-тюрк» Махмуда Кашгарского и вопросы тюркской топонимики. // Тюркская ономастика. Алма-Ата, 1984. – С. 154-163.
52. Махмуд Қашқари. Нашрга тайёрловчи: Асқар Эгубай. Турик сөздиги. –Т-1. –Алматы, 1997. – С. 590.
53. Махмуд Қашқари. Нашрга тайёрловчи: Асқар Эгубай. Турик сөздиги. –Т-2. –Алматы, 1997. – С. 525.
54. Махмуд Қашқари. Нашрга тайёрловчи: Асқар Эгубай. Турик сөздиги. –Т-3. –Алматы, 1998. – С. 597.
55. Махмудов Қ. XI-XIV аср ёзма ёдгорликлари тилида Д>З>Т>З>Й>Г ёки Д/З/Т/З/Й/Г фонетик ҳодисаси. // Тўп.: Ўзбек тили тарихий масалалари. – Т.: Фан, 1977. – 77-91 с.
56. Махмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалари тилининг фонетик системаси. – Т.: Фан, 1990. – 226 с.
57. Мусабоева З.М. Омонимы в «Луғат=ит=тюрк» Махмуда Кашгарского (XI в.). АКД. Фрунзе, 1978. – 46 с.
58. Муталлибов С.М. Махмуд Кошғарий, Туркий сўзлар девони /Девону луғотит турк/. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. Т.1. – Т.: ЎзССР ФА, 1960. – 499 с.
59. Муталлибов С.М. Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони /Девону луғотит турк/. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. Т.2. – Т.: ЎзССР ФА, 1961. – 427 с.
60. Муталлибов С.М. Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони /Девону луғотит турк/. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. Т.3. – Т.: ЎзССР ФА, 1963. – 466 с.
61. Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк (XI аср ёзма ёдгорликлари асосида), – Т.: ЎзССР ФА, 1959. – 240 с.
62. Муталлибов С.М. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси. Тил тарихига доир материаллар. – Т.: ЎзССР ФА, 1955. – 79 с.
63. Мухлис Ю. Об уйгурском переводе «Дивану лугат-ит-тюрк». // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 150.
64. Навои Алишер. Сб. статей под редакцией чл.-корр. АН УзССР А.К. Боровкова. изд. – М.-Л.: АН СССР. 1946. – 236 с.

65. Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 93 с.
66. Нигматов Х.Г. Морфология тюркского глагола по материалам словаря Махмуда Кашгарского. АКД. – Л., 1970. – 24 с.
67. Нигматов Х.Г. Некоторые особенности тюркских авторских примеров в «Диване» Махмуда Кашгари. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 100-102.
68. Нигматов Х.Г. Отыменные основообразование тюркского глагола в XI веке. // Советская тюркология. №3. 1971. – С. 33-42.
69. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Т.: Фан, 1989. – 192 с.
70. Орузбаева Б.О. Словарь Махмуда Кашгари как источник для изучения киргизского языка в историческом плане. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 43-46.
71. Осмоналиева Б. Об отражении лексики киргизского языка в словаре Махмуда Кашгари «Дивану лугат-ит-тюрк». // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 97-99.
72. Рагимов М.Ш. «Дивану лугат-ит-тюрк» Махмуда Кашгари и древнетюркские элементы в говорах азербайджанского языка. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 75-82.
73. Расулова Х. Шайх Сулаймон Бухорийнинг асарида қайд этилган лингвистик атамалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. №2. 1975. – С. 71-78.
74. Резолюция тюркологической конференции, посвященной 900-летию труда Махмуда Кашгарского «Дивану лугат-ит-тюрк». // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 156-157.
75. Ромаскевич. Новый чигатайско-персидский словарь. // Сб. Мир Али Шир. – Л., 1928. – С. 83-89.
76. Рустамов А. Махмуд Кашгарский о словах с звуковой оболочкой qaq, // Turcologica. К семидесятилетию академика А.Н.Кононова. – Л., 1976. – С. 146-149.
77. Рустамов А. О переводе «Дивану лугат-ит-тюрк» Махмуда Кашгарского на русский язык. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 129-239.
78. Теншиев Э. Указатель грамматических форм к «Дивану тюркских языков» Махмуда Кашгарского. // Сб. Вопросы казахского и уйгурского языкознания. Т.3. – Алма-Ата: АН КазССР, 1963. – С. 190-212.
79. Умаров З.А. Грамматика староузбекского языка «Мабани ул-лугат» Мирзы Мехдихана. АКД. 1967. – 18 с.

80. Умаров З.А. Мирзо Махдихоннинг «Мабониул-лугат» асарида ишлатилган лингвистик терминлар. // Илмий ишлар. Шарқ филологияси масалалари. №240. – Т., 1964. – 90-95 с.
81. Умаров Э.А. Вокализм староузбекского языка XV в. Институт Языкознания АН Республики Узбекистан. – Т., 1991. – 19 с.
82. Умаров Э.А. Материалы по фонетике староузбекского языка. ИЯиЛ им. Навои. – Т.: Фан, 1999. – 20 с.
83. Умаров Э.А. О двух омонимах в «Диване» Махмуда Кашгари. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 103-105.
84. Умаров Э.А. Словари староузбекского языка и вопросы фонетики. – Т.: Фан, 1994. – 46 с.
85. Усмонов А. Мухакамат ал-Луғатайн Алишера Навои. – Т.: АН УзССР, 1948. – 128 с.
86. Усмонов К.Б. Проблемы языковой приемственности среднеазиатских тюркоязычных памятников XI-XIV вв. и современных тюркских языков Средней Азии. // АН УзССР, Институт языка и литературы им. А.С.Пушкина. – Т., 1979. – 21 с.
87. Фазылов Э.И., Данилова Л.В. Всесоюзная тюркологическая конференция, посвященная 900-летию Махмуда Кашгари «Дивану лугат-ит-тюрк». // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 151.
88. Фазылов Э.И. Категория залога в узбекском языке в сравнительно-историческом освещении. АКД. – Т., 1961. – 16 с.
89. Фазылов Э.И. Об изданиях и издателях «Дивана» Махмуда Кашгари // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 140-149.
90. Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. АДД. – Т., 1967. – 212 с.
91. Фазылов Э.И. Староузбекский язык (хорезмийские памятники XIV века). Т.2. – Т.: Фан, 1971. – 778 с.
92. Файзуллаева Ш.А. исследование языка памятника XIV в. «Китабу булгат ал-муштак фи лугат ат-турк ва-л-кифчак» Джамал Ад-дина Ат-турки (грамматика, лексика, глоссарий и перевод памятника). АКД. – Т.: Фан, 1969. – 24 с.
93. Фозилов Э.И. Шарқнинг машхур филологлари. Махмуд Кошғарий, Абу Хайём, Жамолиддин Туркий. – Т.: Фан, 1971. – 80 с.
94. Фозилов Э.И. Қадимги ёдгорликларда сон категорияси. // ЎТА. 1963. №1. – 46-51 с.
95. Хайитметов А. О древней поэзии тюрков. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 123-124.

96. Хасанов Б. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои. АДД. – Т., 1989. – 42 с.
97. Чороев Т.К. Махмуд ибн Хусейн Ал-Кашгари Жана анын «Туркий тилдер соз жынагы». – Фрунзе: Кыргызстан, 1990. – 88 с.
98. Шорахмедова Н.Я. Словарь «Хамса ба Халли луғат» как источник узбекской лексикографии. АКД. – Т., 1990. – 25 с.
99. Ширалиев М.Ш. Махмуд Кашгари как диалектолог. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 24-30.
100. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Т.: ЎзССР ФА, 1962. – 371 с.
101. Шукуров Ш. Настоящие и будущие времена глагола в письменных памятниках староузбекского языка. АКД. – М., 1960. – 24 с.
102. Шукуров Ш. Староузбекский и современный узбекский литературные языки. // Советская тюркология. №1. 1972. – С. 91-96.
103. Шукуров Ш. Феъл тарихидан, Қадимги туркий ёдгорликлар тилида сайл ва замон формалари. – Т.: Фан, 1970. – 107 с.
104. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: АН СССР, 1962. – 274 с.
105. Щербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII веков из Восточного Туркестана. – М.-Л.: АН СССР, 1961. – 204 с.
106. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л.: Наука, 1970. – 202 с.
107. Юнусов А. Исследование памятника XIV в. «Таржуман турки ва ’Ажами ва мугали» (Морфология, лексика, словарь, перевод). АКД. – Т., 1973. – 25 с.
108. Эргашеа У. «Девону луғотит турк» форс тилида // Ибн Сино. 2002. №8. – С. 44.
109. Қориев Ў.З. Махмуд Замахшарий ва унинг «Ал-фоик фи ғариб ил-ҳадис» луғати. – Т.: ТДШИ, 1995. – 88 с.
110. Ҳакимжонов М.Ю. Махмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили (исмлар). НДА. – Т., 1994. – 19 с.
111. Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиначиси, – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат н-ти, 1989. – 98 с.
112. Ҳасанов Ҳ.Ҳ. Махмуд Кошғарий. – Т.: ЎзССР ФА, 1963. – 83 с.
113. Abdullah Taymas, Divanü lügat-it-türk tercümesi. Turkiyat mecmuasi. Cilt VII-VIII. 1940-1942. Cüz 1. Istanbul, 1942. – S. 215-238.
114. Abdullah Taymas. Divanü lügat-it-türk tercümesi. Turkiyat mecmuasi. Cilt IX. 1946-1951. Cüz 2. Istanbul, 1951. – S. 75-99.

115. Atalay B. Divanü lûgat-it-türk tıpkıbasımı. Ankara, 1941. – 628 s.
116. Brockelmann C. Arabische grammatik paradigmien, literatur, übungsstucke und glossar. Leipzig, 1953. – P. 277-94.
117. Brockelmann C. Mitteltürkischer wortschatz nach Mahmūd al-Kāšgaris Divān Luğat it-türk. Budapest-Leipzig. 1928. – 252 p.
118. Clauson Sir Gerard. An Etymological Dictionary of Pre=Thirteenth-Century Turkish, Oxford at the clarendon press. 1972. – 998 p.
119. Divanü lûgat-it-türk dizini. Endeks. Yazan: Besim Atalay. – Ankara. 1943. – 885 s.
120. Divanü lûgat-it-türk dizini. Türk dil kurumu yayınları. – Ankara, 1972. – 168 s.
121. Divanü lûgat-it-türk tercümesi/çeviren: Besim Atalay. C.1. – Ankara, 1939. – 530 s.
122. Divanü lûgat-it-türk tercümesi/çeviren: Besim Atalay. C.2. – Ankara, 1940. – 366 s.
123. Divanü lûgat-it-türk tercümesi/çeviren: Besim Atalay. C.3. – Ankara, 1941. – 452 s.
124. Fitret. Serf. Birinci kitob. 6 inci basma. Samarkand-Toşkent: Özbekistan Devlet Nesriyatъ, 1930. – 43 s.
125. Hartmann M. Divan Lûgat at-Türk'e fit birkaç mülahaza, Milli Tettebbuler Mecmuasi. Cilt 2. №4. – S. 168-169.
126. Kâşgarli Mahmud, Dîvânü lûgati-t-türk. Tıpkibasim/Facsimile, Kültür bakanlığı. – Ankara, 1990. – 237 s.
127. Mahmud al-Kāšgari. Compendium of the turkic dialects (Dîvân Luyāt at-türk), Edited and translated with introduction and indices by Robert Dankoff in collaboration with James Kelly. Printed of the Harvard University Printing Office. Part1-1982. – 304 p.; Part 2-1984, – 381 p.
128. Pritsak O. Kāšgaris Angaben uder die Sprache der Bolgaren, Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft. Band 109-Heft1. Neue Folge Band 34. Wiesbaden. 1959. – 116 s.
129. Pritsak O. Mahmud Kāšgari kimdir? Turkiyat mecmuasi. Cilt X. Istanbul, 1953. – S. 243-246.
130. Sanglax by Muhammad Maxdixān, Facsimile text, introduction and indicis by Clavson. «E.J.W. gibb memorial» new series. XX. London, 1960. 113+ Facsimile pp.
131. Togan Z.V. Mahmud Kāšgari'ye ait notlar. Atsiz Mecmuasi. №17. Istanbul, 1932. –S. 3.

132. ديوان لغات الترك. محمود بن حسين بن محمد كاشغرى. ترجمه و تنظيم و ترتيب الفبايى دكتور سيد محمد دير سىاقى. تهران. 1375. ص. 1101.
133. لويس معلوف. المنجد فى اللغة و الادب و العلوم. المطبعة الكاثوليكية، بيروت. 1960، 591 ص.
134. محمود الكاشغرى. كتاب ديوان لغات الترك. دار الخلافة العلية - مطبعة عامره. جلد اول 1333. 12+439 (ياكلشليك طوغروسى) ص.
135. محمود الكاشغرى. كتاب ديوان لغات الترك. دار الخلافة العلية - مطبعة عامره. جلد ثانى. 1333. 319 ص.
136. محمود الكاشغرى. كتاب ديوان لغات الترك. دار الخلافة العلية - مطبعة عامره. جلد ثالث. 1333. 351 ص.
137. غياث الدين رامپورى، غياث اللغة. مطبعة رزاقى، كانپور، 1333 هـ. 626 ص.
138. محمود الكاشغرى. تركى تيلار ديوانى، شينجان خلق نشرياتى، نشركا تيارلاوچى ابراهيم موتعى (مسؤول محرر) و باشقلار، اورومچى، 1 جلد، 1981، 62+688 ص.
139. محمود الكاشغرى. تركى تيلار ديوانى، شينجان خلق نشرياتى، نشركا تيارلاوچى ابراهيم موتعى (مسؤول محرر) و باشقلار، اورومچى، 2 جلد، 1981، 534 ص.
140. محمود الكاشغرى. تركى تيلار ديوانى، شينجان خلق نشرياتى، نشركا تيارلاوچى ابراهيم موتعى (مسؤول محرر) و باشقلار، اورومچى، 3 جلد، 1981، 612 ص.

**Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти=т=турк” асарида қўлланган  
тилшунослик атамалари**

ДЛТдаги маъноси	Атама қўлланган жилд, саҳифа ва қатор рақами (АР нашри бўйича)	Атама
	1	
товуш алмашуви, ўзгариши	(10) 117 – 1	إِبْدَالٌ
товушни алмаштирмақ, ўзгартирмақ	331 ؛(4) 321 ؛(12) 300 ؛(12) 298 – 1 (15)	أَبْدَلٌ
хабар, дарак	(2) 39 – 2	إِخْبَارٌ
фарқ	(11 ،10) 31 – 1	إِخْتِلَافٌ
сўзнинг охириги харфи	؛105– 1 287 ؛273 – 3	أَخِيرٌ
энг қулай	(16) 30 – 1	أَحْفٌ
товуш ўзгариши (ассимиляция)	(15 ،14) 202 – 2	إِدْغَامٌ
эркалаш маъносидаги сўз	(12) 122 – 1	إِسْتِعْطَافٌ
сўрок	؛(12) 117 – 1 (4) 161 – 3	إِسْتِفْهَامٌ
келаси замон	؛(11) 54 ؛(13 ،11) 29 – 2 (4) 231 – 3	إِسْتِقْبَالٌ
от	31 ؛(4 ،2) 22 ؛(3 ،1) 21 ؛(6 ،4) 17 – 1 ؛(9) 41 ؛(15 ،8) 35 ؛(14 ،2) 34 ؛(14) ，12 ،9) 234 ؛(12) 133 ؛(9 ،8 ،1) 129 339 ؛(6) 275 ؛(13) 263 ؛(4) 235 ؛(14 ؛(10) 364 ؛(14 ،6) 361 ؛(13) 360 ؛(5) ؛(5 ،2 ،1) 391 ؛(1) 376 ؛(15 ،11) 375 ，8 ،4) 417 ؛(17) 416 ؛(9) 414 ؛(13) 413 ؛(9 ،7) 422 ؛(8 ،5) 421 ؛(13 ؛(6) 58 ؛(11) 56 – 2 (7) 138 – 3	إِسْمٌ (ج. أسماء)
жамловчи от	؛(15) 333 ؛(15) 311 ؛(1) 278 – 1 (6) 30 – 3	إِسْمٌ جَامِعٌ
кўплик	(11 ،8) 293 ؛(3) 285 ؛(6) 274 – 1	إِسْمٌ جَمْعٌ

